

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Ижтимоий-иқтисодий» факультет

«Иқтисодиёт» кафедраси

«ИНФРАТУЗИЛМА ИҚТИСОДИЁТИ» фанидан

ИШЧИ ДАФТАР

Амалий машғулотлар учун

Кафедра мудири:

О.Сатторкулов

Тузувчи:

Г.Маҳмудова

ИШЧИ ДАФТАРНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

№	Ишчи дафтарнинг таркибий қисмлари	бетлар
1.	<u>Ўқув курсининг проспекти</u>	5
2.	<u>Мавзулар бўйича матн аннотацияси ва охири янгиликлар</u>	15
3.	<u>Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар</u>	187
4.	Даврий <u>мустақил таълимга оид топшириқлар</u>	189
5.	<u>Глоссарийлар</u>	191
6.	<u>Тавсия этиладиган электрон журналлар ва интернет сайтлар</u>	199

ЎҚУВ КУРСИНИНГ ПРОСПЕКТИ

ИНФРАТУЗИЛМА ИҚТИСОДИЁТИ
ЎҚУВ КУРСИНИНГ ПРОСПЕКТИ
(2016/2017 ўқув йили)

Ўқув курсининг тўлик номи	Инфратузилма иқтисодиёти		
Курснинг қисқача номи	ИИ	Код: ИИ	
Кафедра	Корпоратив бошқарув		
Ўқитувчи ҳақида маълумот	А. Исмаилов		ismailovallayor@mail.ru
Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги	7-семестр, 19 ҳафта		
Ўқув соатлари ҳажми	Жами	94	
	шунингдек		
	маъруза	38	
	семинар		
	амалий	56	
	мустақил таълим	75	
	5230100	Иқтисодиёт (инфратузилма)	
Ўқув курсининг статуси	Асосий ўқув курси		
Дастлабки тайёргарлик	Курс “Иқтисодиёт назарияси”, “Ишлаб чиқариш инфратузилмаси” фанларидан ўзлаштирилган билимларга асосланади.		
<p>Курснинг предмети ва мазмуни: Курснинг предмети инфратузилмаларнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ўрганишдан иборат.</p> <p>Курс инфратузилма иқтисодиёти ва инфратузилма объектларининг моҳияти ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш мақсадида инфратузилма соҳасини назарий ва амалий томонларини ўрганишга йўналтирилган.</p> <p>Курсни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари:</p> <p>Фанни ўқитишдан мақсад-талабаларга инфратузилма тизимини бошқаришда зарур бўлган замонавий андозаларга жавоб берадиган назарий-амалий профессионал билимларни мустаҳкамлашга ҳамда шакллантиришга қаратилган.</p> <p>Фаннинг вазифаси-талабаларга инфратузилманинг моҳияти, таркиби ва асосий тушунчаларини изоҳлаш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - инфратузилма иқтисодиёти ва унинг таркибий қисмлари ҳамда иқтисодий негизларини асослаш; - инфратузилма хизматлари ва уларнинг ривожланишини, асосий йўналишларни таҳлил этиш; - инфратузилма иқтисодиётининг самарадорлиги ва уларнинг асосий кўрсаткичларини таҳлил этишни, ва қарорлар қабул қилишдан иборатдир. <p>“Инфратузилма иқтисодиёти” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:</p> <ul style="list-style-type: none"> -инфратузилма моҳияти ва унинг туркумланиши; бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий концепцияси; Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бозор инфратузилмалари ва уларнинг таркиби ва босқичлари; инфратузилма иқтисодиёти самарадорлиги ва унга таъсир қилувчи омилларини билиши керак; -инфратузилманинг иқтисодий ривожланишдаги роли; илғор чет эл тажрибасини 			

билиши ва иш юритиш усуллари эгаллаши; корхона инфратузилмаси фаолиятини таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари бўйича кўникмаларига эга бўлиши керак.

-инфратузилма хизматлари ва уларнинг ривожланиши; миллий иқтисодиёт инфратузилма соҳаларида содир бўлаётган жараёнлар ва ўзгаришларни таҳлили; инфратузилмани ривожланишида инвестициянинг роли; ривожланган мамлакатларни бу борадаги илғор тажрибаларини ўрганиш ва уларни амалиётга қўллаш бўйича хулоса ва таклифларни шакиллантириш ва тавсиялар бериш; илмий адабиётларни ўқитиш, қиёсий таҳлил қилиш ва иқтисодий статистик материалларни танлаш ва таҳлил қилиш малакаларига эга бўлиши керак.

Курснинг тематик таркиби ва мазмуни

№	Мавзулар номи	Аудитория соатлари			Мустақил иш	Жами
		жами	шу жумладан			
			маъруза	амалий (семинар)		
1	2	3	4	5	6	7
7-семестр						
1.	“Инфратузилма иқтисодиёти” фанининг предмети, усуллари ва асосий вазифалари	6	2	4	5	11
2.	Инфратузилманинг моҳияти, таркиби ва туркумлаштириш	8	4	4	5	11
3.	Инфратузилмалар ривожланиши ва макроиқтисодий ўсишнинг ўзаро алоқадорлиги	6	2	4	5	11
4.	Бозор инфратузилмаси ва унинг таркибий тузилиши	8	4	4	5	13
5.	Ёқилғи энергетика мажмуи ва унинг инфратузилма иқтисодиётидаги роли	8	4	4	5	13
6.	Транспорт тизими ва иқтисодиётнинг транспорт инфратузилмаси	8	4	4	5	13
7.	Автомобиль йўли инфратузилмаси	6	2	4	5	9
8.	АКТ тизими ва унинг ривожланиш тенденциялари	6	2	4	5	9
9.	Инфратузилма соҳасида инвестициялар ва уларнинг иқтисодий	8	4	4	5	13

	самарадорлиги					
10.	Ижтимоий инфратузилма аҳоли ҳаёт даражасини оширишнинг асосий йўналиши	8	4	4	6	14
11.	Инновацион инфратузилма иқтисодий ривожланишнинг омили	6	2	4	6	12
12.	Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда "Outsourcing" (Аутсорсинг) инфратузилмаси хизматлари	8	4	4	6	12
13.	Халқаро интеграцион ташкилотлар ва инфратузилмалар	6	2	4	6	12
14.	Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг инфратузилма иқтисодиётидаги илғор хорижий тажрибаларини ўрганиш	6	2	4	6	12
	Жами	94	38	56	75	169

1-мавзу. “Инфратузилма иқтисодиёти” фанининг предмети, усуллари ва асосий вазифалари.

Инфратузилма иқтисодиёти фанининг предмети. Инфратузилма иқтисодиёти фанининг асосий вазифалари. Фан ўрганадиган асосий усуллар. 2015-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги қарори ва “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурига кирган устувор вазифалар ва уларни амалга оширишнинг иқтисодий асослари. Инфратузилма иқтисодиёти фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқаси.

2-мавзу. Инфратузилманинг моҳияти, таркиби ва туркумлаштириш.

Инфратузилманинг моҳияти, аҳамияти ва вазифалари. Инфратузилманинг туркумлаштирилиши, унинг таркиби. Инфратузилма иқтисодиёти моҳияти, аҳамияти ва вазифалари. Ижтимоий инфратузилманинг асосий вазифаси. Республикада инфратузилманинг таркибий элементлари. Инфратузилманинг ижтимоий- иқтисодий ишлаб чиқариш учун нормал шарт-шароитларни таъминловчи тармоқ эканлиги.

3-мавзу. Инфратузилмалар ривожланиши ва макроиқтисодий ўсишнинг ўзаро алоқадорлиги.

Инфратузилманинг иқтисодий ривожланишдаги роли. Макроиқтисодий ўсиш ва унинг турлари. Инфратузилмалар билан макроиқтисодий ўсиш ўзаро алоқалари.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида инфратузилмани ривожлантиришнинг аҳамияти.

4-мавзу. Бозор инфратузилмаси ва унинг таркибий тузилиши.

Давлатнинг кредит тизими, функциялари ва ўзига хос хусусиятларини илмий тадқиқ этиш. Суғурта фаолиятини ташкил этиш ва илмий баҳолаш. Биржалар фаолиятини бошқариш ва таҳлил этиш. Реклама агентликлари хизмати ва уларни илмий тадқиқ этиш. Савдо воситачилик корхоналарини фаолиятини илмий баҳолаш.

5-мавзу. Ёқилғи энергетика мажмуи ва унинг инфратузилма иқтисодийтидаги роли.

Иқтисодийни ривожланишида ёқилғи-энергетиканинг роли. Иқтисодий тармоқларини энергия билан таъминлашнинг ҳозирги ҳолати. Электр энергияси таъминоти ва уни ривожлантириш йўллари. Энергоресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари. Энергоресурсларнинг турли манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш йўллари.

6-мавзу. Транспорт тизими ва иқтисодийнинг транспорт инфратузилмаси.

Транспорт инфратузилмасининг ривожланиш тенденциялари. Транспорт инфратузилмасининг иқтисодий кўрсаткичлари. Темир йўл транспорти тизими ва унинг иқтисодийдаги роли. Шаҳарларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш масалалари.

7-мавзу. Автомобиль йўли инфратузилмаси.

Йўл инфратузилмасининг моҳияти ва асосий тушунчалари. Автомобиль транспорти тизими. Транспорт ва юк ташиш тизимида йўл инфратузилмасининг роли. Халқаро автомагистрал ва ягона миллий автомобиль транспорт тизимини яратиш. Миллий автомагистрал ёқаси ва темир йўллар бўйлаб инфратузилма ва сервис объектларини ташкил этиш ва такомиллаштириш.

8-мавзу. АКТ тизими ва унинг ривожланиш тенденциялари.

Ўзбекистон телекоммуникациялари тизими. Ахборот инфратузилмасининг ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили. Уяли алоқа инфратузилмаси. Интернет хизматлари ва маълумотлар узатиш тармоқлари тизими. Республикада АКТ ривожлантириш йўналишлари. АКТ хизматлари фойдаланиш имкониятлари ва йўллари кенгайтириш.

9-мавзу. Инфратузилма соҳасида инвестициялар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги.

Инфратузилма соҳасига инвестицияларни жалб этиш зарурлиги ва аҳамияти. Инфратузилма соҳасига сарфланаётган инвестицияларнинг манбалари ва уларнинг сарфланиш йўналишлари. Инфратузилма соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш.

10-мавзу. Ижтимоий инфратузилма аҳоли ҳаёт даражасини оширишнинг асосий йўналиши.

Маданият ва ҳордиқ чиқариш инфратузилмаси. Соғлиқни сақлаш тизими инфратузилмаси. Таълим тизими инфратузилмаси. Жисмоний тарбия ва спорт инфратузилмаси.

11-мавзу. Инновацион инфратузилма иқтисодий ривожланишнинг омили.

Инновациялар ва уни жамият тараққиётидаги ўрни. Интеллектуал мулк ва унинг тижоратлашуви. Инновацияларни ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси.

12-мавзу. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда "Out sourcing"

(Аутсорсинг) инфратузилмаси хизматлари.

Кичик бизнес ва тадбиркорликда меҳнат тақсимоти ва унимдорликни оширишда аутсорсинг хизматлари. Консалтинг, трейнинг корхоналари хизматлари. Бухгалтерия ва аудит, молия корхоналари хизматлари. Head hunting (хедхантинг), call centre (кол центр), маркетинг агентликлари хизматлари

13-мавзу. Халқаро интеграцион ташкилотлар ва инфратузилмалар.

Халқаро инфратузилманинг таркибий қисмлари. Халқаро интеграцион ташкилотлар ва уларнинг марказлари Халқаро молиявий ташкилотларнинг фаолияти.

14-мавзу. Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг инфратузилма иқтисодиётидаги илғор хорижий тажрибаларини ўрганиш.

Иқтисодиёти барқарор ривожланган давлатларда инфратузилмани ташкил топиши. Инфратузилма объектларини иқтисодий таҳлили. Халқаро тажрибаларни ўзаро алмашиш.

Таълим бериш ва ўқитиш услуги	Маъруза, амалий машғулотлар, мустақил ишлар (давра столи, кейс стади, мастер-класслар)		
Мустақил ишлар	Ўқув лойиҳалар, гуруҳли тақдимот, рефератлар, кейслар, маърузалар, кроссвордлар, постер, проспект, эссе ва х.к.		
Маслаҳатлар топшириқларни топшириш ва вақти	Сешанба Пайшанба	14.00-16.00 10.00-12.00	Ауд. 1/408 Ауд. 1/408
Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари, ва тартиби			
Баҳолаш усуллари	Экспресс тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар ва х.к.		
Баҳолаш мезонлари	86-100 балл - «аъло»: Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш; фанга оид кўрсаткичларни иқтисодий таҳлил қилишда ижодий фикрлай олиш; ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш; меҳнат муносабатларига оид таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш; ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш; таҳлил натижалари асосида вазиятга тўғри ва ҳолисона баҳо бериш; ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида тасаввурга эга бўлиш; ўрганилаётган жараёнларни аналитик жадваллар орқали таҳлил этиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш. 71-85 балл - «яхши»: ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш; таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш; ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида		

	<p>тасаввурга эга бўлиш; ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш; ўрганилаётган жараёнларни жадваллар орқали таҳлил этиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш. 55-70 балл- «қониқарли»: ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш; ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ва жараён тўғрисида тасаввурга эга бўлиш; ўрганилаётган жараёнларни аналитик жадваллар орқали таҳлил этиш. 0-54 балл -«қониқарсиз»: Ўтилганфаннинг назарий ва услубий асосларини билмаслик; иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил этиш бўйича тасаввурга эга эмаслик; ўрганилаётган жараёнларга иқтисодий усулларни қўллай олмаслик.</p>		
Баҳолаш жараёни	Рейтинг баҳолаш турлари	Макс.балл	Ўтказиш вақти
	Жорий назорат	35	
	Маъруза машғулотларда фаоллиги, мунтазам равишда конспект юритиши учун	6	Семестр давомида
	Мустақил таълим топшириқ-ларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши	9	
	Амалий машғулотларда фаоллиги, саволларга тўғри жавоб берганлиги, амалий топшириқларни бажарган-лиги учун	20	
	Оралиқ назорат		
	Биринчи оралиқ назорат ёзма иш (амалий машғулот ўқитувчиси томонидан қабул қилинади).	15	10-хафта
	Иккинчи оралиқ назорат (маърузачи ўқитувчиси томонидан қабул қилинади). Иккинчи оралиқ назорат 2 босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич, 10 балл-талаба	20	17-хафта

	<p>якка тартибда топшириқлар олади ва ҳимоя қилади. Иккинчи босқич, 10 балл-талабалар кичик гуруҳларга бўлинади (ҳар бир гуруҳда талабалар сони 5-7 тагача бўлиши мумкин), ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқлар берилади ва ҳимоя қабул қилинади. Топшириқлар 2-3-ҳафталар оралиғида талабаларга бириктирилади. Гуруҳнинг фаоллиги, берил-ган топшириқни назарий ва амалий жиҳатдан ёритилиши, хулосаларнинг мантикий боғлиқлиги, креатив мулоҳазаларнинг мавжудлиги, ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни билиши ва бошқа талабларга мослиги ҳисобга олинади. Гуруҳдаги ҳар бир талабага 0-10 оралиғида бир хил балл кўйилади. Ҳимоя кафедра мудири томонидан тасдиқ-ланган график асосида дарс машғулотларидан сўнг таш-кил этилади</p>		
	Якуний назорат	30	20-ҳафта
	Ёзма иш	30	
	ЖАМИ	100	
Ахборот ресурс база			
Асосий адабиётлар	<p>1. Белых Л.П. «Реструктуризация предприятия». Учебное пособие. - Москва.: «ЮНИТИ-ДАТА», 2007 г.- 350 с.</p> <p>2. Горфинкель.В.Я. «Экономика предприятия». Учебник. - М.: «ЮНИТИ-ДАТА», 2008 г. – 450 с.</p> <p>3. Кузнецова А.И. Инфраструктура: Вопросы теории, методологии и прикладные аспекты современного инфраструктурного обустройства. Геоэкономический подход. М.:Кои Книга, 2010.-456 с.</p> <p>4. Носова С.С. Основы экономики: учеб. М.: КНОРУС, 2009, 312 с.</p>		

Кўшимча адабиётлар	<p>1. Каримов И.А. «Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир». // Халқ сўзи газетаси. 2016 йил 16 январь, №11 (6164).</p> <p>2. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. 2015 йил 17 январь, №11 (6164).</p> <p>3. Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”.– Т.: Ўзбекистон, 2012. - 36</p> <p>4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий қўлланма.– Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 282 б.</p> <p>5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 281 б.</p> <p>6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.</p> <p>7. Горфинкель.В.Я. «Экономика предприятия». Учебник. - М.: «ЮНИТИ-ДАТА», 2008 г. – 450 с.</p> <p>8. Иваньков А.Е., Иванькова М.А. Менеджмент: учебный минимум. –М.: «Юриспруденция», 2008.-32 с.</p> <p>9. Ишмухамедов А.Э., Каланов Б.З., Каланова М.З., Суннатов М.Н. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2007.- 380 с.</p> <p>10. Ивашковский. С.Н. «Макроэкономика». Учебник. – М.: «Дело», 2004 г.- 380 с.</p>
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	<p>1. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. www.lex.uz</p> <p>2. “2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги ПҚ–1072-сон қарори</p> <p>3. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги</p>

	<p>ПФ-4354-сонли фармони. 2011 йил 24 август.</p> <p>4. “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1604-сонли қарори. 2011 йил 25 август.</p> <p>5. “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. Янги таҳрир. 2001 йил 29 август.</p> <p>6. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида”ги қонуни 05.05.2014 йил.</p> <p>7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 15.12.2014 йилдаги 50 (654)-сон, 590-модда</p> <p>8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1446-сонли “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги қарори.</p> <p>9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори.</p> <p>10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январдаги ПҚ-1041-сонли “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори</p>
Илмий журналлар	Экономическое обозрение, Иктисодиёт ва таълим, Вопросы экономики
Даврий нашрлар	Народное слово, Халқ сўзи, Бизнес даили.
Статистик нашрлар	<p>1. Статистический ежегодник регионов Узбекистана. 2014. –Т.: Госкомстат Узбекистана. 2015. - 130 с.</p> <p>2. Статистическое обозрение Узбекистана. 2008-2015.</p> <p>3. Узбекистан в цифрах. 2014. – Т.:, Госкомстат Узбекистана 2015. – 188 с.</p>
Интернет ресурслар	<p>1. www.economics.ru</p> <p>2. www.ved.ru</p> <p>3. www.ser.uz</p> <p>4. www.uza.uz</p> <p>5. www.ifmr.uz</p> <p>6. www.lex.uz</p> <p>7. www.ziyonet.uz</p> <p>8. www.gkki.uz</p>

МАВЗУЛАР БЎЙИЧА МАТН АННОТАЦИЯСИ
ВА ОХИРГИ ЯНГИЛИКЛАР

1-МАВЗУ.

1-мавзу. “Инфратузилма иқтисодиёти” фанининг предмети, усуллари ва асосий вазифалари

1. “2016 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.

2. “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий масалалар.

3. Инфратузилма иқтисодиёти фанининг предмети ҳамда асосий вазифалари..

4. Инфратузилма иқтисодиёти фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқаси.

Таянч иборалар: инфратузилма, инфратузилма иқтисодиёти предмети, объект, субъект, инфратузилма иқтисодиёти, жараён, давлат дастурлари, йил яқунлари

1. 2016 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.

2016 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- 1. Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш борасида бошланган тизимли ислохотларни, иқтисодиётимизда, авваламбор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналиши

- 2. 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастурининг асосий қоида ва йўналишларини сўзсиз бажариш бўйича бошланган ишларни 2016 йилда ҳам давом эттириш энг муҳим вазифа

- 3. Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш 2016 йил ва яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг принципиал муҳим йўналиши

- 4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш билан боғлиқ масалалар

- 5. Иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни кўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб этади.

- 6. Иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, «Электрон ҳукумат» тизими фаолиятини янада ривожлантириш

- юқори ва изчил ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш;

- иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга ошириш;

- хизматлар соҳасининг жадал ривожланиш;
- транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш;
- қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича дастурни амалга ошириш;
- аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш;

2016 йил – “Соғлом она ва бола йили” умумдавлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш.

Мазкур устувор йўналишлар асосида 2016 йилги макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш омиллари:

- макроиқтисодий сиёсатни янада такомиллаштириш, банк тизими имкониятини мустаҳкамлаш ва уни қайта ислоҳ қилиш, ҳамда банк инфратузилмасини ривожлантириш;

- иқтисодиёт тармоқларидаги модернизация, техник ва технологик янгилаш ишларини давом эттириш ва натижада унинг ЯИМдаги улушини ошириш.

- салбий ташқи омилларга нисбатан мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни давом эттириш орқали республика иқтисодиётининг мувозанатли ривожланиши ва барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш.

Инфратузилма иқтисодиёти фанининг мақсади- инфратузилма тушунчаси ва турлари, иқтисодий фаолият ва ишлаб чиқариш, иқтисодий механизм ва тизимлар самарадорлигини ошириш муаммолари, республика иқтисодиёти инфратузилмасини чуқурроқ ўрганиб келгусида мустақил меҳнат фаолиятида амалий профессионал билимни шакллантиришга йўналтиришдир.

. Инфратузилма иқтисодиёти ишлаб чиқариш соҳаси учун бевосита шароит яратиб берадиган тармоқлардан бири ҳисобланади. Иқтисодиётда бозор механизмнинг ривожланиб бориши билан алоҳида бозорларнинг эҳтиёжларини қондириш бўйича фаолиятнинг махсус турини яратиш зарурияти вужудга келади.

Иқтисодиётда бозор механизмнинг ривожланиб бориши билан алоҳида бозорларнинг эҳтиёжларини қондириш бўйича фаолиятнинг махсус турини яратиш зарурияти вужудга келади. Мамлакатимизда аҳолини турмуш фаровонлигини таъминлаш ва юксалтиришга хизмат қиладиган тизим ва тузилмаларнинг фаолиятини янада ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб турибди. Биринчи навбатда аҳолининг соғлигини сақлаш, таълим олишини таъминлаш, иш билан бандлигини таъминлаш, жисмоний тарбия ва спорт мажмуалари билан таъминлаш ва шу билан бир қаторда мамлакатдаги инсоннинг юксак турмуш фаровонлигини таъминлаш учун хизмат қиладиган барча корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини жаҳон талаблари даражасида модернизация қилиш, жиҳозлаш малакали мутахассислар билан таъминлаш инфратузилма соҳаларининг барқарор ривожланиши жуда катта таъсир кўрсатади.

2. “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий масалалар.

Халқимизнинг асрий анъаналарини ҳисобга олиб, «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади» деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғоя жамиятда чуқурроқ англаб етилишига ва қарор топишига йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, оилани, оналик

ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эътибор муҳитини шакллантириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, оиланинг мустаҳкам, соғлом ва аҳил бўлишида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги ПҚ-2487-сон қарорига асосан 2016 йил «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан: Давлат дастурининг муҳим йўналишларидан бири сифатида жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, а «Соғлом она ва бола йили» мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ўрин олган.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий масалалар қуйидагилардан иборат.

I. Оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва раванқ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш.

II. Олис ва чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳоли, айниқса аёллар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий нуқтаи назардан зарур шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш, хизматлар кўрсатиш ва сервис даражасини юксалтириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш

III. Тиббиёт муассасаларининг, жумладан перинатал ва скрининг марказларнинг моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт ҳамшираларининг сонини кўпайтиришни таъминлаш, акушер-гинекологлар ва болалар шифокорлари малакасини ошириш.

IV. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, санитария ва гигиена, ҳомиладор аёлларнинг соғлиғини сақлаш ва психофизиологик аҳволини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш қилиш соҳасидаги ишларни кучайтириш, уларнинг овқатланиш рационали сифати ва калорияси яхшиланишини таъминлаш.

V. Ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, ёшларни, айниқса қишлоқ жойларда қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, янги спорт объектларини қуриш, ишлаб турганларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан таъминлаш

VI. Мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонликни янада мустаҳкамлашнинг муҳим шартли сифатида оилаларда соғлом маънавий муҳитни, хусусан, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, эр-хотин ўртасида, ота-оналар билан фарзандлар, қайнона-келин ўртасида, қўни-қўшнилар ўртасида меҳр-оқибат руҳини яратиш.

VII. Қиз болаларни — бўлажак оналарни — жисмонан соғлом ва интеллектуал ривожланган тарзда вояга етказиш, уларнинг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида албатта таълим олишини, замонавий билимлар ва касб-ҳунарларга эга бўлишларини таъминлаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўринни эгаллашларида,

келажакда соғлом ва мустаҳкам оила қуришларида асосий шарт ҳисобланмиш мустаҳкам ҳаётий нуқтаи назарни ва мустақил фикрлашни шакллантириш.

VIII. Соғлом болани вояга етказишда таълим тизимининг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини янада ривожлантириш, бошланғич таълимнинг юқори сифатини таъминлаб, илғор педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этган ҳолда болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш тадбирларини амалга ошириш.

IX. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини, аввало қизларни ишга жойлаштириш, ўз бизнесини йўлга қўйиш иштиёқидаги ёшларга имтиёзли кредитлар, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратиш чора-тадбирларини таъминлаш.

X. Дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар бирлашмалари, фахрийлар ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бу ишларга жамиятда ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган кекса авлод вакилларини кенг жалб этиш.

XI. Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан электрон ахборот воситаларининг ва Интернет тармоғининг имкониятларидан фаол фойдаланган ҳолда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг мақсадлари ва вазифалари ҳамда Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш.

3. Инфратузилма иқтисодиёти фанининг предмети ҳамда асосий вазифалари..

Ҳозирги кунда тобора ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шароити ўзининг тараққиёти давомида бозор қонуниятлари ва механизмларини амал қилишини тўғри баҳолай оладиган ўзининг ички тузилмалари ва хўжалик юритувчи субъектларига мухтожлик сезади. Шу билан бирга уларнинг ривожланиши ва мавжуд бўлишининг муҳим шарт-шароитлари ва қулай муҳити бўлишини давлат томонидан ташкил этишлишини талаб этади. Бу жараёнда эса иқтисодий қонунлар билан бирга ҳукумат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар уйғунлигини таъминлаш ва уларнинг бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқилишини йўлга қўйиш муҳим саналади. Бозор инфратузилмасини шаклланиши ва уларнинг ривожланишини, маълум соҳа ва тармоқларда мавжуд муаммоларни илмий таҳлил этиш ва янги бозор инфратузилмасини яратаётган хўжалик субъектларини фаолиятини назарий тадқиқ этиш иқтисодий фанларнинг янги турини бўлишини талаб этади. Шу нуқтаий назардан келиб чиқиб, бозор инфратузилмаси назарияси фанини ўрганиш зарурати туғилади. Бу фаннинг шаклланиши учун ҳам бошқа фанлар каби амалий ҳаётдаги муаммолари ва ўрганилишни талаб этаётган қонуниятлари, очиқ берилишини талаб этаётган ҳолатлар борки, улар фаннинг назарий ўрганишни замон тақозоси қилиб қўймоқда.

«Инфратузилма иқтисодиёти» фанини ўқитишнинг асосий мақсади бўлиб талабалар томонидан бозор инфратузилмаси назариясининг амал қилиш ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиш ҳисобланади. Бу курснинг ўқитилиши орқали талабалар бозор инфратузилмасининг назарий асослари ва унинг табиати қонун қоидалари билан яқиндан танишадилар. Мазкур фан уларга бозор инфратузилмаси назариясининг иқтисодий қонунлари, ҳодиса ва жараёнларининг

моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама тушунишда зарур бўлган услубий ёндашувларни ўзлаштиришда аҳамиятли ёрдам беради. Шунингдек, талабаларда бозор инфратузилмаси ва тизимли-иқтисодий муносабатлар тўғрисида амалий тажрибаларни шакллантириш курснинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. «Бозор инфратузилмаси назарияси» фани орқали олинган билимлар бўлғуси иқтисодчи-мутахассисларга иқтисодиётдаги назарий ва амалий масалаларни тўғри ҳал этиш кўникмасини ҳосил этишда ҳамда Президентимиз И.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган маърузасидан келиб чиққан долзарб вазифалар мазмун-моҳиятини ўрганишда ҳам аҳамиятли ёрдам беради.

Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Шунингдек, асарда қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришга кенг ўрин берилган бўлиб, уни мазмун ва моҳиятини ўрганишда бозор инфратузилмасининг назариясининг ўрнини очиқ беришга эътибор берилган.

Умуман иқтисодий фанларнинг асосий ўрганиш объектлари бўлиб иқтисодий жараёнларни бошқичлари ҳисобланади. Булар эса ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол жараёнларидир. Ушбу жараёнларни қисқача таҳлил этилса, ишлаб чиқариш жараёни шундай жараёнки, агар хомашё, айланма маблағ, ишчи кучи ва бошқа материаллар ёки ишлаб чиқариш омилларининг концентрацияси бўлса товар ишлаб чиқариш натижасини беради. Лекин бу ишлаб чиқарилган товарларни истеъмолчисини топиш замонавий иқтисодиётнинг олдидаги энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Айнан айрибошлаш ёки тақсимлаш жараёнини бозор таъминлаб, истеъмолчини топишга ёрдам беришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда бозорларнинг меъёрдаги фаолиятини таъминлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш эса бозор инфратузилмалари олдида турган энг долзарб вазифалардан саналади. Шу нуқтаи назардан олсак, бозор инфратузилмаларининг мавжудлиги, самарали фаолияти ва давомийлигини таъминлаш нафақат иқтисодчи олимлар, балки, иқтисодиётнинг ҳар бир бўғини мутасадди раҳбарларининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Шунингдек, иқтисодий фанларнинг ҳам муаммосига айланган. Бозор инфратузилмасининг назарий таҳлил қилиш иқтисодиётнинг бошқа инфратузилмаларидан маълум маънода алоҳида хусусиятга эга. Биз бу борада фикр юритишдан олдин умумий инфратузилмалар ҳақидаги тушнчага эга бўлишимиз керак.

Инфратузилма – бу ҳар қандай яхлит иқтисодий тизим ва тузилмаларнинг мавжуд бўлиш шарти ҳисобланган таркибий қисмидир. Сўзма-сўз ифодалаганда, инфратузилма – бу иқтисодий тизимнинг асоси, пойдевори, ички тузилмаси демакдир.

«Инфратузилма» атамаси латинча «infra» - қуйи, ости; «structura» - тузилма, жойлашув сўзларидан пайдо бўлган. «Инфратузилма» атамасининг кенг қўлланилишига қарамай, бу тушунчани турлича талқин қилиш ҳоллари учраб туради. Бир гуруҳ олимлар инфратузилманинг функциясини ишлаб чиқариш ва

аҳолига хизмат кўрсатишда деб қараб, уни хизмат кўрсатишнинг яхлит тизими сифатида белгилайдилар.

Бу фан бозор инфратузилмасининг ривожланиш босқичлари, ҳозирги замон бозор инфратузилмасининг аралаш иқтисодиёт тизими сифатида, мамлакатлар ва халқларнинг маданийлашган, ижтимоий-адолатли жамият сари ҳаракат босқичи сифатида тушунтирилиб, унинг характерли хусусиятлари ҳақида чуқур билимлар берувчи фан ҳисобланади. Бозор инфратузилмасини амал қилиши масалаларига, Ўзбекистон бозор инфратузилмасини ўрганишга, республика иқтисодиётида инфратузилманинг жаҳон хўжалигига кўшилиш масалаларига катта аҳамият берилади.

Фаннинг вазифалари- бозор инфратузилмаси инфратузилманинг янги тури бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётда бозор механизмининг ривожланиб бориши билан алоҳида бозорларнинг эҳтиёжларини қондириш бўйича фаолиятнинг махсус турини яратиш зарурияти вужудга келади. Бозорнинг пайдо бўлиши унинг маданийлашган кўринишда амал қилишини таъминловчи янги ташкилотлар, муассасаларнинг шаклланишини тақозо этади.

Инфратузилма иқтисодиёти фанининг предмети - инсонлар томонидан барпо этиладиган ва ўзаро ҳамкорликни таркибловчи сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий меъёрлар ва қоидалар ташкил топади

Инфратузилма – бу ҳар қандай яхлит иқтисодий тизим ва тузилмаларнинг мавжуд бўлиш шарт ҳисобланган таркибий қисмидир.

Инфратузилма иқтисодиёти фанининг вазифаси- бозор иштирокчилари ва унда асосий ўринни эгалловчи инфратузилмалар ривожланиши, қонуниятлари ва уларнинг ҳаракатлари моделларини оптималлаштиришдир.

Фанни ўқитишдан мақсад - инфратузилма тушунчаси ва турлари, иқтисодий фаолият ва ишлаб чиқариш, иқтисодий механизм ва тизимлар самарадорлигини ошириш муаммолари, республика иқтисодиёти инфратузилмасини чуқурроқ ўрганиб келгусида мустақил меҳнат фаолиятида амалий профессионал билимни шакиллантиришга йўналтиришдир.

Инфратузилма иқтисодиёти ишлаб чиқариш соҳаси учун бевосита шароит яратиб берадиган тармоқлардан бири ҳисобланади. Иқтисодиётда бозор механизмининг ривожланиб бориши билан алоҳида бозорларнинг эҳтиёжларини қондириш бўйича фаолиятнинг махсус турини яратиш зарурияти вужудга келади.¹

Иқтисодий механизм бир неча унсурларнинг яхлитлигидан ташкил топади. Унга иқтисодий стимуллар (рағбат берувчи кучлар), ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва истеъмолни ташкил этиш, иқтисодий фаолиятнинг ихтисослашуви, иқтисодий фаолият кооперацияси ва хўжалик алоқаларини ўрнатиш усуллари киради. Иқтисодий механизмнинг етакчи бўғини иқтисодий стимуллар ҳисобланади.

Инфратузилма иқтисодиёти фанини мукамал ўрганишнинг афзаллиги яна шу билан изоҳланадики, тўғри қарор қабул қилишда инсонлар доимо керакли ва ишончли назарий билимга ва маълумотга эга бўлиши зарур. Агар улар ўз билимларига эга бўлмаса тажриба ва хатоларидан келиб чиққан, холдаўзига қимматга тушган усулни қўллаши мумкин ёки бошқаларнинг тажрибаси, хатоларини ўрганиши мумкин, лекин, инфратузилма иқтисодиётдан олган билимларига мурожаат қилса уларнинг иши анча енгиллашади, белгилаган стратегияси ва режаси аниқ бўлади.

¹ 1 Язык бизнеса: термины. Под общ. ред. В.А.Чжена. Т.: ИПК «Шарк», 1995, с.185.

4.Инфратузилма иқтисодиёти фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан ўзаро алоқаси.

Инфратузилма иқтисодиёти ҳудудий инфратузилма, бозор иқтисодиёти асослари, бозор инфратузилмаси назарияси, макро ва микроиқтисодиёт, ишлаб инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилма, чет мамлакатлар бозори. назарияси каби фанлар ўзаро боғланган.

Ушбу фан иқтисодий ўсиш масалаларига бевосита боғлиқдир. Ҳудудий инфратузилма ва уларнинг таркибий тузилишлари, бозор иқтисодиёти шароитида инфратузилма тизимининг аҳамияти, ҳудудий иқтисодиёт ва унинг ривожланишига инфратузилма тизимининг таъсири бўйича амалий ва назарий тавсиялар беради.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишида бозор инфратузилмасининг ролига катта аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, Президентимиз И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси сўзлаган нутқида мазкур соҳани ривожлантириш борасида алоҳида тўхталиб: «Бозор инфратузилмасига хос барча муассасаларнинг ривожланиши устувор аҳамият касб этмоғи зарур. Бунда бизнес хизмати билан узвий боғлиқ бўлган консалтинг, маркетинг, инжиниринг, лизинг, суғурта тизимлари ва бошқа тузилмалар фаолиятини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади»², деб кўрсатиб ўтиши ҳам мазкур жараённинг нақадар аҳамиятли эканини эътироф этади. Шу билан бирга, Президентимиз И.Каримов 2015 йилнинг асосий яқунлари ва 2016 йилнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида “Иқтисодиётни модернизация қилиш ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хусусий мулкчиликни ривожлантириш дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди”³ деб таъкидладилар.

Фаннинг мазмуни ва унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Инфратузилма иқтисодиёти фани бошқа фанлар каби иқтисодий фанлар билан узвий боғлиқ бўлиб, фанни ўрганиш жараёнида барча фанларнинг иқтисодий мазмуни ва назарий асосларини чуқур тадқиқ этиш талаб қилинади. Иқтисодиётда ҳар бир соҳани инфратузилмаси бўлгани ва уларни бошқаришда турли хил ёндашувларнинг мавжудлиги ҳам бу фанинг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлигини таъминлайди. Шу ўринда айтиш мумкинки, биринчи ўринда бозор инфратузилмаси назарияси фани иқтисодий фанларнинг асоси бўлган иқтисодиёт назарияси фани билан чамбарчас боғлиқдир. Иқтисодиёт назарияси фанини ўрганишда қўлланилган услуб ва дастаклар айнан ва босқичма-босқич амал қилади.

² Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Президент Ислам Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаси. 2000 йил 25 январь.

³ И.А.Каримовнинг «Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир» Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 16.01.2016

Бозор инфратузилмаси ҳар бир соҳани мавжуд бўлиши ва ҳаётийлик даврини белгилаб берувчи қуйи тизилмалар йиғиндиси бўлиб, уларнинг фаолиятини даромадлилик даражасини ортиши ҳудди шу соҳанинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай экан бошқа соҳаларнинг ўрганувчи фанларнинг барчаси ҳам шу соҳанинг инфратузилмасини ўрганувчи фаннинг қонун қоидаларини ва амал қилиш механизмларини эътибордан четда қолдирмайди. Шунингдек, бозор инфратузилмаси барча тармоқ ва соҳаларнинг ўртасидаги савдо алоқаларини, улар ўртасидаги олди-берди муносабатларини шакллантирувчи инфратузилма бўлганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳар бир тузилган шартнома маълум бир бозор инфратузилмасининг қуйи тизилмалари хизматидан фойдаланади.

Инфратузилма иқтисодиёти барча соҳалар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, хизматлар ва давлат корхоналарининг мазмун моҳиятини ўрганишдаги қонун-қоидаларини ўрганишда фойдаланидаган фан сифатида шаклланмоқда. Шу билан бирга, инфратузилма назарияси фани менежмент, маркетинг, бизнес, тармоқлар иқтисодиёти ва бошқа шу каби иқтисодий фанлари билан узвий боғлиликда ўрганилади.

Бошқа иқтисодий фанларда фаннинг иқтисодий қонуниятлари, моделлари, услублари ва ўрганишдаги ўзига хосликка эътибор берилса, шу билан бирга бозор инфратузилмаси назарияси фани фан сифатида уларнинг бозорга мослашувчанлиги ва инфратузилмаларининг қандай амал қилишини ва ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни ёритишга эътибор қаратади.

Инфратузилмаларнинг ўзига хос хусусиятлари Инфратузилма мажмуига кирувчи соҳалар иқтисодий жараёнларга турлича таъсир кўрсатади ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида ўзига хос ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи-назардан ҳам, инфратузилма тармоқларини уларнинг муҳим белгилари жихатидан таснифлаш унинг алоҳида унсурлари ва асосий йўналишларининг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрнини аниқлашга имконият яратиб беради. Инфратузилма мажмуасининг кенг қамровли хусусиятга эгаллиги, бевосита уни ягона мезон бўйича таснифлаш имконини бермайди.

Шунга кўра, илмий манбаларда бозор иқтисодиёти шароитида инфратузилманинг асосий йўналишлари сифатида ишлаб чиқариш, ижтимоий-маиший, институционал, шахсий, экологик жаҳон ва бозор инфратузилмаси ажратиб кўрсатилади.⁴ Инфратузилманинг бу кўринишларини бир-бирдан ажратиш, фарқлаш ҳамда уларнинг асосий моҳиятларини ифодаловчи илмий таърифлаш нафақат назарий, балки инфратузилма мажмуасининг иқтисодий муносабатлар тизимида тутган ўрнини асослашда муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибан моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи тармоқ ва корхоналарга ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчига етказишга тайёрлаш, сақлаш, ўраш, қадоқлаш ёки жойлаштириш, товар жойланадиган ёки ўраладиган идишлар билан таъминлаш, ташиш, таъмирлаш ҳамда сотиш каби хизматлар кўрсатувчи, уларнинг тўхтовсиз ва самарали фаолият юритишини таъминловчи ташкилот ва корхоналар мажмуини ташкил этади. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг таркибига кирувчи тузилмалар ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашмайди,

⁴ Қаралсин: Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши (аграр сектор мисолида). И.ф.д. илмий даражасини олиш учун дисс. – Т., 2001.

балки такрор ишлаб чиқаришнинг мунтазам ва бир маромда кечиши учун фақат билвосита асосда зарурий шарт-шароитлар яратиб беради. Шунингдек, мазкур инфратузилманинг функционал хусусияти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларида сарфланган меҳнат унумли ҳисобланади, у миллий даромаднинг қийматини кўпайтиради;

- инфратузилма тармоқларида маҳсулот янги моддий-ашёвий шаклда яратилади;

- инфратузилма тармоғи маҳсулотини захирада сақлаш ёки омборга олиш мумкин эмас, чунки у ташиш, сақлаш ва ахборотни узатиш шаклида намоён бўлади;

- ишлаб чиқариш инфратузилмасини ёрдамчи, ва айниқса, иккинчи даражали соҳа сифатида тавсифлаш мумкин эмас.

Ижтимоий-маиший инфратузилма бевосита кишиларнинг ижтимоий, маънавий, маданий, маърифий, илмий ва шу каби фаолият йўналишларидаги ҳаракатлари, муносабатлари, ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш, ривожлантиришга хизмат кўрсатувчи тармоқ ва субъектлар мажмуидан иборат бўлган иқтисодиётнинг алоҳида бир бўғинидир. Яъни ижтимоий-маиший инфратузилма аҳолининг турмуш тарзига бевосита боғлиқ бўлган уй-жой қурилиш, соғлиқни сақлаш, таълим ва билим бериш, жисмоний тарбия ва спорт, маданий ва маиший, маҳсус алоқа ва транспорт, умумий овқатланиш хизматларини кўрсатиш ҳамда кишиларнинг ҳар томонлама ривожланишига таъсир этувчи бошқа соҳаларни ўз ичига олувчи, уларни боғловчи тизим сифатида ифодаланади.

Ижтимоий – иқтисодий тараққиётда ҳудудий инфратузилма соҳаси таркибига кирувчи тузилмалардан фойдаланиш амалда анча илгари бошланганлигига қарамай, унга мукамал тизимга эга бўлган мустақил соҳа сифатида эътибор қаратиш нисбатан кеч рўй берди. Зеро, “инфратузилма” атамаси фанга киритилишининг аниқ санаси маълум бўлмай, кўпчилик тадқиқотларда ушбу тушунча XX аср 40 – йилларининг охирида пайдо бўлган дейилса, баъзиларида эса америкалик иқтисодчи П.Розенштейн-Родан томонидан 1955 йилда илмий атама сифатида қўлланилгани қайд этилган.⁵ Маълумотларга кўра, XX аср бошларида “инфратузилма” атамаси иқтисодий таҳлилда қуролли кучларнинг ҳаётга лаёқатлилигини таъминловчи объект ва иншоотларни ифодалаш учун қўлланилган. 40 йилларда Ғарбда инфратузилма тушунчаси орқали моддий ишлаб чиқаришнинг етарли даражада амал қилиши учун хизмат қилувчи тармоқлар мажмуи тушунила бошланди.

Инфратузилма – бу ҳар қандай яхлит иқтисодий тизим ва тузилмаларнинг мавжуд бўлиш шарти ҳисобланган таркибий қисмидир.

“Инфратузилма “ атамаси латинча “ инфра “ – қуйи, ости, “ структура” – тузилма, жойлашув сўзларидан пайдо бўлган. “ Ифратузилма” атамасининг кенг қўлланилишига қарамай, бу тушунчани турлича талқин қилиш ҳоллари учраб туради. Бир гуруҳ олимлар инфратузилманинг функциясини ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатишда деб қараб, уни хизмат кўрсатишнинг яхлит тизими сифатида белгилайдилар.

Шунингдек, баъзилар “инфратузилмани “ инсоннинг ҳаёти ва ижтимоий ишлаб чиқаришда хизматлар, ишлаб чиқаришдаги ўзига хос меҳнат жараёнлари мажмуаси”⁶, “ моддий ишлаб чиқаришга ишлаб чиқариш хизматлари кўрсатувчи, халқ хўжалигида иқтисодий айланишни таъминловчи, аҳоли учун хизматлар ва маънавий неъматлар ишлаб чиқарувчи, атроф - муҳитни такрор ишлаб чиқариш ва муҳофаза қилиш учун мавжуд халқ хўжалигининг тармоқлари ва тармоқ ичи соҳалари йиғиндиси “сифатида таърифласалар⁷, баъзилари инфратузилманинг аҳамиятини“ ишлаб чиқаришнинг умумий шарт-шароитларини яратиш”, “ асосий ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш” орқали белгилаб, у орқали фақат ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш тизимини тушунадилар.

Инфратузилма – такрор ишлаб чиқариш шартларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари комплекси- йўллар, алоқа, транспорт, маориф, соғлиқни сақлаш. Асосий ишлаб чиқариш инфратузилмаси энерго-таъминот, транспорт ва алоқа тармоқларидир. Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларининг бўлинмас қисми ҳисобланади.

Р.Иохимсен инфратузилмани хўжалик фаолияти даражасини оширувчи, ҳудудларда хўжалик бирлигини ташкил этишга имконият яратувчи бир хилда сарф қилган харажатларига оладиган даромадларини тенглаштирувчи моддий, шахсий ва институционал фаолият турлари ва улар ташкилотларининг йиғиндиси сифатида талқин қилади.⁸

Яна шундай нуқтаи-назар ҳам мавжудки, унга кўра инфратузилма қулай фаолият майдонини таъминлашга қаратилган sanoat корхоналарининг муваффақиятли амал қилиши учун зарур моддий-техникавий шароитларни

⁵ Стаханов В.И. Экономика инфраструктуры общественного производства. Учеб. пос. Ростов н/Д, 1999, 8-б.

⁶ Стаханов В.И. Экономика инфраструктуры общественного производства. Учеб. пос. Ростов н/Д, 2001, 6-б.

⁷ Шарипов А.Ю. Управление отраслями инфраструктуры в системе региона. М., 2007, 5 с.

⁸ Jochimsen R. Theorie der Infrastruktur – Zübingen. Mohr, 1966, 51-б.

таъминловчи объект ва иншоотларнинг йиғиндиси сифатидаги жамғарилган моддий бойликни ташкил этади.

Инфратузилма тўғрисида сўз борганда аввало шуни таъкидлаш лозимки, у қандайдир маҳсулотни ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмайди, балки фақат уни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб беради.

Иқтисодиётнинг инфратузилмага оид унсурлари иқтисодиёт томонидан инфратузилманинг зиммасига юклатилган ўзига хос вазифаларнинг ҳосиласи ҳисобланади. Бу вазифалар вақт ўтиши билан ўзгариб ҳамда асосий ишлаб чиқариш вазифаларидан тобора алоҳидалашиб боради. Шунга кўра, инфратузилманинг моҳиятини аниқлашда унинг дастлабки белгиси бўлиб ишлаб чиқаришни зарур шарт-шароит билан таъминлашдан иборат бўлган вазифаси майдонга тушмоғи лозим. Зеро, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек «Инфраструктура комплекси – иқтисодиётимизнинг бутун структураси таянадиган пойдевордир. Республика бутун халқ хўжалик комплекси ишининг уйғунлиги, унинг самарадорлиги, шунингдек, чет эл сармояларини жалб қилиш ва ўзлаштириш имконияти бутунлай инфраструктура тизими ривожининг ҳолатига ва даражасига боғлиқдир»⁹.

Ўзбекистонда бозор инфратузилмасининг шаклланиши Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтган илк йилларидаёқ намоён бўла бошлади ва уни самарали амал қилишини таъминлаш бўйича Президентимиз асарларида ва маърузаларида жуда кўп марта алоҳида этибор қаратилиши лозим бўлган муҳим устивор вазифалар сарасига киритилган.

2.2. Инфратузилманинг туркумлаштирилиши, унинг таркиби.

Ҳозирги кунда инфратузилма таркибини белгилаш, мазкур тизимга кирувчи унсурларни кўрсатиб беришда маълум номувофикликлар мавжуд. Жумладан, бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан инфратузилма алоқаларини ўрнатишга ва самарали юритишга хизмат қилувчи корхона, ташкилот ва муассасалар мажмуи сифатида қараб, уни беш бўғинга ажратадилар:

1. ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфратузилма (транспорт, алоқа, омбор хўжалиги, йўл хўжалиги, сув ва энергетика кабилар)

2. товарлар ва хизматлар муомаласига, яъни савдо-сотик ишларига хизмат қилувчи инфратузилма (биржалар, савдо уйлари, аукционлар, тижоратчилик идоралари, реклама фирмалари ва агентликлари, давлатнинг савдо-сотик ва уларни назорат етувчи муассасалари)

3. молия - кредит муносабатларига хизмат қилувчи инфратузилма (тижорат банклари, ўз-ўзини кредитлаш идоралари, суғурта компаниялари, молия компаниялари, солиқ ундириш маҳкамалари, ҳар хил пул фондлари)

4. аҳолига хизмат қилувчи ёки социал инфратузилма (уй-жой, коммунал ва транспорт хизмати, маориф, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари, аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари ва идоралари)

5. ахборот хизмати (иқтисодий фаолият учун зарур бўлган ҳар хил ахборотлар – маълумотлар ва хабарларни тўплаш, умумлаштириш ва сотиш билан шуғулланувчи турли компаниялар, фирмалар, маслаҳат идоралари, давлат муассасалари).¹⁰

⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995, 240-б.

¹⁰ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т., 2000, 189-190 б.

Инфратузилма – бу иқтисодий категория бўлиб, сўнгги маҳсулотни катта миқдорда олиш имконини берувчи моддий ишлаб чиқариш соҳасининг бир қисмини ўзида акс эттиради. У корхоналарнинг меъёрий фаолиятини таъминловчи жамият ишлаб чиқарувчи кучининг ажралмас қисми саналади. Инфратузилмани 2 гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

ишлаб чиқариш инфратузилмаси;

ижтимоий инфратузилма;

Ишлаб чиқариш инфратузилмасига қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни таъминловчи тармоқлар кирса, ижтимоий инфратузилмага ишлаб чиқаришга кўмаклашувчи - ишчи кучини тиклашга ёрдам берувчи тармоқлар кирази.

Инфратузилманинг юзага келиши моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, унинг ривожланиши тармоқлар фаолият шакллари таъминлайди ва интеграцион ишлаб чиқаришнинг янги турларини вужудга келтиради. Моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ижтимоий меҳнат интеграцияларининг ўсиши эса аҳолини таъминлаш учун жамият заҳираларининг катта қисмини озод қилади. Шундай қилиб, инфратузилманинг юзага келиши жамият ишлаб чиқариш кучининг тараққиёти натижаси ҳисобланади, унинг моҳияти эса тармоқлардаги ички иқтисодий бирдамлик ва маълум вазифавий таъминот билан белгиланади.

Ижтимоий инфратузилма бу ишлаб чиқаришда функционал вазифа фаолиятининг турлари ва иқтисоднинг тармоқлари ҳамда аҳоли учун хизмат ва маънавий манфаатни амалга ошириш ҳисобланади. “Ижтимоий инфратузилма” атамаси иқтисодий адабиётларда яқин даврлардан қўлланила бошланди. Унинг остида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ёки хизмат соҳаси назарда тутилади.

Маънавий ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ижтимоий ҳаётнинг барча элементлари инфратузилмаси борасидаги масала долзарб масалалардан бўлиб, у “ижтимоий инфратузилма” тушунчаси билан бирлашувчи ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида инсоннинг ҳаётнинг барча жабҳаларида инсоннинг ҳаёт таъминоти тизимининг самарали ҳаракати учун шароит яратувчи моддий ва ашёвий элементларнинг мазмуни ва характери тушунчасини аниқлаш заруриятига олиб боради.

Биз ҳаёт таъминоти тизими ёки ҳаётини муҳит ҳақида гапирганимизда инсон ҳаёт фаолиятининг зарур шароитларини назарда тутамиз: уй-жой, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, оёқ кийим, ҳаракат воситалари, таълим соҳаси, соғлиқни сақлаш, яшаш муҳити, тарбия, бўш вақт, инсоннинг ўзи ва оиласига хизмат кўрсатиши назарда тутилади.

Жамият ривожланиши, табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабатнинг мураккаблашуви, меҳнат мазмунининг ўзгариши даражасида бу билан боғлиқ ҳолда инсонга нисбатан интеллектуал, касбий талабларнинг ортиши, унинг ҳаёт таъминоти муҳити, ҳуқуқи, меҳнат куруллари сингари мавжудлик ва фаолиятнинг объектив омиллари бўлиб қолади, буларсиз эса ишлаб чиқариш жараёни амалга ошмайди.

Ижтимоий инфратузилманинг ўзига хос вазифаларини тадқиқ қилиш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда, бирорта ижтимоий институт уни тўла бажара олмайди.

Ижтимоий инфратузилма вазифаларини таҳлил қилар эканмиз, жамиятда ҳар қандай объектнинг вазифалари ижтимоий тараққиётнинг яқдил жараёни компонентлари ўртасида ўзаро алоқадорликнинг алоҳида шаклини акс эттиради. Бу

бизни ижтимоий инфратузилма ривожланиши билан бевосита алоқадор аниқ жараёнларни тадқиқ қилишга йўллайди:

Ижтимоий инфратузилма вазифалари:

Ўсиб бораётган авлодни тарбиялаш, малака олиш, малакасини қайта ошириш (маълумот, таълим);

Ишга лаёқатлилиқ даврининг ортиши (соғлиқни сақлаш);

Иш куни давомида меҳнат унумдорлиги пасайишини бартараф қилиш (ижтимоий истеъмол, пассажирлик транспорти)

Ишчиларнинг дам олиши учун шароит яратиш, уларнинг маданийлик даражасини ошириш (уй-жой хўжалиги, маданият, санъат).

У ёки бу институт вазифалари муаммоси маълум мақсад борасидаги масала билан чамбарчас боғлиқ ва у ушбу мақсад туфайли ташкил қилинади ва инсонларнинг ижтимоий тараққиётига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам йирик назарий ва амалий аҳамиятга эга инфратузилманинг мақсадли вазифалари борасидаги масалани кўйиш тўғрироқ бўларди.

Мақсаднинг қандай белгиланганлиги, унинг ютуқлари, имкониятлари ва йўлларининг аниқ белгиланганлиги сезиларли даражада ижтимоий тараққиётни мақбуллаштириш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш, илмий-техникавий инқилоб ютуқларини амалга ошириш, замонавий жамиятнинг заҳира ва яширин имкониятларини қулай билиш билан боғлиқ.

2. Ижтимоий инфратузилма тизими

Ижтимоий инфратузилма ишлаб чиқариш жараёнида ишчиларнинг самарали фаолият юритишлари учун зарур шароитларни ташкил этишга қаратилган жамият ишлаб чиқарувчи кучининг бир қисмини ўзида намоён этади. Ижтимоий инфратузилманинг асосий бош вазифаси бўлиб аҳоли ижтимоий-маиший шароитини келгусида яхшилаш ҳисобланади.

Ижтимоий инфратузилма тармоқлари сўнгги маҳсулотни яратишда бевосита иштирок этмайди, бироқ улар ишлаб чиқариш жараёнининг яхши ривожланиши учун замин яратади. Ижтимоий инфратузилманинг роли ишлаб чиқариш эҳтиёжларини талаб қилинадиган малакали кадрлар билан таъминлашга ёрдам беришдан, қишлоқ жойларида унинг пайдо бўлишини мустаҳкамланишига кўмаклашишдан, меҳнат ҳимояси ва хавфсизлик техникаси билан таъминлашдан иборат. Ижтимоий инфратузилма бўлимлари корхона ишчиларини ҳам, уларнинг оила аъзоларининг ҳам коммунал-маиший талабларини қондириш учун шароит яратишда иштирок этади.

Ижтимоий инфратузилма ижтимоий-маиший ва ижтимоий-маънавий инфратузилмани қамраб олади. Ижтимоий-маиший инфратузилмага савдо-сотиқдаги, ижтимоий истеъмолдаги моддий ишлаб чиқаришнинг айрим элементлари, маиший хизмат кўрсатишнинг ишлаб чиқариш хизматлари кабилар киради. Тармоқли гуруҳлашда ижтимоий инфратузилма таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний маданият ва санъат, улгуржи савдо ва ижтимоий истеъмол билан, уй-жой ва коммунал хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш, транспорт ва алоқа билан аҳолига хизмат кўрсатишда намоён бўлади. Ҳар бир тармоқ ўзининг ривожланиш ва жойлашиш хусусиятига эга.

Ижтимоий-маиший инфратузилманинг муҳим объектлари қаторига уй-жой ва коммунал хўжалиги киради. Уй-жой коммунал хўжалиги турар жойни, унинг қулай ва шинамлигини (электр, сув, канализация, газ таъминоти, иссиқлик ва иссиқ сув, телефон, лифт билан) таъминлаш билан шуғулланади. Кейинги ўн йилликда турар

жой кўриниши давлат молиялаштируви ҳисобига корхона, ташкилот, хусусий шахсларнинг ишбилармонлик иштироки ҳисобига ҳамда аҳолининг шахсий маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда.

Аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги унинг умумий майдонининг квадрат метри талабидан келиб чиқиб белгиланади. У аҳолининг сонидан ва ҳар бир аҳоли пункти бўйича битта яшовчи учун санитар-гигиеник меъёрлардан келиб чиқади.

Шунингдек, уй-жой ҳўжалиги ривожланиш даражаси уй-жой фонди миқдори, қулай ва шинамлиги ва унинг даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар билан ҳам белгиланади. Бу уй-жой иссиқлик билан: иссиқ сув, ванна ва душ, водопровод, канализация билан таъминланганлигига асосланади.

Маиший хизмат - бу тармоқларнинг кенг гуруҳи бўлиб, бунда аввало, моддий кадрятларни келтириб чиқарувчи, бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатиш соҳасига ва моддий ишлаб чиқариш соҳасига тааллуқли “ишлаб чиқариш” тармоқларига ажратиш мумкин. Бу кўйлак, оёқ кийим, бош кийимларни алоҳида тикиш ательеси, мебель тайёрлаш кабилардир.

Бошқа янада турли-туман гуруҳ ва шахсий гигиена (кирхона, ҳаммом, парикмахерская, химчистка, гўзаллик салонлари), шахсий транспорт, турли предметлар ижараси пунктлари, расмга тушириш, шунингдек, “ёнғин депоси”, мозор билан боғлиқ хизматлар киради.

Замонавий маиший хизмат аҳолининг турли эҳтиёжларини бажарувчи йигирмадан ортиқ алоҳида тармоқларнинг йиғиндисини ўзида намоён этади. Тармоқ миқдори ва сифат кўрсаткичлари бўйича ривожланишнинг турли даражасида туради ва бир хил бўлмаган моддий-техник асосга эга. Маиший хизмат корхоналари фаолияти маҳаллий хусусиятга эга, чунки хизматлар транспорт воситасида ташилмайди. Шунинг учун корхоналарнинг бандлик даражаси аҳолининг кундалик эҳтиёжидан келиб чиқади. Корхона талабига тақдим қилинувчи асосий талаб – истеъмолчига хизматнинг тобора яқинлик даражасидир. Маиший хизмат корхоналари ва ҳудудий – яқка қабул пунктлари сони билан маиший хизматнинг моддий-техник базасининг ривожланиш даражаси 10.000 аҳолига нисбатан ҳисобланади. Маиший хизмат корхоналари фаолиятини баҳолашда битта яшовчига маиший хизматни амалга ошириш ҳажми кўрсаткичлари кенг қўлланилади.

Кундалик ҳаётнинг зарур ташкил этувчилари – бу магазинлар, киосклар, палаткалар, кўчма савдо-сотик, ошхона, кафе, ресторан каби тармоқларни ўз ичига қамраб олувчи савдо-сотик ва ижтимоий истеъмолдир. Ушбу тармоқлар хизматларига аҳолининг доимий эҳтиёжини истеъмолига бевосита яқин жойда савдо-сотик корхоналари ва ижтимоий истеъмолнинг жойлашувини шарт деб билади. Савдо-сотик моддий асосининг тараққиёт даражаси 10 минг аҳолига магазиннинг савдо майдони кўрсаткичини ифодалайди. Тармоқлар ишлаб туриши аҳоли яшаш даражасининг омилларидан бўлиб, аҳоли яшаш даражасининг омилларидан бирини акс эттирувчи кўрсаткич - битта яшовчи ҳисобига бўлган товар айланмаси ҳисобланади.

Ижтимоий-маиший соҳада алоҳида ўринни транспорт ва алоҳида хизмат кўрсатиш алоқаси - оилавий ахборот воситалари эгаллайди, чунки улар доимий яшашнинг микромуҳитидан аҳолининг ташқарига турли-туман “чиқишлари”ни таъминлайди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш муассаса тизимлари (касалхона, поликлиника, аптека) орқали қонидирилади. Ижтимоий сиёсатнинг муҳим қисми сифатидаги соғлиқни сақлаш тизими, аввало, кишиларни тиббий-санитар ёрдамнинг барча сифатли, малакали турлари билан тўлиқ таъминланишни амалга оширишга қаратилган. Бунга, биринчи навбатда, аҳолига нисбатан тиббий муассаса ва хизматчиларни тўғри жойлаштириш орқали эришилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларига касалхона, махсус диспансер, даволаш–прафилактика ва амбулатор–поликлиникага оид муассасалар киради. Моддий асос даражасини белгиловчи асосий миқдорий кўрсаткичлар бўлиб қўйидагилар киради: поликлиникага оид муассасалар сони (касалхона, туғруқхона, диспансер) ва улардаги ётоқ ўринлари сони; амбулатор–клиник муассаса сони: санаторийлар, дам олиш уйлари ва улардаги ётоқ ўринлари сони; 1000 яшовчига нисбатан аптека сони кабилар.

Сифат кўрсаткичларига аҳолининг касалхона ва касалхонадан ташқари ёрдам билан таъминланганлиги –1000 кишига мўлжалланган ётоқлар сони киради. Ушбу кўрсаткичлар мажмуаси соғлиқни сақлашнинг ривожланиш даражасини, кишиларнинг дори-дармонларга эҳтиёжининг қондирилиши даражаси ва тўлиқлигини белгилайди. Аҳолининг медикаментлар билан таъминланганлиги битта яшовчига нисбатан мўлжалланган аптекаларнинг умумий товар айланмаси орқали ифодаланади.

Шахснинг ва жамиятнинг истиқболдаги тараққиётида халқ таълими объектлари асосий ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда маънавият-маърифат тизими ўз ичига ўсиб бораётган авлод тарбияси, халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш ва унинг малакасини оширишга йўналтирилган турли хилдаги ташкилот ва муассасалар фаолиятини қамраб олади.

Таълим муассасаларига умумтаълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар, юқори ва ўрта махсус муассасалар, касбий–техник ўқув жойлари, лицей ва бошқалар киради. Болаларнинг мактабгача муассасалари – бу тарбиянинг дастлабки таркибий қисмидир. Уларнинг таркибига болалар боғчаси, ясли, ўйин майдончалари киради. Аҳолининг мактабгача таълим муассасалари билан таъминланганлигини баҳолаш учун асосий кўрсаткич сифатида болалар боғчаси ва ясиларга қатновчи болаларнинг сони қабул қилиниши мумкин. Бунда сифат кўрсаткичи бўлиб юқори ва ўрта таълим ҳамда махсус таълимнинг мавжуд кадрлар яъни раҳбарлар, тарбиячилар, мусиқа ва тиббий ходимлар билан таъминланганлиги ҳисобланади.

Таълим тизимида муҳим ролни умум таълим мактаблари ўйнайди. У жамиятнинг ҳар томонлама ривожланган аъзоларини тайёрлаши, ўқувчиларнинг одоб-ахлоқи, жисмоний ва эстетик ривожланишини амалга ошириши шарт. Мактабларнинг моддий асосини ўқувчиларнинг синф хоналари билан таъминланлиги белгилайди. Ушбу кўрсаткич мактаб иншоотларининг ўқитувчи кадрлар, молиявий заҳираларга эҳтиёжини аниқлашда катта аҳамият касб этади. Синфлар миқдоридан кўпгина сифат кўрсаткичлари келиб чиқади. Масалан иккинчи сменада таълим олувчи болалар улуши, ўқитувчилар сони 1000 ўқувчига тўғри келиши керак

Маданий хизматга – томошага оид корхоналар тармоғи (театр, кинотеатр, концерт ва кўргазма заллари, цирк ва музейлар), шунингдек клуб ҳамда маданият уйлари киради. Ушбу соҳага сезиларли даражада нашриётлар фаолиятини (газета,

журнал ва китоб билан боғлиқ), ОАВ радио ва телевидение, китоб савдоси ишларини киритиш мумкин.

Аҳолининг интеллектуал даражасининг ошишида асосий ролни кутубхона хизмати ўйнайди. Кутубхона билан таъминланганлик даражаси 10000 яшовчининг кутубхонага сони кўрсаткичида акс этади. Аҳолининг маданий даражасининг ортиши кўпинча клублар, театрлар ва кинотеатр ходимларининг фаолиятига ёрдам беради. Ушбу корхоналарнинг асосий вазифаси аҳолининг маданий дам олишини ташкиллаштиришдир.

Аҳолининг клуб муассасалари билан таъминланганлигининг асосий кўрасткичлари томоша залларидаги жой сони ва аҳолининг маълум қатнови сони билан белгиланади.

Умуман, ижтимоий–маъданий инфратузилманинг ривожланиши ҳар қандай замонавий жамиятнинг ҳаётида катта аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, ижтимоий инфратузилманинг турли объектлари фаолияти хусусиятларини кўриб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, у нафақат ривожланиш даражасини кўрсатиб беради, балки янги хизматларни яратиш имкониятларини юзага келтиради. Аҳолининг интеллектуал тараққиёти ижтимоий соҳа объектларининг транспортга оид вақтинчалик эгаллиги билан ҳам боғлиқ. Инфратузилманинг ривожланиш даражасини аниқлаш учун кўпгина миқдорий кўрсаткичлардан (аҳолининг маълум миқдори ҳисобига) фойдаланилади. Аҳолига хизмат кўрсатиш жараёни фаолиятини аниқлаш учун ўртага жон боши кўрсаткичидан фойдаланилади.

Ижтимоий инфратузилма ишчи кучини тиклаш учун шарт-шароит яратади, кишиларнинг соғлиғи ва саводхонлигини таъминлаши билан бир қаторда, савдо сотиқ корхоналари орқали уларни озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлайди, кишиларнинг маданий-ахлоқий имкониятларини кўллаб-қувватлайди. Умуман, ижтимоий инфратузилма фаолияти кишилар эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ижтимоий инфратузилманинг ривожланиш даражаси иқтисодий кўрсаткичлар ва иқтисодиёт ривожига юқори таъсир кўрсатади.

2.3. Ижтимоий инфратузилманинг асосий вазифаси

Ижтимоий инфратузилманинг вазифаси – объектив ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганиш асосида субъектлар ҳаракати моделларини оптималлаштиришдир. Шунингдек, у инсонларнинг нормал меҳнат фаолияти ва турмушини, дам олишини таъминлашга хизмат қилади. Умумий қараганда ижтимоий инфратузилмани иккига бўлиб туркумлаш мумкин.

1. Корхоналарда ишлаб турадиган бўлимлар ва хизмат соҳалари. Буларга дам олиш хоналари, буфетлар ва дўкончалар, тамаддихона ва дала ошхоналари, ҳаммомлар ва душлар, тиббий пунктлар, ишчиларни иш жойига етказувчи транспорт, меҳнат муҳофазаси хизмат соҳалари, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари киради.

2. Аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилот ва муассасалар. Буларга уй-жой ва коммунал хўжаликлари, таълим ва маданият, спорт ташкилотлари, тиббиёт, савдо ва умумий овқатланиш, болалар боғчалари, аҳоли ташиш транспорти, ҳаммом ва кир ювиш комбинатлари киради.

Ижтимоий инфратузилма шахсий эҳтиёжни қондиришга, аҳолининг ҳаётий фаолияти ва интеллектуал ривожланишини таъминлашга йўналтирилган хизмат кўрсатиш соҳаси фаолият тармоқлари (аҳолига хизмат кўрсатиш борасидаги транспорт ва алоқа; таълим ва соғлиқни сақлаш) объектлари мажмуасини ўзида мужассамлаштирган тизим ҳисобланади.

Ижтимоий инфратузилма асосий тизим учун ёрдамчи ва қўшимча хизмат кўрсатувчи механизм ҳисобланмайди. Чунки у ишлаб чиқариш муносабатлари билан умумийликка эга бўлмаган, ишлаб чиқаришдан ташқари соҳа билан бўлган муносабатлардан иборат.

Бирок, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ўхшашлигини қайд қилиш зарур. Чунки юк ташишнинг ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, ижтимоий соҳасида ҳам кўриш мумкин.

Ижтимоий инфратузилмани ташкил қилувчи ички қурилиш ва тасниф масаласига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Ижтимоий инфратузилма таркибига нисбатан ёндашувлардан бири уч вазифавий-мақсадли ҳолатни кўриб чиқади:

Ижтимоий-сиёсий ва интеллектуал-маданий фаолият (таълим, фан, маданият, санъат, оммавий ахборот, ижтимоий ташкилот, жамият, ассоциация ва бирлашмалар соҳасидаги фаолият);

Жисмоний соғлиқни тиклаш ва сақлаш (соғлиқни сақлаш, жисмоний маданият ва спорт, ижтимоий таъминот, туризм, атроф-муҳит ҳимояси);

Коммунал ва маиший хизмат (уй-жой ва коммунал хўжалиги, маиший хизмат, савдо-сотиқ ва ижтимоий истеъмол, йўловчи транспорти, аҳолига хизмат кўрсатувчи алоқа).

Ижтимоий инфратузилма вазифалари жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши мақсадлари билан белгиланади ва унга бўйсунди: бу жамиятнинг ижтимоий бирхиллигига эришиш ва шахснинг ҳар томонлама уйғун ривожланишидир. Ижтимоий инфратузилманинг тобора аҳамият касб этиб бораётган мақсадли вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Демографик жараёнларда илғор ғояларни шакллантириш учун шарт-шароит яратиш;

Ишлаб чиқариш талаблари ва ривожланиш даражасига жавоб берувчи, сифатли ишчи кучини тиклаш;

Меҳнат заҳираларини самарали қўллаш;

Аҳолини мақбул уй-жой ва коммунал ҳамда маиший хизмат шароитлари билан таъминлаш;

Аҳолини жисмоний соғлиғини яхшилаш ва уни сақлаш;

Кишиларнинг бўш вақтидан унумли фойдаланишини таъминлаш.

Ижтимоий инфратузилма объектлари ишлашининг асосий мақсади бўлиб инсоннинг маиший, маънавий ва маданий, маиший, маънавий ва маданий эҳтиёжларини қондириш йўли орқали унинг тўлиқ ва ҳар томонлама ривожланишига эришиш ҳисобланади.

Ижтимоий инфратузилма тармоқларининг ривожланиши аҳоли ҳаёти сифатини яхшилашга, унинг фаровонлиги ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш, соғлом ва ижодий фаол ҳаётни шакллантириш ҳамда тиклаш вазифаларини эътиборга олади.

Бу, аввало, уй-жой муаммосини ҳал этиш, коммунал кўчишни бартараф қилиш, аҳолининг сифатли уй-жой борасида ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш;

ижтимоий инфратузилманинг ривожланиш даражаси сифатини ошириш, инсон ҳаёт фаолиятининг маданий соҳасини ташкиллаштириш; ҳаёт ва меҳнатнинг экологик шароитини яхшилаш; меҳнат унуморлиги ҳамда товар ва хизмат ҳажми ўсишини кенгайтириш каби кишиларнинг касбий даражасини ошириш; аҳолининг барча гуруҳлари, жумладан, ёшлар ва нафақахўрларнинг ижтимоий ҳимояланиши кафолатини яратиш; аҳолининг тўлов имконияти даражасини оширишда товар ва хизматлар билан аҳолининг эҳтиёжини қондириш.

2.4. Инфратузилманинг ижтимоий – иқтисодий ишлаб чиқариш учун нормал шарт-шароитларни таъминловчи тармоқ ва саноат мажмуи эканлиги.

Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ етиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Шуни тақрор айтиш жоизки, интеграциялашган глобал иқтисодий маконнинг узвий бир қисми сифатида Ўзбекистон жаҳон иқтисодий инқирозининг тобора кучайиб бораётган салбий оқибатларини ҳис этаётгани ва бундан кейин ҳам ҳис этишини биз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришган эдик.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф етиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури тасдиқланиб, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича аниқ ижрочиларга етказилди. Бунда инфратузилма соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибо қаратилган. Чунки, инфратузилмани ривожлантириш орқали реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.

Ишлаб чиқариш воситалари ва ресурслар бозори — ишлаб чиқариш учун зарур бўлган нарсалар бозори. бу бозорда улгуржи савдо-сотик юз беради. Мазкур бозор савдо фирмалари, савдо уйлари, биржалар фаолиятида, ер ва бошқа кўчмас мулк савдосида намоён бўлади. Бундай бозорда ресурсга талабгорлар ресурс етказувчилар билан контракт-шартномалар асосида алоқа қиладилар. Ресурс бозорининг бош бўғини товар биржаси ҳисобланади. Товар биржаси улгуржи савдо билан шугулланувчи тижорат корхонасидир.

Иш кучи ёки меҳнат бозори — иш кучи олди-сотди қилинадиган бозор. Иш кучи махсус товар бўлганидан унинг бозори ўз хусусиятига эга. Иш кучи инсоннинг ишлаш қобилияти. Агар оддий товар сотилганда унинг эгаси ўзгарса, иш кучи неча марта сотилмасин, ўз эгаси билан бирга қолади. Чунки, б уни инсон жисмидан ажратиб бўлмайди. Меҳнат бозори - меҳнат биржалари, ишчи ёлловчи воситачи фирмалардан ва ниҳоят, кишиларни бевосита ишга жалб этувчи корхоналарнинг ўзидан иборат. Шарққа хос бўлган тартибсиз меҳнат бозори - бу мардикор бозоридир.

Товар ишлаб чиқариш учун зарур ресурсларни танлаш уларнинг нархлари асосида амалга оширилади. Бозор иқтисодиётидаги нархлар хақида қандайдир давлат идоралари бош қотириб утиришмайди – уларни сотувчи билан харидорнинг узаро

келишуви белгилайди. Бозор хужалиги шароитида иқтисодий ташкил этишнинг барча асосий вазифалари, куриб турибмизки, бозор тамойиллари асосида этилади.

Ижтимоий меҳнат тақсимоли ишлаб чиқаришни ташкил этиш бозор шаклининг зарур (лекин хали етарли булмаган) шарт – шароитидир. У ёки бу иқтисодий не’матларни ишлаб чиқариш борасидаги вазифаларни одамлар, одамлар гуруҳлари ва минтакалар уртасида тақсимламасдан туриб еркин товар алмашувнинг булиши мумкин эмас.

Бозор мавжуд булишининг биринчи ва асосий шarti эркин тадбиркорликдир. Товар ишлаб чиқарувчи мустақил равишда (бозор кон’юктурасига ва уз имкониятларига таяниб) ишлаб чиқаришнинг тузилиши ва хажмини белгилаши, хужалик йуритиш шакли ва усуллари тақомиллаштириши лозим. Сотувчи ва харидор бир-бирларини бозорда узлари топадилар ва нарх хусусида келишадилар, Тадбиркорлик эркинлиги-бу асло одамлар талаблари ва ракобатдан эмас, балки давлатнинг корхоналар хужалик фаолиятига туг’ридан туг’ри аралашувидан эркинликдир. Фойда ва бозор ракобати ишлаб чиқарувчини жамиятга зарур маҳсулотни чиқаришга буйруқлар ва қарорларга қараганда анча яхшироқ мажбур қилади.

Ишлаб чиқариш омилларига (шу жумладан иш кучига ҳам) ега булиш ҳуқуқи уларни еркин тасарруф қилиш ҳуқуқини ҳам уз ичига олади. Ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи, ахборот бозорлари – ривожланган бозор хужалигининг зарур усуллари булиб, буларсиз у ме’ёрида ишлай олмайди.

Бозор хужалиги, қайд қилиб утилганидек, ракобат булмаса ме’ёрида ишлай олмайди. Хар қандай манаполия (бозор муносабатлари суб’ектларининг ракобатни чеклайдиган тарзда бирлашиши) бозор қонунларининг амал қилишига туг’онок солади: ишлаб чиқаришнинг тузилишини ва хажми хужалик йуритиш ва товарларни сотиш усуллари, нархлар – буларнинг бари монополистик тарзда тартибга солиш об’ектларига айланади бозор стихияли бошқарув амал қиладиган макондан қисман (тула манаполия шароитида буткул) чиқариб ташланади.

Ғарбга нисбатан Шарқ мамлакатларида тараққиёт анча олдин бошланган. Инсоннинг иқтисодий соҳасидаги фаолияти, бозор, савдо қабилар Осиё халқлари ичида жуда қадимги давлардаёқ бошланиб, сўнгра ғарбга, Оврўпа халқларига тарқала бошлаган.

2.5. Иқтисодий модернизациялаш шароитида инфратузилмани ривожлантиришнинг аҳамияти.

Инфратузилма – бу иқтисодий категория бўлиб, сўнги маҳсулотни катта миқдорда олиш имконини берувчи моддий ишлаб чиқариш соҳасининг бир қисмини ўзида акс эттиради. У корхоналарнинг меъёрий фаолиятини таъминловчи жамият ишлаб чиқарувчи кучининг ажралмас қисми саналади. Инфратузилмани 2 гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

ишлаб чиқариш инфратузилмаси;

ижтимоий инфратузилма;

Ишлаб чиқариш инфратузилмасига қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни таъминловчи тармоқлар кирса, ижтимоий инфратузилмага ишлаб чиқаришга қўмаклашувчи - ишчи кучини тиклашга ёрдам берувчи тармоқлар қиради.

Инфратузилманинг юзага келиши моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, унинг ривожланиши тармоқлар фаолият шакллари таъминлайди ва интеграцион ишлаб чиқаришнинг янги турларини вужудга келтиради. Моддий

ишлаб чиқариш соҳасидаги ижтимоий меҳнат интеграцияларининг ўсиши эса аҳолини таъминлаш учун жамият заҳираларининг катта қисмини озод қилади. Шундай қилиб, инфратузилманинг юзага келиши жамият ишлаб чиқариш кучининг тараққиёти натижаси ҳисобланади, унинг моҳияти эса тармоқлардаги ички иқтисодий бирдамлик ва маълум вазифавий таъминот билан белгиланади.

Ижтимоий инфратузилма бу ишлаб чиқаришда функционал вазифа фаолиятининг турлари ва иқтисоднинг тармоқлари ҳамда аҳоли учун хизмат ва маънавий манфаатни амалга ошириш ҳисобланади. “Ижтимоий инфратузилма” атамаси иқтисодий адабиётларда яқин даврлардан қўлланила бошланди. Унинг остида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ёки хизмат соҳаси назарда тутилади.

Маънавий ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ижтимоий ҳаётнинг барча элементлари инфратузилмаси борасидаги масала долзарб масалалардан бўлиб, у “ижтимоий инфратузилма” тушунчаси билан бирлашувчи ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида инсоннинг ҳаётнинг барча жабҳаларида инсоннинг ҳаёт таъминоти тизимининг самарали ҳаракати учун шароит яратувчи моддий ва ашёвий элементларнинг мазмуни ва характери тушунчасини аниқлаш заруриятига олиб боради.

Биз ҳаёт таъминоти тизими ёки ҳаётий муҳит ҳақида гапирганимизда инсон ҳаёт фаолиятининг зарур шароитларини назарда тутамиз: уй-жой, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, оёқ кийим, ҳаракат воситалари, таълим соҳаси, соғлиқни сақлаш, яшаш муҳити, тарбия, бўш вақт, инсоннинг ўзи ва оиласига хизмат кўрсатиши назарда тутилади.

Жамият ривожланиши, табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро муносабатнинг мураккаблашуви, меҳнат мазмунининг ўзгариши даражасида бу билан боғлиқ ҳолда инсонга нисбатан интеллектуал, касбий талабларнинг ортиши, унинг ҳаёт таъминоти муҳити, ҳуқуқи, меҳнат қуроллари сингари мавжудлик ва фаолиятнинг объектив омиллари бўлиб қолади, буларсиз эса ишлаб чиқариш жараёни амалга ошмайди.

Ижтимоий инфратузилманинг ўзига хос вазифаларини тадқиқ қилиш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда, бирорта ижтимоий институт уни тўла бажара олмайди.

Ижтимоий инфратузилма вазифаларини таҳлил қилар эканмиз, жамиятда ҳар қандай объектнинг вазифалари ижтимоий тараққиётнинг яқдил жараёни компонентлари ўртасида ўзаро алоқадорликнинг алоҳида шаклини акс эттиради. Бу бизни ижтимоий инфратузилма ривожланиши билан бевосита алоқадор аниқ жараёнларни тадқиқ қилишга йўллайди:

Ижтимоий инфратузилма вазифалари:

Ўсиб бораётган авлодни тарбиялаш, малака олиш, малакасини қайта ошириш (маълумот, таълим);

Ишга лаёқатлилиқ даврининг ортиши (соғлиқни сақлаш);

Иш куни давомида меҳнат унумдорлиги пасайишини бартараф қилиш (ижтимоий истеъмол, пассажирлик транспорти)

Ишчиларнинг дам олиши учун шароит яратиш, уларнинг маданийлик даражасини ошириш (уй-жой хўжалиги, маданият, санъат).

У ёки бу институт вазифалари муаммоси маълум мақсад борасидаги масала билан чамбарчас боғлиқ ва у ушбу мақсад туфайли ташкил қилинади ва инсонларнинг ижтимоий тараққиётига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам йирик

назарий ва амалий аҳамиятга эга инфратузилманинг мақсадли вазифалари борасидаги масалани қўйиш тўғрироқ бўларди.

Мақсаднинг қандай белгиланганлиги, унинг ютуқлари, имкониятлари ва йўлларининг аниқ белгиланганлиги сезиларли даражада ижтимоий тараққиётни мақбуллаштириш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш, илмий-техникавий инқилоб ютуқларини амалга ошириш, замонавий жамиятнинг захира ва яширин имкониятларини қулай билиш билан боғлиқ.

Ижтимоий-маиший инфратузилманинг муҳим объектлари қаторига уй-жой ва коммунал хўжалиги киради. Уй-жой коммунал хўжалиги турар жойни, унинг қулай ва шинамлигини (электр, сув, канализация, газ таъминоти, иссиқлик ва иссиқ сув, телефон, лифт билан) таъминлаш билан шуғулланади. Кейинги ўн йилликда турар жой кўриниши давлат молиялаштируви ҳисобига корхона, ташкилот, хусусий шахсларнинг ишбилармонлик иштироки ҳисобига ҳамда аҳолининг шахсий маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда.

Аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги уйнинг умумий майдонининг квадрат метри талабидан келиб чиқиб белгиланади. У аҳолининг сонидан ва ҳар бир аҳоли пункти бўйича битта яшовчи учун санитар-гигиеник меъёрлардан келиб чиқади.

Шунингдек, уй-жой хўжалиги ривожланиш даражаси уй-жой фонди миқдори, қулай ва шинамлиги ва унинг даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар билан ҳам белгиланади. Бу уй-жой иссиқлик билан: иссиқ сув, ванна ва душ, водопровод, канализация билан таъминланганлигига асосланади.

Маиший хизмат - бу тармоқларнинг кенг гуруҳи бўлиб, бунда аввало, моддий кадриятларни келтириб чиқарувчи, бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатиш соҳасига ва моддий ишлаб чиқариш соҳасига тааллуқли “ишлаб чиқариш” тармоқларига ажратиш мумкин. Бу қўйлак, оёқ кийим, бош кийимларни алоҳида тикиш ательеси, мебель тайёрлаш кабилардир.

Бошқа янада турли-туман гуруҳ ва шахсий гигиена (кирхона, ҳаммом, парикмахерская, химчистка, гўзаллик салонлари), шахсий транспорт, турли предметлар ижараси пунктлари, расмга тушириш, шунингдек, “ёнғин депоси”, мозор билан боғлиқ хизматлар киради.

Замонавий маиший хизмат аҳолининг турли эҳтиёжларини бажарувчи йигирмадан ортиқ алоҳида тармоқларнинг йиғиндисини ўзида намоён этади. Тармоқ миқдори ва сифат кўрсаткичлари бўйича ривожланишнинг турли даражасида туради ва бир хил бўлмаган моддий-техник асосга эга. Маиший хизмат корхоналари фаолияти маҳаллий хусусиятга эга, чунки хизматлар транспорт воситасида ташилмайди. Шунинг учун корхоналарнинг бандлик даражаси аҳолининг кундалик эҳтиёжидан келиб чиқади. Корхона талабига тақдим қилинувчи асосий талаб – истеъмолчига хизматнинг тобора яқинлик даражасидир. Маиший хизмат корхоналари ва ҳудудий – якка қабул пунктлари сони билан маиший хизматнинг моддий-техник базасининг ривожланиш даражаси 10.000 аҳолига нисбатан ҳисобланади. Маиший хизмат корхоналари фаолиятини баҳолашда битта яшовчига маиший хизматни амалга ошириш ҳажми кўрсаткичлари кенг қўлланилади.

Кундалик ҳаётнинг зарур ташкил этувчилари – бу магазинлар, киосклар, палаткалар, кўчма савдо-сотик, ошхона, кафе, ресторан каби тармоқларни ўз ичига камраб олувчи савдо-сотик ва ижтимоий истеъмолдир. Ушбу тармоқлар хизматларига аҳолининг доимий эҳтиёжини истеъмолига бевосита яқин жойда

савдо-сотиқ корхоналари ва ижтимоий истеъмолнинг жойлашувини шарт деб билади. Савдо-сотиқ моддий асосининг тараққиёт даражаси 10 минг аҳолига магазиннинг савдо майдони кўрсаткичини ифодалайди. Тармоқлар ишлаб туриши аҳоли яшаш даражасининг омилларидан бўлиб, аҳоли яшаш даражасининг омилларидан бирини акс эттирувчи кўрсаткич - битта яшовчи ҳисобига бўлган товар айланмаси ҳисобланади.

Йўловчи транспорти хизмат соҳасида алоҳида ўринни эгаллайди: Йўловчи транспорт ёрдамига хизмат кўрсатиш соҳаларининг турли муассасаларига бориш учун ҳам, бевосита уйга айрим хизматларни (почта, шифокор ташрифи, маиший хизмат устаси чақирув кабеллар) етказиш учун ҳам мурожаат қиладилар. Алоқа хизматлари – булар почта, телеграф, телефон – автоматлар ва халқаро музокора пунктларидир. Алоқа хизматига эга бўлиш имконияти қуйидаги кўрсаткичларни акс эттиради: Почта корхоналари фаолияти битта яшовчига алоқа маҳсулоти миқдорининг кўрсаткичи (хат, посылка, бандерол, пул жўнатмалари) билан белгиланади. Аҳолининг телефон алоқаси билан таъминланганлиги телефон станциялари ва абонентлар сони билан аниқланади, бу эса аҳолининг ахборот алмашиш эҳтиёжини қондириш имконини беради.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш муассаса тизимлари (касалхона, поликлиника, аптека) орқали қонидирилади. Ижтимоий сиёсатнинг муҳим қисми сифатидаги соғлиқни сақлаш тизими, аввало, кишиларни тиббий-санитар ёрдамнинг барча сифатли, малакали турлари билан тўлиқ таъминланишни амалга оширишга қаратилган. Бунга, биринчи навбатда, аҳолига нисбатан тиббий муассаса ва хизматчиларни тўғри жойлаштириш орқали эришилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларига касалхона, махсус диспансер, даволаш–прафилактика ва амбулатор–поликлиникага оид муассасалар киради. Моддий асос даражасини белгиловчи асосий миқдорий кўрсаткичлар бўлиб қуйидагилар киради: поликлиникага оид муассасалар сони (касалхона, туғруқхона, диспансер) ва улардаги ётоқ ўринлари сони; амбулатор–клиник муассаса сони: санаторийлар, дам олиш уйлари ва улардаги ётоқ ўринлари сони; 1000 яшовчига нисбатан аптека сони кабилар.

Сифат кўрсаткичларига аҳолининг касалхона ва касалхонадан ташқари ёрдам билан таъминланганлиги –1000 кишига мўлжалланган ётоқлар сони киради. Ушбу кўрсаткичлар мажмуаси соғлиқни сақлашнинг ривожланиш даражасини, кишиларнинг дори-дармонларга эҳтиёжининг қондирилиши даражаси ва тўлиқлигини белгилайди. Аҳолининг медикаментлар билан таъминланганлиги битта яшовчига нисбатан мўлжалланган аптекаларнинг умумий товар айланмаси орқали ифодаланади.

Шахснинг ва жамиятнинг истиқболдаги тараққиётида халқ таълими объектлари асосий ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда маънавият-маърифат тизими ўз ичига ўсиб бораётган авлод тарбияси, халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш ва унинг малакасини оширишга йўналтирилган турли хилдаги ташкилот ва муассасалар фаолиятини қамраб олади.

Таълим муассасаларига умумтаълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар, юқори ва ўрта махсус муассасалар, касбий–техник ўқув жойлари, лицей ва бошқалар киради. Болаларнинг мактабгача муассасалари – бу тарбиянинг дастлабки таркибий қисмидир. Уларнинг таркибига болалар боғчаси, ясли, ўйин майдончалари киради. Аҳолининг мактабгача таълим муассасалари билан таъминланганлигини баҳолаш учун асосий кўрсаткич сифатида болалар

2. Ижтимоий инфратузилма мазмуни моҳияти нимадан иборат?

Инфратузилманинг туркумланиши?

Салбий жиҳатлари: _____

3. Транспорт инфратузилмасининг вазифаси нимадан иборат?

Қайдлар учун

Blank lined area for notes, starting with a blue header bar.

3-Мавзу. Инфратузилмалар ривожланиши ва макроиқтисодий ўсишнинг ўзаро алоқадорлиги

3.1. Инфратузилманинг иқтисодий ривожланишдаги роли

3.2. Макроиқтисодий ўсиш ва унинг турлари.

3.3. Инфратузилмалар билан макроиқтисодий ўсиш ўзаро алоқалари

3.4. Ялпи ички маҳсулот ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларда инфратузилма соҳаларининг ўрни.

Таянч иборалар: иқтисодий ривожланишг, Макроиқтисодий ўсиш,ялпи ички маҳсулот, , ялпи миллий маҳсулот, соф фойда,

3.1. Инфратузилманинг иқтисодий ривожланишдаги роли

Бозор муносабатларининг шаклланишида инфратузилмалар асосий роль ўйнайди. Инфратузилма муассасаларининг ривожини эса ишлаб чиқарувчи кучларининг жойлашуви, улар салоҳияти ва аҳолининг тадбиркорлик фаоллиги билан белгиланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инфратузилма турли хил вазифаларни бажарувчи таркибий қисмлар, унсурлардан иборат тизимни намоён этади. Шунга мос ҳолда, инфратузилманинг таркибий қисмларини белгилаб олиш, уларнинг ҳар бирининг аҳамиятини ўрганиш, иқтисодий табиатини очиқ бериш муҳим ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов ўз асарларида энг муҳим устувор вазифалардан бири – бу мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат эканлигини белгилаб бердилар.

Мазкур устувор вазифага алоҳида этибор қаратишнинг бир қатор сабаблари мавжуд. Жумладан:

Биринчидан, инфратузилмани ривожлантириш янги корхоналарни жойлаштириш ва бутун иқтисодиётни тараққий еттириш учун зарур қулай шарт-

шароитлар яратади, мамлакатимизнинг бой минерал-хомашё ресурсларини ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Иккинчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, авваламбор, автомобил ва темир йўлларнинг ривожланган тизими, уларнинг самарали фаолияти ишлаб чиқаришдаги умумий харажатларни камайтиришнинг муҳим шarti ва омилidir. Бу еса, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва бутун иқтисодийтимизнинг рақобатдошлигини оширади.

Учинчидан, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви, энергия билан таъминлаш, ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қиладиган кенг кўламли соҳа ҳисобланади. Бу янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беради.

Бундан кўринадики, мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодийнинг реал секторини янада ривожлантириш кўп жиҳатдан хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминланганлик даражасига боғлиқ.¹¹

Ривожлантиришни таъминлаш, шу асосда иқтисодийни изчил ва барқарор юксалтириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида сўнгги йилларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида махсус дастурлар қабул қилинди ва унинг бажарилиши кескин назоратга олинди.

Ҳозирги кунда инфратузилма мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Чунки, инфратузилмани ривожлантириш иқтисодий ўсиш, аҳолининг бандлик даражасини ошириш, мамлакатни тараққиётга эришишда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, 2008 йилдан бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини салбий оқибатларини бартараф этиш дунёнинг кўплаб давлатлари, шу жумладан ривожланган давлатларда ҳам бу соҳага жиддий эътибор қаратилди. Президентимиз И.А.Каримов ўз асарларида энг муҳим устувор вазифалардан бири – бу мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омил сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат эканлигини белгилаб бердилар.

Жумладан, сўнгги йилларда хизматлар соҳасини, транспорт тизими ва банк тизими ва ахборот-коммуникация тизимларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар инфратузилмани такомиллашувига хизмат қилди.

Бозор тамойиллари ва асослари - бутун бир иқтисодий тизим ва мураккаб муносабатлар мажмуи ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, бозор муносабатларини доимо ўрганиб бориш асосидагина муваффақиятли хўжалик юритиш, юксак натижаларга эришиш, ўз мулкимиздан самарали фойдаланиш натижасида фаровон ва тўқ хаёт кечириш мумкин. Одамларда бозор кўникмаларни ҳосил қилиш эса бизнес асосларини эгаллаш орқалигина таъминланади.

Бозор иқтисодийтининг асл маъноси - иқтисодийни ташқаридан тартибга солиш тажрибасидан воз кечиб, ўзини - ўзи тартибга солиш, йўналтиришдир.

¹¹ И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т., "Ўзбекистон", 2009, 24-25 б.

Унинг марказида бозорга барқарор ўсиш суръатлари бахш этиб турадиган янги бозор механизми тадбиркор инсон туради, инсон омили ёки иш куни ётади. Бошқача айтганда, шундай сифатдаги бизнес асослари тайёрланиши керакки. У ўзида ҳозирги замон илмий-техника инқилобий ютуқларини бартараф қиладиган хусусиятларини гавдалантирган бўлиши керак, айти вақтда бу янги иш кучи омили ўзида юксак миллийлик. Ўз ватанини имкониятларидан унумли фойдалана билиш хислатларини ҳам эгаллаши даркор.

Иқтисодий механизм бир неча унсурларнинг яхлитлигидан ташкил топади. Унга иқтисодий стимуллар (рағбат берувчи кучлар), ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва истеъмолни ташкил этиш, иқтисодий фаолиятнинг ихтисослашуви, иқтисодий фаолият кооперацияси ва хўжалик алоқаларини ўрнатиш усуллари киради. Иқтисодий механизмнинг етакчи бўғини иқтисодий стимуллар ҳисобланади.

Анъанавий ёки натурал иқтисодий тизим. Бу ўта кўҳна ва қолоқ иқтисодий тизим, узоқ вақтгача ўзгармай қолгани учун архаик (эски) тизим деб баҳоланади. Бу тизимда қўл меҳнати ҳукмрон, ишлаб чиқариш натурал характерга эга; меҳнат унумдорлиги ва турмуш даражаси ғоят паст.

Соф бозор иқтисодиёти тизими. Бу бозорда талабни қондиришга қаратилган, бозор орқали ҳамкорликни тақозо этувчи эркин ва демократик иқтисодий тизим. У хусусий мулкчилик, бозор учун ишлаш, чекланмаган иқтисодий танлов, наф қўриш ва рақобат каби тамойилларга асосланади.

Режали ёки буйруқбозлик-маъмурий иқтисодиёт тизими. Бу тўла-тўқис давлатлаштирилган иқтисодий тизимдир. Унинг асоси давлат мулки ҳисобланади, ишлаб чиқариш давлатнинг режа-топшириқларига биноан юргизилади, нима ишлаб чиқариш масаласи давлатнинг буйруғига биноан ҳал этилади.

Аралаш иқтисодий тизим. Бу ҳар хил даражада бозор ва режа (нобозор) алоқа-муносабатларининг қоришмасидан иборат тизимдир. Бу тизимда бозор воситалари билан биргаликда режалаштириш, ҳамкорлик ва саховатга асосланган иқтисодий алоқалар мавжуд бўлади.

Товар ишлаб чиқариш учун зарур ресурсларни танлаш уларнинг нархлари асосида амалга оширилади. Бозор иқтисодиётидаги нархлар ҳақида қандайдир давлат идоралари бош қотириб утиришмайди – уларни сотувчи билан харидорнинг узаро келишуви белгилайди. Бозор ҳужалиги шароитида иқтисодиётни ташкил этишнинг барча асосий вазифалари, қуриб турибмизки, бозор тамойиллари асосида этилади.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришни ташкил этиш бозор шаклининг зарур (лекин хали етарли бўлмаган) шарт – шароитидир. У ёки бу иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш борасидаги вазифаларни одамлар, одамлар гуруҳлари ва минтақалар уртасида тақсимламасдан туриб эркин товар алмашувнинг бўлиши мумкин эмас.

Бозор мавжуд бўлишининг биринчи ва асосий шarti эркин тадбиркорликдир. Товар ишлаб чиқарувчи мустақил равишда (бозор қон'юнктурасига ва уз имкониятларига таяниб) ишлаб чиқаришнинг тузилиши ва ҳажмини белгилаши, ҳужалик йуриштиш шакли ва усуллари такомиллаштириши лозим. Сотувчи ва харидор бир-бирларини бозорда узлари топадилар ва нарх хусусида келишадилар, Тадбиркорлик эркинлиги-бу асло одамлар талаблари ва рақобатдан эмас, балки давлатнинг қорхоналар ҳужалик фаолиятига туг'ридан туг'ри аралашувидан эркинликдир. Фойда ва бозор рақобати ишлаб чиқарувчини жамиятга зарур

маҳсулотни чиқаришга буйруқлар ва қарорларга қараганда анча яхшироқ мажбур қилади.

3.2. Макроиқтисодий ўсиш ва унинг турлари.

Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот ҳажмининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари ҳар бирлиги ҳисобига ўсиши, сифатининг яхшиланиши ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади. Иқтисодий ўсишнинг барча тавсифи йиллик ўсиш суръатларининг фоиздаги ўлчовида тўлиқ ўз ифодасини топади.

$$\text{ЎС} = \frac{\text{ЯИМ}_{\text{жорий давр}} - \text{ЯИМ}_{\text{базис давр}}}{\text{ЯИМ}_{\text{базис давр}}} \times 100\%$$

Бу ерда: ЎС-иқтисодий ўсиш суръати, фоизда;
ЯИМ базис давр-таққосланаётган давр(йил)даги реал ЯИМ ҳажми;
ЯИМ жорий давр-жорий давр(йил)даги реал ЯИМ ҳажми.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилган ислохотлар орқали иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мутаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳалари ўртасидаги мутаносиблик кучайди, бозор механизмнинг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари вужудга келтирилиб, ривожлантирилди.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг юққри суръатларини таъминлаш мақсадида қуйидаги жараёнларнинг амалга оширилишига катта эътибор қаратилди:

- кенг кўламда тизимли бозор ислохотларини изчил амалга ошириш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирларини кучайтириш;
- иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш;
- экспортга ихтисослашган янги тармоқ ва корхоналарни барпо этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган ҳар томонлама пухта ўйлаган сиёсатни амалга ошириш.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизатсия қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвеститсияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

2015-йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвеститсиялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014-йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвеститсияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвеститсиялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвеститсияларидир.

Инвеститсияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015-йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди.

3.3. Инфратузилмалар билан макроиқтисодий ўсиш ўзаро алоқалари.

Инфратузилмани макроиқтисодий ўсишга билвосита таъсири ишлаб чиқариш омилларини рағбатлантириш ёки уларни самарадорлигини оширишда намоён бўлади.

Moody's Economy бош иқтисодчиси Марк Занди фикрига кўра, давлатнинг инфратузилмага қиладиган инвестициялар хусусий инвестицияларни рағбатлантиради. Инфратузилмага сарфланган ҳар бир доллар 1.59 доллар даромад келтиради.

Бундан ташқари, яхши ҳолатдаги инфратузилма ишлаб чиқариш омиллари самардорлигини оширади. Масалан, қатъий энергия таъминоти бўлганда машина ва асбоб-ускуналарни самарадорлиги тез ортади.

Агар соғлиқни сақлаш ва таълим каби ижтимоий инфратузилмалар юқори салоҳиятли ва соғлом ишчи кучини етиштириб берса меҳнат унумдорлиги ва самарадорлик ортади.

Инфратузилманинг аксарият соҳалари юқори даромадли бўлганлиги туфайли инвестиция имкониятларини оширади ва инвестициялар кўпайишига хизмат қилади.

2016 йилги макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш омиллари:

- макроиқтисодий сиёсатни янада такомиллаштириш, банк тизими имкониятини мустаҳкамлаш ва уни қайта ислоҳ қилиш, ҳамда банк инфратузилмасини ривожлантириш;

- иқтисодиёт тармоқларидаги модернизация, техник ва технологик янгилаш ишларини давом эттириш ва натижада унинг ЯИМдаги улушини ошириш.

- салбий ташқи омилларга нисбатан мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни давом эттириш орқали республика иқтисодиётининг мувозанатли ривожланиши ва барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш.

Мамлакатимизда 2015 йилда иқтисодий соҳада амалга оширилган ишлар 506 та мулк комплекси танлов асосида, инвестиция киритиш шартли билан «ноль» қийматида янги мулкдорларга сотилди. Бу борада ана шу инвесторлар қарийб 1 триллион сўм ва 40 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш, шунингдек, 22 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мажбуриятини олди. 245 та кам рентабелли ва фаолият кўрсатмаётган ташкилот тўлиқ тугатилди. Фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган 353 та давлат мулки объекти бузилиб, бунинг натижасида 120 гектар ҳажмидаги ер майдони бўшади. Бу ерларнинг қарийб 80 гектари ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш ва хизматлар кўрсатиш объектлари қуриш учун тадбиркорлар тасарруфига берилди.

Давлат мулки шаклидаги яна 319 та ана шундай объект инвентаризация қилиниб, хусусий мулк шаклига ўтказиш учун савдога қўйилди ва ўтган йили уларнинг 102 таси янги мулкдорларга сотилди. Бундан ташқари, 378 та акциядорлик жамиятининг давлат улуши баҳоланди ва чет эллик стратегик инвесторларга сотиш учун очиқ савдога қўйилди.

«Навоийазот», «Фарғонаазот», «Урганч экскаватор», «Қизилқумцемент», «Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамиятлари каби корхоналар, «Алоқабанк», «Туронбанк» сингари банклар, «Ўзагросуғурта» компанияси ва бошқа муассасалардаги давлатга тегишли акциялар ҳам савдога қўйилди

2015-йилда амалга оширган кенг кўламли, узокни кўзлаган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш эркин тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференсиялар йўлини очиб бериш, инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларининг ҳажмини ошириш ва жорий этиш иқтисодийтимизнинг барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш бўйича ўз ижобий таъсирини берди, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, ҳисобот йилида ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди.

Йиллик бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профитсит билан бажарилди. Инфлатсия даражаси 5,6 фоизни ташкил қилди, яъни прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлди.

Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015-йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016-2017-йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйичадунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани албатта барчамизга мамнуният етказди.

2015-йилда мамлакатимизда 980 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил қилинган бўлса, шунинг 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда яратилди.

Коллежларнинг 480 мингдан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди. Тижорат банклари томонидан уларга ўз бизнесини ташкил қилиш учун 280 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди ва бу 2014-йилга нисбатан 1,3 баробар кўпдир.

2015-йилда иқтисодийтимизни юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришганимиз аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратди.

Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар 21,9 фоизга, аҳоли жон бошига жами реал даромадлар эса 9,6 фоизга ошди.

Тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар улуши 2010-йилдаги 47,1 фоиз ўрнига 52 фоизга ўсгани ва бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқори эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб жамиятнинг ижтимоий табақалашув даражасини камайтиришга алоҳида эътибор берилаётгани, содда қилиб айтганда, ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмасин, деган тамойилга амал қилиб келинаётгани сизларга яхши маълум, албатта.

Юртимиздаги 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ, яъни «детсил коеффитсенти» деб ном олган кўрсаткич барқарор пасайиш тенденциясига эга бўлиб, бу рақам 2010-йилдаги 8,5 фоиз ўрнига 2015-йилда 7,7 фоизни ташкил этди.

Даромадлар ўртасидаги фарқни ифода этадиган яна бир халқаро кўрсаткич – Жини индекси мамлакатимизда 2010-йилдаги 0,390 ўрнига 2015-йилда 0,280 ни

ташкил этди ва бу натижа дунёнинг кўплаб иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатларига қараганда анча пастдир.

Айтиш керак – бошқалар ҳавас қиладиган бундай натижаларга эришиш албатта осон эмас. Бу йўлда бир йиллик ёки беш йиллик давр ҳам камлик қилади. Бундай мақсадларга эришиш учун сўзда эмас, амалий ҳаракатларимиз билан кундалик ҳаётимизни ўзгартиришимиз керак.

Аҳоли даромадларининг ортиши натижасида ички истеъмол талаби кенгаймоқда. Чакана савдо айланмаси бир йилда 15 фоиздан зиёд, пуллик хизматлар ҳажми эса 10,8 фоизга ўсди.

Аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиш даражасида ҳам сифат ўзгаришлари рўй берди. Бугунги кунда ушбу товарларнинг аксарияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Хусусан, ҳар 100 оиланинг 42 таси энгил автомобилларга эга бўлиб, бу беш йил аввалги кўрсаткичдан 1,5 баробар кўп, 47 та оила шахсий компютерлар билан таъминланган ва бу даврда ўсиш 3,9 баробарни ташкил этди. Шунингдек, ҳар 100 та оиладан 31 таси кондитсионерга эга ёки бу борадаги ўсиш 1,7 баробарга тенг, ҳар 100 та оилага 234 та мобил телефон тўғри келмоқда ёки бу соҳадаги ўсиш 1,6 баробарни ташкил этмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида 2015-йилда 158 та давлатда “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” деган мавзуда тадқиқот ўтказилди. Ҳар қайси мамлакатнинг ўз фуқароларини бахтли ҳаёт билан таъминлаш қобилиятини ифода этадиган ушбу индекс бўйича Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади. Айтиш жоизки, юртимиз 2013-йилда бу рейтингда 60-ўринда эди.

Ўтган йили таълим-тарбия соҳасини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш масаласи ҳам диққат марказимизда бўлди. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўпдир.

2015-йилда бу соҳада 384 та объектнинг моддий-техник базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича қиймати 423 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди, намунавий лойиҳалар асосида 29 та янги умумтаълим мактаби барпо этилди, 219 та мактаб реконструкция қилиниб, 136 таси капитал таъмирланди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида 2 минг 200 талабага мўлжалланган янги замонавий ўқув корпуси, спорт мажмуаси, шунингдек, ўқув жараёнига жалб этилган хорижлик мутахассислар учун меҳмонхона барпо этилди. Навоий давлат кончилик институтида янги ўқув биноси қурилиши ниҳоясига етказилди.

Олий таълим соҳасида олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларини мунтазам қайта тайёрлаш бўйича мутлақо янги, такомиллаштирилган тизим жорий қилинди. 15 та таянч олий ўқув юртида олий таълим муассасалари раҳбарлари ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш курслари ташкил этилди. Мазкур курсларда олий ўқув юртларининг 2 минг 700 га яқин ўқитувчиси малака оширди.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлган халқимизнинг соғлиғини сақлаш мақсадида 2015-йилда 141 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун қарийб 500 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Республика болалар суяк-сил касалликлари санаторийси, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Андижон ва Бухоро шаҳарларидаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Қарши ва Самарқанд шаҳарларида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шунингдек, мамлакатимизнинг кўплаб туманларида тиббиёт бирлашмалари реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқ врачлик пунктларини оптималлаштириш ва замонавий диагноз ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 мингга чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим ва самарали омили бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2015-йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан болалар спорти иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли дастурни амалга ошириш доирасида умумий қиймати 225 миллиард сўмдан ортиқ 35 та намунавий спорт обекти, 12 та сузиш ҳавзаси, 174 та мактаб спорт заллари фойдаланишга топширилди.

2015-йилда Ўзбекистон спортчилари жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро турнирларда 860 дан ортиқ медални қўлга киритишга эришдилар. Шунинг 311 таси олтин, 274 таси кумуш ва 276 таси бронза медалларидир. Спортчиларимиз, айниқса, енгил атлетика, бадий гимнастика, бокс, кураш, дзюдо, таеквондо, от спорти бўйича муваффақиятли иштирок этишмоқда.

Ўтган йил давомида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурини тўлиқ амалга ошириш масаласи ҳам диққатимиз марказида бўлди.

Нуроний отахон ва онахонларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни янада кучайтириш мақсадида ушбу дастурни амалга оширишга вазирлик ва идоралар, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларига тегишли корхона ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, биринчи навбатда, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари кенг жалб этилди.

Ўтган йили 215 мингдан зиёд муҳтарам фахрийларимиз бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Эҳтиёжманд ногиронларга 11 мингдан ортиқ юқори сифатли протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари бепул топширилди. 70 мингга яқин кекса авлод вакиллари тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди ва статсионар ҳамда санаторий-курорт муассасаларида ўз соғлиғини тиклади. 100 ёшга тўлган нуронийларнинг пенсиясига энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида устамалар қўшиб берилди.

Бундан ташқари, ўтган йилнинг 1-сентябридан бошлаб ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кекса ва ногиронларни ҳар ойда бепул таъминлаш учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарларининг янги рўйхати жорий қилинди.

Бу ҳақда албатта узоқ гапириш мумкин, лекин, мухтасар қилиб айтганда, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 2 триллион 246 миллиард сўм ва

225 миллион доллардан зиёд маблағ сарфланганининг ўзи, ўйлайманки, бу борадаги ишларимизнинг миқёси ва кўлаמידан яққол далолат беради.

3.4. Ялпи ички маҳсулот ва бошқа макроиктисодий кўрсаткичларда инфратузилма соҳаларининг ўрни.

Иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришлар ЯИМ саноат тармоғи улушининг 2000 йилдаги 14,2 фоиздан 2015 йилда 31 фоизгача ўсишини таъминланди. Кичик бизнес ривожини фаол қўллаб-қувватланиши натижасида, 2015 йилда унинг ЯИМдаги улуши 56,7 фоизга етказилиши кутилмоқда.

Транспорт ва алоқа тармоқларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида унинг ЯИМдаги 2000 йилдаги 7,7 фоиздан 7,7 фоиздан, 2011 йилда деярли 12 фоизни ташкил қилди.

Иқтисодиётдаги сифат ўзгаришлари ЯИМ таркибида хизматлар улушини 2000 йилдаги 37 фоидан 2011 йилда 50,5 фоизга ортди.

Ҳозирги мавжуд шароитда 2009 - 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастурнинг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда роли ва аҳамияти катта бўлди.¹²

Дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда аввало мамлакатимиз молиявий–иктисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди. Амалга оширилган тадбирлар қаторида молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Сўнги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамгармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди.

Фақат 2010 йилнинг ўзида аҳоли омонатлари миқдори 1,7 баробар ошди. Сўнги ўн йилда иқтисодиётнинг реал секторларини кредитлашга йўналтирилган ички манбалар 25 баробардан зиёдроқ кўпайди.

Натижада банкларнинг кредит портфели таркиби тубдан ўзгарди. Агар 2000 йилда кредит портфелнинг қарийб 54 фоизи ташки қарзлар эвазига шаклланган бўлса, 2009 йилда банкларимиз жами кредит портфелининг 84 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Бугунги шароитда эса бундай ижобий ўзгариш иқтисодиётимизнинг истиқболдаги тараққиёти учун гоят муҳим аҳамиятга эга.¹³

Мамлакатимизнинг 2016-йилга белгилаб олинган марра ва мақсадлари, ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий устувор йўналишларини аниқлаб олишда жаҳон миқёсидаги ҳали-бери давом этаётган глобал инқироз билан боғлиқ

¹² И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Халқ сўзи, № 21, 30 .01. 2010 , 3- б.

¹³ И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Халқ сўзи, № 21, 30 .01. 2010 , 4 – 5 б.

юзага келаётган жиддий муаммоларни ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас, албатта.

Ана шу муаммолар туфайли бугунги кунда дунё бозорларида талабнинг кескин камайиб, ноаниқлик сақланиб қолаётгани, шафқатсиз рақобатнинг тобора кучайиб бораётгани, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши жаҳондаги кўпчилик давлатларга салбий таъсир кўрсатаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Бундай ўта мураккаб вазият барчамиздан эртанги кунимизни кўришда, истиқболимизни белгилаб олишда, аввало, эскича қарашлар қолипидан воз кечишни, умрини ўтаб бўлган, айтиш мумкин, инерсион усуллардан тўлиқ воз кечишни талаб этади.

Биз учун асосий вазифа – ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизатсия ва диверсификатсия қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур.

Айни шундай янгича қараш ва ҳаракатлар бутун фаолиятимизнинг негизини ташкил этиши шарт.

Шу борада ички имконият ва захираларимизни ишга солишнинг энг муҳим йўналиши бизнинг заминимиздаги бой минерал хомашё ва ўсимлик дунёси ресурсларини чуқур қайта ишлашни босқичма-босқич ошириб бориш, шунингдек, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва турини кенгайтиришдан иборат бўлиши керак.

Бошқача айтганда, хомашёни жаҳон бозорида талаб катта бўлган маҳсулотга айлантириш учун қайта ишлашнинг 3-4 босқичли тизимига ўтишимиз зарур. Бу тизимнинг маъно-моҳияти шундан иборатки, у биринчи босқичда хомашёни дастлабки қайта ишлаш, яъни ярим фабрикатлар тайёрлаш, кейинги босқичда саноат асосида ишлаб чиқариш учун тайёр материалларга айлантириш, учинчи, якуний босқичда эса истеъмол учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни назарда тутди.

Бу борадаги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳар бир турдаги бирламчи хомашё, яъни ярим фабрикатларни чуқур қайта ишлашдан тортиб, уни истеъмол учун тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган якуний босқичга қадар бутун ишлаб чиқариш жараёнини кузатиб бориш зарурати пайдо бўлмоқда.

Мухтасар айтганда, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бутун жараёнини – хомашёни чуқур қайта ишлашдан токи уни тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган йўлини – сиклини, сарфланган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нечоғлиқ ўзини қоплашини асослаб берган ҳолда, прогноз қилишни таъминлаш даркор.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш натижасида 2030-йилда, янги турдаги товарлар тайёрлашни ўзлаштириш асосида нефт-газ-кимё соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,2 баробар, рангли металл маҳсулотлари 2,2-марта, қора

металлдан тайёрланадиган буюмлар 2,3 карра, кимё саноати маҳсулотлари, жумладан, минерал ўғитлар 3,2 баробар кўпайиши мумкин.

Замонавий технологиялар асосида пахта толасини ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030-йилда 5,6-марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини эса 5,7 карра ошириш имконини беради.

Ташқи бозорларда харидоргир, юқори қўшимча қийматга эга бўлган замонавий тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги босқичга кўтариш тайёр маҳсулотлар экспортининг барқарор юқори ўсиш суръатларига эришишда, ҳеч шубҳасиз, катта замин туғдиради.

Шуни айтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда бу борадаги ишлар бошлаб юборилган. Айни вақтда бу ишлар юқори салоҳиятга эга бўлган ҳар бир турдаги истикболли хомашё ва ярим фабрикат бўйича чуқур қайта ишлашнинг 2020, 2025, 2030-йилларга мўлжалланган аниқ дастурига эга бўлиш учун мутлако янги дастурий комплекс ёндашувни талаб этади.

Айни шу кўз билан қарайдиган бўлсак, яъни, жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилган, ўзимизнинг ресурс ва имкониятларимизни реал баҳолаган ҳолда, биз олдимизга аниқ мақсадни – яъни, 2030-йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш вазифасини қўйишимиз учун бугун, ҳеч шубҳасиз, барча асосларимиз бор.

Бу йўлда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобидан саноатни жадал ривожлантириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2015-йилдаги 33,5 фоиздан 40 фоизга етказиш, қишлоқ хўжалиги улушини эса 16,6 фоиздан 8-10 фоизга камайтириш, энергияни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш эвазига ялпи ички маҳсулот учун сарфланадиган энергия ҳажмини тахминан 2 баробар қисқартиришга эришмоғимиз керак.

Биз ўз олдимизга қўйган вазифалар қанчалик асосли эканини қўйидаги ҳисоб-китоблар кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 2016-2030-йилларда 2 баробар кўпайишига эришиш учун ўртача йиллик ўсиш суръатлари 4,8 фоиз даражасида бўлишини таъминлаш зарур. Агар кейинги 11-йилда бу кўрсаткич 8 фоиздан юқори бўлиб келганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу вазифани амалга ошириш учун мустақкам асос ва замин борлиги яққол аён бўлади.

Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизатсия қилиш борасида бошланган тизимли ислохотларни, иқтисодиётимизда, авваламбор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни сўзсиз давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишига айланиши зарур.

Жорий йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоиздан иборат бўлишини таъминлаш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 8,2 фоиз,

4-мавзу. Бозор инфратузилмаси ва унинг таркибий тузилиши

4.1. Бозор инфратузилмаси ва унинг функциялари.

4.2. Кредит тизимини ўзига хос хусусиятларини илмий тадқиқ этиш

4.3. Суғурта фаолиятини ташкил этиш ва илмий баҳолаш

4.4. Биржалар фаолиятини бошқариш ва таҳлил этиш

4.5. 5. Реклама агентликлари хизмати ва уларни илмий тадқиқ этиш.

4.6. Савдо воситачилик корхоналарини фаолиятини илмий баҳолаш

1. Бозор инфратузилмаси ва унинг функциялари.

Бозор инфратузилмаси маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарувчиси ва истеъмолчини ягона бозор маконида боғловчи, ишлаб чиқариш миқёси ва истеъмол ўртасидаги зиддиятни бартараф этувчи, унинг барча иштирокчиларига қўйилган мақсадларига эришишни таъминловчи муассасалар ва воситачилик тузилмалари тизимини намоён этади.

Бозор инфратузилмасининг мақсади – бу чекланган тўловга қобил талаб шароитида, бозор иштирокчилари манфаатлари мувозанатини таъминлаш борасидаги келишув асосида фойдасини максималлаштиришдан иборат.

Бозор инфратузилмасининг вазифалари сифатида қуйидагиларни келтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

бозор муносабатлари иштирокчилари манфаатларининг амалга оширилишини енгиллаштириш;

инфратузилма субъектларининг ўз фойдасини юқори даражага етказиш мақсадида бозор иштирокчилари харажатларини минималлаштириш;

- иқтисодиётнинг алоҳида субъектлари ва фаолият турларининг ихтисослашуви асосида бозор муносабатлари субъектлари ишининг тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш;

- бозорда таркиб топган конъюнктурадан келиб чиққан ҳолда маҳсулот тайёрлашга бўлган буюртмаларни кўпайтирган ёки камайтирган ҳолда ишлаб чиқариш учун бозор талаби индикатори вазифасини бажариш;

- бозор муносабатларини ташкилий жиҳатдан расмийлаштириш;

- биржа механизмидан фойдаланган ҳолда истеъмол моллари, кўчмас мулк, ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий-зарурий нархини белгилаш;

- бизнесни давлат ва жамоат томонидан тартибга солиш, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан назорат қилиш шаклларини енгиллаштириш;

- товар ва хизматларнинг бозор маркетинги асосида барча истеъмолчилар номидан майдонга тушувчи буюртмачи

- функциясини бажариб, ишлаб чиқаришни тартибга солиш ва бошқариш имконини яратиш.

- Бироқ, бозор инфратузилмасининг санаб ўтилган вазифалари доимо ҳам бир хил даражада муваффақиятли амалга ошавермайди. Бунда, энг аввало, муайян мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси, иқтисодий тизимнинг таркибий тузилиши, инфратузилма унсурларининг ҳаракат доираси учун

шароитларнинг етарлилиги, бозор механизмига тўсқинлик қилувчи омилларнинг мавжудлиги каби ҳолатлар жиддий таъсир кўрсатади.

- Бозор инфратузилмаси ривожланиши дастлабки босқичининг натижалари сифатида Республикамизда 1994 йилдан бошлаб кредит ресурслари бозори фаол ишлай бошлади. Молия бозорида акциядорлик жамиятлари сифатида иш олиб борувчи давлатга қарашли бўлмаган 30 дан ошиқ суғурта компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида ишсизлар сонининг кўпайишига йўл қўймаслик мақсадида 240 дан ортиқ меҳнат биржасини ўз ичига олувчи катта тармоқ тузилди. Республиканинг ҳар бир туманида меҳнат биржалари ташкил этилди. Ишсизларни рўйхатга олиш, уларнинг касбини ўзгартириш механизми яратилди, ишсизлик бўйича нафақа тўлаш тизими йўлга қўйилди. Натижада расман рўйхатга олинган ишсизлар меҳнат ресурсларининг 1%дан камроғини ташкил этди.

- Иккинчи босқич (1996-2000 йиллар) – бозор инфратузилмасининг барча субъектлари мажмуаси шаклланиши, ривожланиши ва ўз фаолиятини атрофлича ташкил этиш ҳамда янада такомиллашуви жараёнларини ўз ичига олади. Бу босқич авваламбор, иқтисодиётда пул-кредит дастакларидан фаол фойдаланиш билан таснифланади. Шунингдек, бу босқичда Президентимиз бозор инфратузилмасини яратиш борасида эришилган натижаларга таянилган ҳолда, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни мақсадга мувофиқ ҳолда йўналтириш имконини берувчи замонавий тузилмаларни яратишга эътибор қаратади. Зеро, «Замонавий инфраструктурани яратиш бозор муносабатларига ҳақиқий маданий-маърифий характер бахш этиш, стихияга ва бошбошдоқликка йўл қўймаслик имконини беради».13

- 13 Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: Ўзбекистон, 1996, 36-б.

- 14 Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики/ Под ред. А.Х.Хикматова.-Т.: «Ўзбекистон», 2001, 82-83-б.

- Худди шу мақсадда тузилган Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси (1996 йил 12март), Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси(1998 йил 22 апрел) каби инфратузилма унсурлари мамлакатдаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштиришга қаратилди. Шунингдек, бу босқичда бозор инфратузилмасини ривожлантириш аҳолининг молиявий маблағларини самарали сафарбар этиш ва жойлаштиришни таъминлашга йўналтирилган инвестиция ислохотлари орқали олиб борилди. Қисқа муддат ичида тадбиркорларга товар ва моддий бойликлар, акциялар, кўчмас мулк савдоси, кредит, қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва муомаласини ташкил этиш борасида хизмат кўрсатувчи бозор муассасалари тармоғи ташкил этилди (3-жадвал).14

2. Кредит тизимини ўзига хос хусусиятларини илмий тадқиқ этиш.

Кредит тизими ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бундаги кредит фоизи муҳим вазифани бажаради. Кредит бозорида турли тўлов воситалари (пуллар, облигациялар ва қимматбаҳо қоғозлар) таклиф этилади. Бу кредит, ссуда қарзларга бўлган талаб асосида амалга ошади. Кредитлар, қарзлар ма'лум муҳлат ва ма'лум баҳода амалга ошади. Кредит операсияларини банклар ва бошқа кредит бозорининг муассасалари амалга ошириб, пуллар ортиқча бўлган иқтисод қисмидан уларга муҳтож бўлган жойга ўтказилади. Корхоналарнинг ўзлари вақтинча ортиқча бўлган

ресурсларни бир-бирига бериши мумкин, лекин кредитдан муҳтожлик туғилган вақтдагина фойдаланилади.

Кредит тизимида давлатнинг роли катта. У кредит институтларидан кредит пулини олиб, бу пулларни қарзга бериш йўли билан давлат кредит ҳажми, уни фоиз каби кредит бозоридаги даражаларига таъсир кўрсатади. У кредитга бўлган талабни ё кўтариши, ё пасайтириши шу йўл билан аҳолининг талабини ўзгартириши, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши кабиларга таъсир кўрсатиши мумкин.

Пластик карточкалар сони (минг дона)

Аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини янада ошириш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг замонавий тури ҳисобланган банк пластик карточкаларини кенг жорий этиш мақсадида жойларга 8 млн. донадан ортиқ пластик карточкалардан фойдаланиб келинмоқда. Шундан 6,8 млн.дан ортиғи 59 мингдан зиёд корхона ва ташкилотлар ходимларига берилган иш ҳақи лойиҳасидаги пластик карточкалар ҳиссасига туғри келади. Пластик карточкалар орқали амалга оширилган пул ҳаракатининг қиймати охириги беш йилда 40 марта ошган ва ўтган 2010 йил давомида ушбу пластик карточкаларига 5,7 трлн. сум миқдордаги маблағлар кирим қилинган бўлиб, шундан 85 фоиз тўловлар савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарига ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллари орқали ишлатилган. Шу билан бирга 86 мингдан ортиқ тўлов терминаллари ҳамда аҳолига қулай бўлган 700 тадан зиёд ўзига-ўзи хизмат кўрсатувчи банкомат ва инфокиёскалар ўрнатилган. Банкомат ва инфокиёскалар кечаю-кундуз фаолият кўрсатади, аҳоли хоҳлаган вақтда коммунал (газ, электр-энергия, иссиқ ва совуқ сувлар) ва телефон хизматларига тўловларни амалга ошириш ҳамда нақд пул олиши мумкин бўлади.

Ҳозирги кунда банклар томонидан нақсиз пул айланишини тезлаштириш мақсадида мобил ва электрон пул ўтказишнинг яни усуллари жорий этилмоқда. Бу эса банк хизматлари бозорида бозор инфратузилмасининг янги кўринишлари ва уларнинг самарадорлигини оширишга ҳаракат қилинмоқда.

Бундан ташқари ҳозирда аҳолининг зич жойлашган ҳудудларида коммунал хизматларига тўловлар ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун инфокиёскалар ва банкоматлар ўрнатилмоқда.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари томонидан бу борада олиб борилаётган ишлар натижасида, замонавий алоқа-ахбороттехнологияларидан кенг қўламда фойдаланган ҳолда, замонавий банк хизматлари таклиф қилинмоқда. Республика банклари 17 та йирик хорижий давлатларнинг 70 дан ортиқ етакчи банклари билан вакиллик муносабатлари ўрнатган бўлиб, мамлакатимиз аҳолиси, Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хоҳлаган хорижий давлатдаги шериклари билан молиявий муносабатларни ўрнатиш имкониятлари яратилган.

Банклар ва бутун молия-банк тизими фаолиятига ёндашувларни ҳамда баҳолаш тизимини тубдан ўзгартириш, халқаро меъёрлар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ банк фаолиятини ташкил этишнинг янада юқорида даражасига чиқишни таъминлаш учун Президентимизнинг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорига кура, келгусида қуйидаги устувор вазифаларни амалга ошириш белгилаб олинди:

- банк фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш;
- халқаро Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, тижорат банкларини янада капиталлаштириш, ушбу соҳага хусусий капитални жалб этиш, банкларнинг ресурс базасини кўпайтириш, активлар сифатини яхшилаш, банк ишини такомиллаштириш ҳисобига банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш;

- етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган халқаро меъёрлар, мезонлар ва стандартларга асосланган республика банк тизими фаолиятини баҳолаш ва таҳдиқ қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш;

- омонатчилар учун қафолатларни кучайтириш ва банк тизими га аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш, янги, жозибали омонатлар ва депозитари и жорий қилиш, кўрсатиладиган банк хизматларининг тури ва кўламини кенгайтириш йули билан аҳоли ҳамда ҳужалик субъектларининг бўш маблағларини банк айланмасига кенг кўламда жалб этиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишнинг фоят муҳим воситаси сифатида микромолиялаш соҳаси ривожланишини рағбатлантириш;

- нобанк молия ташкилотлари, кредит уюшмалари ролини янада ошириш ҳамда тармоғини ривожлантириш, халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ уларнинг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар тури ва кўламини кенгайтириш кабилардан иборат.

Дарҳақиқат, яратувчан халқимиз мустақилликнинг 20 йили давомида замонавий ривожланиш кўникмаларини ўзлаштириб, тараққиёт йулига илдам қадам куйди. Яъни, мамлакатимизда юртбошимизнинг машҳур “Беш тамойили” барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларга кенг кўламда жорий этилиши, “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йуллари ва чоралари” асарида ҳаётий мантиққа асосланган илмий-амалий фикрларининг банк тизими га фаол татбиқ этиладиганлиги республика миз иқтисодий кудрати юксалишида, халқимиз турмуш тарзи янада фаровонлашувида, диёримиз гуллаб-яшнашида асосий омил бўлмоқда.

Молиявий соҳада ўз аҳамияти билан ажралиб турувчи яна бир тузилма – суғурта компаниялари дир. Ўзбекистонда суғурта бозори ривожланишининг ҳуқуқий асоси бўлиб 1993 йил 6 майда қабул қилинган ва 23 сентябрь 1994 йил ҳамда 1997 йилда маълум ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган «Суғурта тўғрисида» ги қонун ҳисобланади. Республика миздаги суғурта ташкилотлари 3 гуруҳ бўйича ташкил этилди: давлат акциядорлик суғурта компаниялари, хусусий суғурта компаниялари ва Республика суғурта назорати ташкилотлари.

4.3. Суғурта фаолиятини ташкил этиш ва илмий баҳолаш.

Суғурта – ривожланган бозор муносабатларининг кучли таянчларидан бири. Унинг ривожланиши давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тизими, жисмоний ва ҳуқуқий шахслар томонидан суғурта хизмати га талаб ва ишончга боглик булади. Суғурта бозори ривожланишининг ҳуқуқий асоси булиб, Олий Мажлис томонидан 1993 йил 6-майда қабул қилинган ва 23 сентябрь 1994 йил ҳамда 26 декабрь 1997 йилда маълум ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган «Суғурта тўғрисида» ги қонундир. Суғурта соҳасида давлат суғурта ташкилоти негизида «Узагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси ташкил этилиб, бу соҳада давлат

монополиясига бархам берилди. Бугунги кунда турли мулк шаклларига асосланган хорижий сармояларни суғурталовчи «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси, кичик ва урта бизнесни суғуртавий химоя этишни таъминловчи «Мадад» суғурта Агентлиги. «Кафолат» суғурта компанияси, «Банк – суғурта» банклараро суғурта жамият. «Лизинг-Стинвит» акционерлик компанияси, «Умид», «Метро», «Меҳр нури», «Йуловчи», «Алеком», «Сайёҳ», темир йул суғурта компанияси ва «Англо-Тошкент» воситачилик компаниялари фаолият юритмокдалар. Бирок Ўзбекистонда мавжуд суғурта бозори бозор иктисодиёти шароитида хали узининг тулик урни ва мавкеига эга эмас.

Суғурта фаолияти бошка тадбиркорлик фаолияти шаклларида узининг мухим жихатлари билан фарк килади. Шу нуктаи назардан хам давлат томонидан суғурта фаолиятини назорат килиш ташкилотларини тузиш ва суғурта конунчиликлари тизимини ишлаб-чикиш зарур. Давлатнинг суғурта бозорига таъсир этиш жараёнлари куйидагилар билан изохлади.

Биринчидан, жамият хаётий фаолиятида риск омили доимий мавжудлиги учун бу жараён жамиятнинг барча жисмоний ва ҳукукий шахсларини камраб олади.

Иккинчидан суғурталовчи ва суғурталанувчилар маълум риск асосида махсус суғурта манфаатларини акс эттирадилар. Бу орда суғурталовчиларнинг суғурталанган ташкилотларга нисбатан манфаатлари устиворлиги амал килиши керак.

Учинчидан, суғурталанувчи бозорда махсус товар «Суғурта хизматини» таклиф килади. Унинг истеъмол киймати асосида суғурта тулови тарзида сугарта химоясини таъминлаш ётади. Бу эса суғурта назорат ташкилотларининг диккат марказидаги объект булишини таказо этади.

Туртинчидан, суғурта хизмати суғурта таърифи акс этган бакода таклиф килинади. Тугри хисобланган таъриф ставкаси эса суғурта операцияларининг молиявий бархарорлигини таъминлайди. Тарифлар микдори риск микдорига мос келиб, статистик маълумотларга асосланган ва табакаланган булиш лозим. Бу эса уз навбатида тариф назорати урнатиш заруриятини тугдиради.

Бешинчидан, суғурта компаниялари узларининг фаолият хусусиятларига кура маъсум вақт мабайнида муайян микдордаги пул маблаглари жамлайди ва уларни Сар моялаш йули билан даромад омилда фойдаланиши мумкин.

Олтинчидан, суғурталанувчи зиммасига олган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш чоралари курилади.

Еттинчидан, давлатнинг суғурта бозорига аралашуви суғурта бевосита ахолии ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг ижтимоий химояланишини кучайтириш хамда хар хил офатларни тезда бартараф килишга сарф килиш билан боғлиқ.

Бундан талиқари суғурта компанияларининг меъёрий ҳужжатларини ишлаб-чикиш, уларнинг уз мажбуриятларини бажаришини назорат килиш суғурта компаниялари фаолиятини акс эттирувчи маълумотларни кенг халқ оммасига етказиб беришни таъминлаш хам мухим вазифалардан биридир.

Чунки бозор талаблари шароитида суғурта субъектлари уртасида ракобат албатта мавжуд булиши керак. Холбуки, бу жараён хали кенг ривожланмаган. Суғурталанувчи компанияни танлаши учун унинг фаолият доираси, молиявий-иктисодий курсаткичлари хақида тасаввурига эга булиши лозим. Бунинг учун мамлакат микёсидаги суғурта компаниялари фаолиятини баҳолаб беришни кенг йулга куйиш ва мулк шаклидан катъий назар, барча суғурта компаниялари фаолияти учун тенг шароитлар яратилиши даркор.

Суғурта бозорида миллий суғурта ташкилотлари асосий йрин тутди. Хозирги суғурта бозорининг шаклланишида уларни куллаб-куватлаш, мамлакатимизга хориждан кириб келаётган йирик суғурта компаниялари билан буладиган ракобатни меъёрга солиш максидида сармоядорлар улуши микдори ва фаолият доирасини чеклаш чора тадбирлари ишлаб чикилиши керак. Бу биринчидан, миллий суғурта бозорининг ривожланишини таъминласа, иккинчидан, валюталарни четга чикиб кетишни камайтиради ва ниҳоят миллий суғурта бозорининг Дуне суғурта бозорига якинлашувиға ёрдам беради.

Суғурта бозорининг ривожланишида реклама ката роль уйнайди. Мамлакатимизда бу соҳадаги камчилик рекламалар сифат даражасининг пастлиги билан изоҳланади. Ваҳоланки, реклама-суғурта хизматининг афзаллиги, зарурлиги, кулайлиги ва ишончилигини камайиш килади.

Суғурта бозорининг ривожланишида малакали, бозор иктисодиёти билимлари ва тажрибаларини эгаллаган, уз соҳасини чуқур биладиган мутахасислар ката аҳамиятга эга. Бу соҳада мавжуд укув масканларини билим бериш сифатини уларнинг моддий – техника базасини кучайтириш ва малакали укутувчилар билан таъминлаш учун ёш, иктидорли кадрларни хориж мамлакатларида малака оширишларини йулга куйиш керак.

Бугунги кунда суғурта ташкилотлари бюджетга туланиши лозим булган даромад солиғининг хисобланган суммаси суғурта бадалларининг усиши хажми ва суръатига мос келмайди.

Реал пул окимини назорат килишнинг мураккаблашуви даромадни солиққа тортишдан яширишга йул очади, суғурта ташкилотининг даромад олиш имконияти тулик ишга солинмай колишга сабабчи булади., амалдаги солиққа тортиш тизими узининг бу борада олдиға куйилган вазифаларни бажара олмайди.

Солиқ инспекцияси томонидан суғурта ташкилоти тулаган даромад (фойда) солиғи базаси тугри аниқланганлигини текшириш одатда куп вақт ва моддий харажат Лар талаб этади, бунда хусусан:

-Суғуртачи томонидан даромадлилик меъёрларига амал килинишлик

- давлат назорати томонидан лицензияланган суғурталаш коидасига унинг иши мувофиқ келиши:

-суғуртачи мижозида айрим маълумотнома ва асослар мавжуд булмаган ҳолатларға кура, рад этиш имконияти булгани холда суғурта копламасини тулашға булган ҳуқуқий масаласи:

-суғурталанувчига копламани Ким тулаганлиги.

-суғурта ташкилотининг айбдор шахсға нисбатан регрис талабини куйиш ва уни тулатиш саъй-харакатларини олиб бориши масаласи:

-валюта келишуви кайд этилган шартномалар буйича суғурта суммаси ва суғурта копламаси тугри амалға оширилганги

- суғурта шартнома каерда тузилганлиги

-шартномада кафт курувчи туғри курсатилганлиги.

-даромад солиғи урниға тулик суғурта бадалларидан солиқ туловиға утиш

-суғурта бадалларидан солиқнинг аванс туловларини жорий этиш.

-суғурта бадалларидан солиқдан даромад (фойда) солиғининг аванс тулови сифатида фойдаланиши ва йил якунида даромад солиғини тулашда уни хисобға олиш.

-суғурта бадалларидан солиқни фақат умумий суғурта тармоғига жорий этиш.

-даромад солиғини саклаб колган холда суғурта фаолиятига яна бир кушимча – суғурта бадалларидан солиқни жорий этиш оркали эгри ва тугри солиқларнинг узаро нисбатини мувофиклаштириш ва шу кабилар.

Ўзбекистон суғурта бадалларидан солиқ жорий этишда суғурта классларига кура, унинг табакаларштирилган ставкасимни куллаш, Аини вақтда суғурта ташкилотининг инвитуция ва бошка фаолиятидан олган даромадларини даромад солиғи тортиш механизими саклаб колишни керак Суғурта бадалларидан солиқ суғурта фаолиятидан солиқ суғурта фаолиятидан ундириладиган асосий солиқ булиши белгилаб куйилиши керак.

Бу солиқни жорий этишда дуч келинадиган долзарб муамолардан бири-суғурта ташкилотининг сотувдан ташкари даромадларини солиқка тортиш масаласи хисобланади.

Суғуртачининг суғурта хизматларини сотувидан ташкари олган даромадлар асосан уз филиалларига иш қоғозларини таёрлаб бериш уларнинг Янги махсулоти ни реклама килиш кабилар хисобига олинади. Айрим холларда ижара муносабатлари оркали хам улар шакллантирилади.

Суғурта ташкилоти ундирилган суғурта бадалларининг барча суммасидан белгиланган ставкаларда солиқ тулаши лозим. Кайта суғурталовчи ташкилот хам, уз навбатида кайта суғурталашга кабул килинган рисклар буйича бадаллар хисобидан мазкур солиқни тулаши керак.

Мажбурий суғурта турлари буюджет ёки бюджетдан ташкари маблаглар хисобидан амалга оширилган холларда бу сумма унчалик ката эмаслиги хамда солиқнинг бюджет хисобидан туланишидан келиб чикиб, бу солиқка тортилишдан озод этилиш тугри булади.

Суғурта бадалларидан солиқ жорий этишда унинг салбий окибатлари баргараф килинишини таъминлаш учун бошка катор олишларини хам хисобга олиш талаб этилади.

Суғурта фаолияти-суғурта ходисаси юз бериши окибатида суғурталанувчининг зарарини коплаш билан боглик булган узига хос иктисодий фаолият туридир. Суғурта ходисасининг йиллари буйича юз бериши эхтимолига турличадир. Айрим аник бир йилда бу ходисаларнинг сони куп булиши мумкин.

Статистик маълумотларга асосланиб кайд этиш мумкинки, суғуртанинг куп турлари буйича амалга оширилган суғурта копламаси ундирилган бадаллар суммасига нисбатан паст фоизларни ташкил этади.

Ўзбекистонда бугунги кунда суғурта маданияти шаклланиши даврида суғурта бадалларидан солиқни жорий этишда унинг максимал ва минимал ставкалари чегарасини белгилаб олиш лозим :

-умумий суғурта тармогида максимал ставкани 4,0, минимал ставкани 2,0 фоиз микторида.

-Хаёт суғурта килиш тармогида максимал ставкани 2,0 минимал ставкани 0,1 фоиз микторида белгилаш максадга мувофикдир.

Хаётни суғурта килиш тармогида шартнома бекор килинган холларда имтиёзлар хам истисно этилиши шарт.

Бозор инфратузилмасини ривожлантиришнинг навбатдаги босқичларида тадбиркорлик фаолиятини, айниқса, кичик бизнесни турли хавф-хатарлардан суғурталаш ишларини такомиллаштириш зарур бўлади. Бироқ, аксарият холларда кичик бизнес объектларини суғурталаш хавф-хатарнинг юқорилиги сабабли фойдали эмас. Шунга кўра, минимал даражадаги тариф ва солиқ имтиёзлари

яратилган кичик бизнесни ҳимоялашга йўналтирилган ихтисослаштирилган суғурта компанияларини ташкил этиш зарур. Кичик бизнесни маълум хавф-хатарлардан суғурталашни таъминлашнинг ўта муҳим йўли бўлиб нотижорат асосида амал қилувчи ўзаро суғурталаш жамиятларини барпо этиш ҳисобланиши мумкин. Бундай жамиятлар ҳозирда Ғарбий Европада кенг тарқалган. Ўзаро суғурталаш жамиятлари – бу ўз фаолиятини суғурталаш йўли орқали муҳофазалаш мақсадида тузилган ҳуқуқий ёки жисмоний шахсларнинг бирлашмасидир. Бундай жамиятни таъсис этишда иштирок этувчи барча шахслар бир вақтнинг ўзида унинг эгалари ва суғурталовчилари ҳисобланадилар. Улар биргаликда маблағларни шакллантириш ва фойдаланиш тартибини белгилайдилар. Заҳира (кафолат) жамғармалари жамият аъзолари учун инвестиция манбаига айланиши мумкин.

Демак, кичик тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш томон тўтилган йўл ва бу борадаги натижаларга эришиш энг биринчи навбатда унга хизмат кўрсатувчи ва етарли фаолият шароитини таъминлаб берувчи бозор инфратузилмасининг ривожланиши борасидаги муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш орқали амалга ошиши мумкин.

Суғурта компаниялари – суғурталовчи ролида майдонга тушувчи, яъни суғурта ходисаси рўй берган чоғда суғурталанган шахснинг зарарларини қоплаш мажбуриятини ўзига олувчи ташкилотлар. Суғурта компаниялари акциядорлик суғурта компаниялари, ўзаро суғурта компаниялари ва бошқа кўринишларда ташкил этилади. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида тижорат хавф-хатаридан суғурталаш, яъни тижорат операциялари ва хўжалик фаолиятини зарар кўришдан суғурталаш ишларини амалга оширувчи муассасаларнинг аҳамияти юқори бўлади.

4.4. Биржалар фаолиятини бошқариш ва таҳлил этиш.

Қадимдан «Биржа» сўзи куйидаги уч хил воқеаликни ифодалаш учун қўлланилади: биринчидан, сотувчи ва сотиб олувчиларни бир жойда йиғилишини: иккинчидан бундай йиғилишларни ўтказиш жойини ва учинчидан шу вақтда амалга ошириладиган савдо-сотиқлар йиғиндисини. Бу фикрларнинг ҳаммаси жамланса. Маълум тарзда ташкил этилган бозор ёки биржа деган маъно чиқади. Биржанинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ҳар доим улгуржи тарзда олиб борилади, савдо буюми бўлим эса маълум бўлган хусусиятлари, тавсилотлари аввалдан кўрсатилган, лекин сотиш жойида йўқ бўлган қимматбаҳо буюмлар, хом ашё ва маҳсулотлар, қимматбаҳо қоғозлар, хизмат ишлари, иш кучи ва бошқалар бўлиши мумкин. Биржа бозори учун хос бўлган нарсалардан яна бири шуки, бу ерда ишбилармонларнинг муомала ёки олди-берди операциялари ҳар доим кўпчилик олдида, аввалдан белгиланган вақтда ва белгиланган жойда олиб борилади. Бундан мақсад шука, хоҳлаганларнинг барчаси бундай савдода иштирок этиш имкониятига эга бўлсинлар. Умуман «Биржа» сўзи лотинча «BURSA» ва немисча «BORSE» сўзидан келиб чиққан «чўнтак» маъносини билдиради. XV асрда Нидерландиянинг Брюгге шаҳридаги Ван дер Бурс исмли савдогарнинг уйи олдидаги майдонда турли хил мамлакатлардан келган савдогарлар сотиладиган ва олинладиган товарларни аслини аниқ кўрсатмай туриб савдо тўғрисидаги маълумотлар билан фикр алмашиши ва чет эл векселларини сотиб олиш ва савдо операцияларини бажариш учун тўпланганлар.

Ван дер Бурснинг тамғасига туширилган яна шу чарм чўнтакнинг учта шакли унинг уйи дарвозасига жойлаштирилган эди, натижада «биржа» сўзи одатга кириб бутун Европа континенти бўйлаб Россияда ҳам ёйилиб кетди.

Биржа энг қадимий савдо институти бўлиб, ҳозирги биржа ташкилотларини яратилиши, савдонинг ривожланиши, йирик савдо марказларининг таркиб топиши, савдогарлар гуруҳларини кўплаб юзага келиши билан боғлиқдир. Демак, ҳозирги биржаларнинг авлоди бўлиб, бозор ва ярмаркалар ҳисобланади. Бозорда савдо муттасил олиб борилад эди, аммо биржадан фарқ қилган ҳолда бозорда товарнинг асли сотилиб, одатда харид қилувчилар бўлиб товарни истеъмол қилувчилар ҳисобланар эди. Ярмаркаларда товарни ўзи бўлмайд унинг намунаси, улгуржи партиялари бўйича савдо қилинад эди ва уни савдо воситачилари харид қилар эдилар. Ярмаркаларда энг камёб ва чакқон товар бўлиб пул ҳисобланар эди. Ярмаркалар бир йилда бир неча марта ўтказилар эди. Одатда. Ярмаркалар халқаро савдони ривожлантиришга хизмат қилар, бозор эса чекланган районларда савдо оборотини тахминлар эди.

Саноатнинг ривожлана бориши билан доимий улгуржи бозорга муҳтожлик, зарурият туғилади. Бундай бозор ривожланаётган хўжалик соҳалари ўртасидаги алоқани боғлаш имконини берар эди. Бундай бозор биржа шаклида XVI асрда Испания билан Голландия ўртасидаги савдони ривожланиши билан таркиб топди. Демак, биржа қимматбаҳо қоғозлар фондига эга бўлган, стандарт талабларга жавоб берадиган товарлар ёки уларни намуналарни, талаб ва таклифларга биноан қонуний равишда нархи белгиланган валюталар асосида савдо амалга ошириладиган, ташкил этилган доимо амал қилиб турадиган бозордир.

Биржа операцияларини бажариш объекти бўйича қуйидаги биржалар тури ажратилади: товар биржалари шу жумладан компенсация қилувчи, яъни ўрнини тўлдирувчи ёки бартерли фонд қўйилган ҳолда валюта биржалари, фракта биржалари ва шунга ўхшашлар бўлиб, унда савдо буюми бўлиб турли хил хизматлар, масалан «ғоя биржаси» деб аталувчи биржалар илмий-техник ишловчилар ва инженерлар хизматларини бажарадилар. Меҳнат биржаси ва бошқалар.

Биржалар аниқ таркиб топган ихтисослашувга эга бўлиши лозим. Масалан, автомобиллар, дон маҳсулотлари, металл, қимматбаҳо қоғозлар индекси билан савдо қилувчи биржалар.

Шуни айтиш керакки, биржа савдо қилишнинг дастлабки шакли уни товар шакли бўлмайд, балки валюта-вексель биржаси шакли бўлган. Биржада қимматбаҳо буюмлар объекти бўлиб ҳисобланган, улар ва векселлар айирбошлашнинг талабларига энг кўп даражада жавоб берган. Товарлар билан битим тузиш ўша даврларда фақат ярмаркаларда бўлар эди. Транспорт воситаларни ривожланиш билан бундай шаклда савдо қилиш сусайиб борди ва биржани ривожланишини кейинги босқичи ҳисобланган товар биржалари таркиб топди.

Дастлабки биржалар XV-XVI асрларда Италияда, Венеция, Генуя, Флоренция, Голландия, Англия ва шунингдек бошқа мамлакатларнинг йирик савдо шаҳарларида пайдо бўлиб, бу ерларда мануфактуралар асосида ташқи савдо ривожланган.

Антерпендаги биржа дастлабки халқаро биржа бўлиб, унга 1531 йили асос солинган. Унинг биносини кираверишига «Барча халқлар ва тилдагиларнинг савдогар лдамлари учун» деган афсонавий ёзув битилган.

Антерпен биржасида икки турдаги товар, айниқса муҳим ўрин тутар эди: англия жуни ва хинд қалампери. Улар юқори даражадаги айирбошлаш қобилиятига эга бўлиб, ҳаттоки биржада бўлмаган товарлар билан ҳам битим тузиш имконини берар ва улар ҳозирги замон товар биржасини яратдилар. Янада тез суръатда валюта-вексель билан савдо қилувчи биржалар ривожлана бошлади. Улар аста-секинлик билан операцияларни бажариш объекти бўлиб аввалги вексель биржаларидагидек тўловлар эмас, балки инвестиция қоғозлари - облигация ва акциялар бўлган фонд биржаларига яқинлашиб борадилар.

Бу қимматбаҳо қоғозлар Антерпен биржасида иш кўришининг асоси бўлиб хизмат қилдилар. Ўша даврда облигациялар билан савдо қилишнинг йирик маркази бўлган ва 1549 йили юзага чиққан Лион биржасидир.

Ост-Индия кампанияси ва қимматбаҳо қоғозлар акция бозорини шаклланиши. XVII аср бошида биржа фаолиятини қутилмаган даражада ривожланишига олиб келди. Унинг маркази 1608 йили юзага келган Европадаги энг йирик Амстердам биржаси «Нидерландия» бўлди.

Амстердам биржаси универсал биржа бўлган. Бунда нон, туз, балиқ, ширинликлар, ўрмон ёғочлари ва бошқа товарлар пул, облигация билан савдо бўлар эди.

Биржалар қадимдан маълум. қадимги Римда жуда ўлкан империянинг турли томонларидан савдогарлар ўз товарларини Римга олиб келардилар ва катта очиқ ва ёпиқ майдонларда уларни сотардилар. Бу жойларда «фора вяндалио» (сотиб юбориш бозорлари) деб аталар эди. Ҳатто машҳур рим форумининг биноси ҳам савдо марказига мослаб қурилган эди.

Товар биржалари - товарлар улгуржи бозорининг доимий фаолият кўрсатадиган энг ривожланган шакллари билан биридир. Одатда у маълум бир товарни сотишга ихтисослашган булади.

Масалан, Лондон қимматбаҳо металл биржасида платина, олтин, кумуш каби қимматбаҳо рангли металл сотилса, Париж товар биржаси асосан шакар билан савдо қилади. Чикаго биржасида эса дунё бўйича буғдой битимларининг 90%и тузилади.

Товар биржаси универсам булгани билан унда дуч келган товар сотилавермайди, балки 70 та гуруҳга киритилган товарларни баъзи бирлари сотилади, бу товарлар дунё биржа бозорида ҳаракатда мавжуд бўлиши шарт. Бундай товарлар биржа товарлари дейилади, улар маълум бир белгиларга эга булган, стандартларга жавоб берадиган товарлар булиши лозим.

Товар биржаси - юридик шахс ҳуқуқидаги акционерлик жамияти шаклидаги ташкилотдир, мамлакат ва чет эл фуқаролари ва фирмалари унинг аъзолари бўлиши мумкин, фақат улар биржа уставида кўрсатилган талабларга жавоб бериши, етарли даражада бошланғич капиталга эга бўлиши лозим. Биржа улгуржи савдонинг аукцион, ярмарка ва кўргазма каби шакллари билан ўзининг ихтисосий ўзига хосликлари билан фарқ қилади. Бу савдонинг доимий шакли булиб, унинг ўтказиладиган жойи ва вақти аниқ бўлади. Биржа аниқ бир товар савдосига йўналган. Жисмонан қараганда биржада товар ва пул, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи мавжуд бўлмайди.

Бозор иқтисодиётида товар биржаларининг аҳамияти беқиёсдир. Биринчидан, у кўплаб товарларнинг бақолари ҳақидаги очиқ ахборот манбаидир, бу кўп товарлар баҳосининг шаклланишига, тартибга солинишига таъсир қилади. Иккинчидан биржалар ўзига хос индикаторлардир, уларни товарларнинг таклифи

ва талабини юзага чиқаради ва яна улар воситачилик фаолиятининг очиқ-ойдин бўлишини таъминлайдилар, бошланғич капиталнинг жамғарилишига ва тадбиркорликнинг ривожланишига зарур шарт-шароитларни яратадилар.

Келажакдаги биржа савдолари - бу электрон биржалардир, улар каттароқ худудларни қамраб оладилар ва уларда хоҳлаганча брокерлар ва мижозлар мавжуд бўла олади.

Ўзбекистонда турли хил мулкчилик шаклидаги товар ишлаб чиқарувчиларга тенг реализация шароитларини яратадиган механизмни юзага келтириш ғояси бозор муносабатларига ўтишни чуқурлаштириш жараёнида пайдо бўлди. 1994йилда Республика Товар-хом ашё биржаси (ЎзРТХАБ), очиқ турдаги хиссадорлик жамияти (ОТКЖ) шаклида ташкил этилади. Унинг таъсисчилари «Ўзулгуржибиржасавдо» ассициациясининг ва «Ўзмолияинвест»нинг республикадаги 24 та фирмалари худудий корхоналари бўлишди. Товар-хом ашё биржасининг асосий вазифаси мамлакатимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган хом ашё, материал ва товарларнинг эркин улгуржи савдосини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишдир. Унга доимий фаолият кўрсатувчи Республика ярмаркаси бириктириб қўйилгандан сўнг, РТХАБ бор қуввати билан ишлай бошлади. Биржа бир қатор биржалар билан, чунончи: Россия товар-хом ашё биржаси билан, қозоқ халқаро агросаноат биржаси билан, Тожикистон товар-хом ашё биржаси билан ва бошқа бир қатор биржалар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномалар имзолади. Биржа фаолиятининг ривожланишига Ўзбекистон Республикаси президенти фармони билан қабул қилинган қарорлар, яъни экспорт контрактларини божхона тўловларидан озод қилиш, валютага сотилган товардан тушган валютанинг бир қисмини қатъий равишда сотиш қабилардан озод қилиниши катта таъсир қилди.

Хозирги вақтда биржада 260 дан ортиқ брокерлик конторалари мавжуд бўлиб уларда 500 дан ортиқ брокерлар фаолият кўрсатмоқда, улар турли хил тармоқ ва қар хил мулкчилик шаклидаги корхоналар номидан, шунингдек чет эл фирмалари номидан фаолият юритишади, савдога турли хил товарлар қўйилади, факат квоталаниши мажбурий бўлган товарлардан ташқари (пахта, металл, нефть ва нефть мақсулотлари).

Биржа инфратузилмаси ҳам ривожланиб бормоқда: мижозларга товарларни сақлашга халқаро даражада жихозланган терминаллар таклиф этилади, хиссадорлик транспорт-экспедиция агентлиги кенг имкониятларга эга. Ўзбекистонда биринчи кучли биржа банки «Трастбанк» ташкил этилди ва у РТХАБ мижозларини қизиқтирган лойихаларни инвестиция қилишга тайёр.

ЎзРТХАБ борган сари ўз имиджига эга бўлиб бормоқда, бу эса тадбиркорлик муваффақиятининг гаровидир.

Ўзбекистон иқтисодиётидаги ўзгаришлар, уни тартибга солиш механизмларининг ўзгариб бориши, бозор муносабатларининг ривожланиб бориши ресурсларни тақсимлаш шакллариининг янги иқтисодий мухитга мос келадиганларини қуллаш, жорий этиш вазифаларини қўймоқда. /арб давлатларида бозор механизмини жорий қилишнинг самарали воситаларидан бири товар биржаларидир. Бозор муносабатларининг ривожланиши ва такомиллашуви нафақат биржалар пайдо бўлишини тақазо қила бошлади, балки реал товарлар секторида бирламчи биржаларнинг пайдо бўлишига туртки берди: транспорт воситалари, алоқа ва товарларни сақлаш воситалари яхшилана бошлади, хом ашё сифатининг ишончилиги ва уни аниқлаш усуллари такомиллашди.

Баҳолар бозори сифатида биржа йирик ишлаб чиқарувчилар кўядиган талабларга, умуман бозор иқтисодиёти кўядиган талабларга тўла жавоб беради. Биржанинг реал товарлар бозоридан савдога хизмат кўрсатадиган, савдо ва кредит-молия операциялари билан боғлиқ бўлган харажатларни қисқартиришга қаратилган институтга айланишига ўтказувчи концентрациялашга бўлган интилиш, биржага хос товарларнинг ишлаб чиқарилиши ва савдоси сабаб бўлди. Ҳозирги вақтда фьючерс савдолари энг кичикдан тортиб энг катта компанияларнинг ҳам талабларини қондиради.

Бундан ташқари баъзи бозорларда (нефть, тропик товарлар) биржалар самарали фаолият кўрсатиб, уларда ТМКларнинг таъсирини камайтирди ва бу орқали ривожланган давлатларнинг ривожланаётган экспортёр-давлатларга салбий таъсирини деярли йўққа чиқарди.

Товар биржаларининг ўрни ва ахамияти қандай ўзгараётганлигини тўғри талқин қилиш фақат назарий қизиқиш билан эмас, балки амалий ахамиятлилиги билан ҳам ажралиб туради, чунки биржа механизmidан тўғри фойдаланиш худди шу назарий ва амалий хулосаларга таянади.

Товар бозорларига хизмат кўрсатувчи биржа, ихтисослашган молиявий институт сифатида мос ҳолда товарларнинг «баҳолар бозори» бўлиб ҳам хизмат қилади, яъни биржа котировкаларига катта таъсир қилади, бу билан фирманинг рақобатбардошлигига ҳам ўз таъсирини ўтказиши.

Бундан ташқари биржалар молиявий институт сифатида товарларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш босқичларида банк томонидан бериладиган кредитларни тўлдириб боради ва бу босқичларнинг ҳам харажатлар амалга оширилишини рағбатлантиради, биржа озод маблағларни товар ишлаб чиқаришга жалб қилишга ва бу билан уларнинг қайта тақсимлашда ҳам фаол иштирок этади.

Биржа савдосининг умумий ривожланиш анъаналарини таҳлил қила туриб шунга амин бўлиш мумкинки, биржа фьючерс савдолари орқали йирик компаниялар ва молиявий капиталнинг, шунингдек кичик ва ўрта бизнеснинг ҳам манфаатларига тўла мос келади ва келажакда у янада ривожланади. Шунга мос ҳолда биржа механизмларидан фойдаланиш ҳам кенгайди.

1991 йили «Тюмень товар фонд биржаси» ташкил этилди. Уни ташкил этувчилар магистраль нефть қувурлари бошқармаси. «Тюмень ўрмон саноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Нижеватовск нефть-газ», «Тюмень саноат» ассоциацияси, «Серп ва молот» «Харьков» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Туристинвест» акционерлик жамиятлари бўлдилар.

1992 йилнинг март-апрель ойининг 12 кунида республикада 30 та биржа рўйхатдан ўтказилган бўлса, кейинчалик уларнинг сони камайиб, кўплари тугатилиб, айримлари савдо уйлари ёки бошқа ташкилотларга айлантирилди. Бунга сабаб шуки, улар қонунга кўра 50 млн сўмлик Устав фондига эга бўла олмаган. Уларнинг кўплари давлат моддий техника таъминоти системасида воситачи бўлиб хизмат қилган, айримлари янгича ном билан бозорда ўз мавқеларини сақлаб қолишга интилувчи коммерция типигаги ўртада турган ташкилотлар бўлган.

1993 йилнинг бошларига келиб Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги» қонунига мувофиқ агросаноат акционерлик жамиятининг «Ўзбекистон» биржаси. ««Андижон» товар хом-ашё биржаси, «Наманган» акционерлик жамияти, универсал товар биржаси, +ашқадарё «Насаф» товар хом-ашё биржаси, Ургенчда регионларaro «Хоразм» товар хом-ашё биржаси рўйхатдан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва

биржа фаолияти» тўғрисидаги қонунга асосан республика молия инвестиция холдинг уюшмаси акционерлик жамияти таркибига киритилган, чекланган ҳуқуқга эга бўлган жамият ҳисобланган, «Тошкент» универсал товар фонд биржаси товарлар ва қимматбаҳо қоғозлар билан иш кўради.

«Тошкент» биржасини Холдинг уюшмаси таркибига киришнинг афзаллиги шундаки, биржа тижорат фаолияти ҳуқуқига эга бўлади. Холдинг компанияси бир канча турдаги биржалардан иборат бўлади: уч

- товар биржаси;
- фьючерс биржаси;
- фондига эга бўлган биржа;
- суғурта компанияси ;
- банк;

"Карвон" номли савдо уйи.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисидаги кўрсатмасига асосан халқаро пахта биржасини ташкил этиш мўлжалланган. Бугунги кунда биржа савдосининг кенг ҳуқуқий асосларини шакллантириш республика ташкилотларининг энг долзарб ҳуқуқшунослик фаолияти масалаларидандир. Лекин шу вақтгача фаолият кўрсатиб келаётган биржалар тўғрисидаги қонуний ҳужжатлар тўлиқ ва биржа амалиётига кўпгина муҳим масалаларга тегишли бўлмаган. Шуларни ҳисобга олиб, 1992 йилнинг 2 июлида Ўзбекистон Республикаси «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонунни қабул қилди.

Биржани ташкил этиш ва биржа фаолияти билан боғлиқ муносабатлар ушбу қонун, акционерлик жамиятлари, Ўзбекистонда товар биржалар фаолиятини лицензия қилиш тартиби тўғрисида қўлланма, корхоналар ва тадбиркорлик тўғрисида, кооперациялар, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун, биржа Устави каби ҳужжатлар билан тартибга солиб турилади.

Иқтисодий нуқтаи назардан биржа бу махсус тарзда ташкил этилган улгуржи бозор, ҳуқуқий нуқтаи назардан эса бу ўзига хос ташкилот бўлиб, тадбиркорликни шу бозорга чиқиш имкониятини беради. Бундай ташкилот унинг доирасида ишловчи ходимлар орқали воситачиларни - биржа маклерларини, сотувчиларни ва харидорларни ёки уларнинг ёрдамчиларини доимо учраштириб туради. Бунинг учун биржа бошқа субъектлар жисмоний ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи-биржа аъзоларига маълум шартлар асосида унга келувчиларга - тез ва фойдали равишда битимларни амалга ошириш учун махсус инфраструктура яратди.

Биржа юридик шахс сифатида ташкил этилади, яъни ўз мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва хусусий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар олиши, шартномалар ва бошқа битимлар тузиш, давлат арбитражида, арбитраж судида даъвогар жавобгар бўлиб чиқиши мумкин. Биржани ташкил этишнинг типик шакли- бу юридик шахсдир. Ривожланган ҳуқуқий давлатларда, одатда, хусусий-ҳуқуқий, яъни давлат ихтиёри билан эмас, алоҳида фуқаролар ва уларни бирлашмалари ихтиёри юзага келадиган икки типи маълумдир.

Биринчидан, қуйилган мақсадга эришиш учун маълум миқдордаги мулкга эгалик қилиш ҳуқуқини ажратиб олиш асосида яратиладиган ташкилот, яъни юридик шахс.

Улар қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикасининг корхоналар ҳамда тадбиркорлик тўғрисидаги қонунларга мувофиқ тўлиқ равишдаги тирикчилик деб аталувчи фаолият соҳаси, ҳақиқатда оддий шерикчилик уюшмаси деб аталади;

- аралаш тарздаги ҳамкорлик. Бунда уюшманинг ҳақиқий аъзолари ўз мажбуриятлари бўйича ўзларини қўшган улушлари миқёсида жавоб берадилар;

- чекланган тарзда жавобгарликка эга бўлган шерикчилик жамияти.

Бу жамиятнинг устав фондлари уни таъсис этувчиларнинг улушлари ҳисобига яратилади;

- ёпиқ типдаги акционерлик жамият. Бунда акциялар фақат уни таъсис этувчилар ўртасида эмас, балки очик равишда ёзилган маълум доирадаги шахслар ўртасида ҳам тақсимланади.

- очик типдаги акционерлик жамияти. Бунда акциялар фақат уни таъсис этувчилар ўртасида эмас, балки очик равишда ёзилган маълум доирадаги шахслар ўртасида ҳам тақсимланади.

Бу хилдаги шерикчилик жамиятларидан ташқари қонунда айтилмаган артеллар ҳам бор. Буларга ижарага берилган ва жамоа корхоналари киритилади. Чекланган жавобгарликка эга бўлган жамиятларга эса ишлаб чиқариш кооперативлари деб аталувчи шахсларнинг уюшмаси киради.

Биржа савдосини таъминловчи ташкилот сифатида биржа мулки эгаларининг давлат, яқка тартибдаги тадбиркор, биржа ассоциацияси ва шунингдек ўз фаолиятидан келиб тушадиган:

- биржа аъзоларини взнослари; биржа мажлисига келган иштирокчиларнинг тўловлари; арбитраж комиссияларидан йиғилган пуллар; биржа воситачиларини даромадларидан қилинган ажратмалар ва шунга ўхшаш пул маблағлари ҳисобида молиялаштириб турувчи ташкилотлар шаклида яратилади.

Биржа ташкилотининг бошқа шакли бу - хўжалик ҳисобланмаган корпорация, пайчилар ёки акционерлик жамиятларидир.

Биржа - савдо фирмаси эмаски, сотиш учун сотиб олмайди, яъни коммерция фаолияти билан шуғулланмайди. Даромад олиш мақсадида биржанинг ўзи ҳеч нарса сотиб олмайди ва сотмайди ҳам. Биржанинг асосий вазифаси биржа битимлари ва шу билан боғлиқ хизмат ишларини бажаришдир.

Биржа – бошқаларга коммерция билан шуғулланишга ёрдам берадиган ташкилот эмас. Ташкилотларга келсак, уларни мулк эгаси ёхуд кимга шундай ҳуқуқ берилган бўлса ўша ташкил этади.

Шахсларни бирлашиши пайчилар ёки акционер жамиятлари сифатидаги биржаларни амал қилиб турган қонунчиликка асосан бундай жамиятларни ёки уларни иштирокчиларини таъсис этувчилар сифатидаги субъектларгина ташкил этишга ҳақлидир.

Республикадаги биржалар ихтисосланишига қараб, қуйидаги турларга бўлиниши мумкин;

-товар биржалари, шу жумладан универсал ва ихтисослаштирилган биржалар;

-фонд биржалари;

-валюта;

-интеллектуал мулк объектлари билан савдо-сотик қилувчи биржалар;

-аралаш биржалар; фонд ва валюта биржалари товар-фонд биржаларининг фонд булимлари фаолиятининг узига хос имкониятлари махсус қонунлар билан тартибга солиб турилади.

Биржаларни яратиш узоқ давом этадиган машшаққатли ва қимматга тушадиган ишдир. Одатдаги бу иш ташаббускор кишиларни тўпланиши, шакилланишидан бошланади ва унга кирган аъзолар кейинчалик биржани таъсис этувчилари бўлиб қолади ва биржа раҳбариятига киради. Улар бўлажак биржанинг қандай бўлиши кераклигини белгилайдилар ва унинг фаолияти концепциясини ишлаб чиқадилар. Ҳозирги яратилаётган биржалар аслини олганда универсал биржалар ҳисобланади. Уларда турли-туман товарлар билан савдо қилинади. Фақат ихтисослаштирилган биржалар яхши истиқболга эга бўлади. Биржаларни яратишда уларни таъсис этувчилар сони ва таркибини аниқлаш масаласи хал қилувчи аҳамиятга эгадир. Юқорида кўрсатилгандек, биржа турлича ҳуқуқий статистикага эга бўлиши мумкин; ёпиқ ёки очик шаклдаги акционерлик жамияти, аралаш тарздаги шерикчилик уюшмаси ва хаттоки давлат корхонаси бўлиши мумкин.

Биржалар юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан таъсис этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси раҳбарлик қилувчи ташкилотлар кам товар биржаларини таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар. Биржаларни таъсис этувчилар сони қанча кўп бўлса, уларнинг молиявий-моддий аҳволи ҳам шунча мустақил бўлади, улар биржага шунча кўп ёрдам кўрсатишлари мумкин. Лекин биржа раҳбарлари сонини кўп бўлиши, унга раҳбарлик қилишни мураккаблаштиради. Хар бир яратиш вариантини инсоний ва салбий томонлари ҳам бордир. Буларни ҳаммасини аввалдан чамалаб кўриш керак, ўзининг аниқ шарт-шароитлари билан солиштириб энг яхши вариантларини танлаш лозим.

4.5. Реклама агентликлари хизмати ва уларни илмий тадқиқ этиш.

Реклама агентликлари, ахборот марказлари ва оммавий ахборот воситалари агентликларининг бозор инфратузилмаси сифатидаги роли ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Реклама – товар ёки кўрсатиладиган хизмат тўғрисидаги ҳолис ахборот, талабни кўпайтириш мақсадларида харидорларга товарларнинг хоссалари, афзалликлари ва сотиб олиш шартларини етказиш ва ошкор этиш воситаси бўлиб, уни махсус фирмалар маълум ҳақ эвазига ташкил этади ёки бевосита товарни сотувчи фирманинг ўзи уюштиради. Махсус реклама агентликлари, ахборот марказлари ва оммавий ахборот воситалари агентликлари реклама жараёнларини уюштиришда қуйидаги йўналишлардан фойдаланади:

- матбуот, радио, телевидение орқали махсус реклама матнларини жойлаштириш, фильмларини намойиш этиш;
- плакатлар, буклетлар, товар каталогларини тайёрлаш ва тарқатиш;
- сайловолди йиғилишлар ва катта томошаларда реклама ахборотларини тарқатиш;
- кўргазмалар ўтказиш, ярмаркаларда иштирок этиш, товарларни намойишкорона сотиш, махсус реклама фильмларини чиқариш орқали ташқи савдо рекламасини ўтказиш ва бошқалар.

4.6. Савдо воситачилик корхоналарини фаолиятини илмий баҳолаш.

Савдо инфратузилмаси бозор инфратузилмасининг энг муҳим таркибий қисмидир. Унинг асосий вазифаси – савдо бозорининг ишончли амал қилишини ҳамда талаб ва таклифнинг рақобатли ўзаро муносабатларини таъминлашдир.

Ўзбекистондаги улгуржи савдо инфратузилмасининг асосий вазифаларидан бири – мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона ва ташкилотларга, шу жумладан тадбиркорларга тижорат – воситачилик, савдо, ишлаб чиқариш, лизинг, транспорт,

молия, аудит, ахборот хизматлари кўрсатиш, улгуржи, биржа, ярмарка ва кимошди (аукцион) савдоларни ташкил этиш ва барча юридик ҳамда жисмоний шахсларга товар-хом ашё ресурслари бозорида савдо битимлари тузишда қулай шароитлар яратиш.

Савдо палатаси – бу маҳаллий тадбиркорлар уюшмаси бўлиб, товарларни ишлаб чиқариш, сотиш, экспорт қилиш ва бошқа шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш йўли орқали ўз аъзоларига тадбиркорлик фаолияти юритишда ёрдам кўрсатади. Бозор иқтисодиётининг ижобий томонларидан бири – иқтисодий субъектларнинг ва улар фаолиятининг эркинлиги ҳисобланади. Агар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўз мажбурият ва вазифаларини етарли даражада бажарганларида бугунги кунда уларнинг аъзолари сони жами тадбиркорларнинг 27,2 фоизидан кўпроқ бўлиши шубҳасиз эди. Шунингдек, бу тузилма билан боғлиқ яна бир муаммо – улар томонидан кўрсатилаётган хизмат даражасининг нисбатан пастлигидир. Палатага хизматидан унга аъзо бўлган тадбиркорларнинг 43,7 фоизи қисман қониқаётганлиги, 19,1 фоизи эса умуман қониқиш ҳосил қилмаганлиги мазкур тузилма таркибида жиддий ўзгаришларни амалга ошириш лозимлигини англатади.

Умуман олганда, бозор инфратузилмасининг ривожланиши кўп қиррали жараён бўлиб, унинг хусусиятлари мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти даражаси, иқтисодиётининг таркибий тузилиши, илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш салоҳияти, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланганлик даражаси каби омилларга боғлиқ. Ҳар бир мамлакатда бозор инфратузилмасининг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш ўз навбатида мазкур соҳани янада тараққий эттиришнинг асосий йўналишларини очиб беришга имкон яратади.

Натижада уларнинг самарали фаолияти йўлга қўйилди ва ишлаб чиқрувчиларни товарларини сотиш ва бу борада импортни ўрнини босиш ҳамда экспортни рағбатлантириш устивор вазифага айлантирилди.

5.4. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш йўллари

5.1. Иқтисодий ривожланишида ёқилғи-энергетиканинг роли.

Энергетика инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди, уларнинг турли эҳтиёжларини қондириш имкониятларини кўпайтириш имконини беради. Инсон цивилизациясининг ривожланиши фойдаланилаётган энергия ҳажми ва турлари билан ҳар доим чамбарчас боғлиқ бўлган.

Ҳозирги авлод кўз ўнгида содир бўлаётган глобал фожа сабаби шундан иборатки, XX аср давомида, айниқса, сўнгги 40 йил ичида одамларнинг иқтисодий ривожланиш мақсадида энергиядан фойдаланиш миқдори анча ошди. Бу эса атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки иқлимнинг дунё миқёсида глобал исиб кетиши ёқилғининг органик турларидан фойдаланадиган иссиқлик электр станцияларининг ишлаши натижасида юзага келадиган, шунингдек, тобора кўпайиб бораётган ички ёниш двигателларининг атмосферага чиқараётган газлар билан бевосита боғлиқ.

Кейинги 40 йилда бутун инсоният тарихидагидан кўра кўпроқ органик ёқилғи казиб олинди. Жорий юз йиллик ҳам бундан мустасно эмас. Бугунги кунда дунёда ёқилғидан фойдаланиш миқдори йилига 12 миллиард тонна нефть эквивалентини ташкил этади (тахминан бир кишига 2 тонна нефть эквиваленти). Органик ёқилғига бўлган талаб эса жадал суръатларда янада ортиб бораверади.

Агар энергетика билан таъминлашнинг қарор топган анъанавий усуллари ва иқтисодийнинг ҳозирги жадалликда ривожланиши, аҳоли сони кўпайишининг атроф-муҳитга салбий таъсири сақланиб қолса, энергетика ресурсларини истеъмол қилишни тегишли равишда оширишни талаб қилиши муқаррар. Экологик тоза энергетика технологиялари эса ҳозирча ушбу муаммони ҳал қилишга сезиларли даражада таъсир кўрсата олмаяпти.

5.2. Иқтисодий тармоқларини энергия билан таъминлашнинг ҳозирги ҳолати.

Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда барча турдаги энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, яъни уларни 6—8 фоиздан оширмалик механизми ишлаб чиқилган. Айни вақтда бу соҳаларнинг ишлаб чиқариш рентабеллигини сўзсиз таъминлаши керак.

Электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш. Иқтисодий тизимнинг рақобатдошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан бизнинг мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурсларидан қанчалик тежамли фойдалана олишимизга боғлиқдир.

Жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори сур'атларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Бу вазифани бажаришда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини кенгайтириш катта ўрин тутди. Ушбу дастур доирасидаги лойиҳалар ҳажмини 3—4 баробар кўпайтириш мўлжалланмоқда.

2008 йилда ишга туширилган ва ҳозирги кунда қурилаётган йирик ишлаб чиқариш иншоотлари қаторида Фарғона водийсини электр энергияси билан мунтазам таъминлаш имконини берадиган, узунлиги 165 километрлик Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси — "Ўзбекистон" юқори кучланишли электр узатиш линияси барпо этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сирдарё иссиқлик электр станциясини "Сўғдиёна" кучлантириш станцияси билан боғлайдиган, ўзур-Сурхон юқори кучланишли электр узатиш линиялари ва Тошкент шаҳри электр таъминоти объектлари лойиҳаларини амалга ошириш ишлари давом этирилмоқда.¹⁴

5.3. Электр энергияси таъминоти ва уни ривожлантириш йўллари.

Ўзбекистондаги электр станцияларининг умумий ўрнатилган қуввати 12,4 ГВт дан ошади. Тармоқ асосини "Ўзбекэнерго" давлат акционерлик компанияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва "Ўзкимёсаноат" бирлашмасига қарашли умумий қуввати 10,7 ГВт га эга 12 та иссиқлик электр станцияси ва умумий қуввати 1,7 ГВт га эга 31 та гидроэлектр станция ташкил этади.

Фойдали иш коэффициентлари 35 фоиздан ошмайдиган иссиқлик электр станциялари улушига мамлакатда ишлаб чиқарилаётган умумий электр энергиясининг (гидроэлектростанцияларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига қараб) 84-92 фоизи тўғри келади. Ўзбекистон иссиқлик электр станциялари учун табиий газ асосий ёқилғи тури ҳисобланади. 2002 йилда иссиқлик электр станциялари томонидан ишлатилган умумий ёқилғининг 84,7 фоизи табиий газ улушига, суюқ ёқилғи - мазут улушига 11,1 фоизи, кўмир улушига атиги 4,2 фоизи тўғри келади. , Мамлакатимизда 2015 йилда Тошкент иссиқлик электр станциясида 370 мегаватт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмаси барпо этилди, Чорвоқ ГЕСи гидрогенераторлари модернизатсия қилинди, Қўнғирот сода заводида калсийлаштирилган сода ишлаб чиқариш кенгайтирилди, «Самарқандкимё» аксиядорлик жамиятида 240 минг тонна қувватга эга бўлган мураккаб таркибли янги ўғитлар ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Шунингдек, «Мотор заводи» аксиядорлик жамиятининг фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонларида трактор тиркамалари, жумладан, катта ҳажмли тиркамалар, маиший техника учун таркибий қисмлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этилди.

5.4. Энергоресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари.

Бугун Ўзбекистоннинг айрим олис ва бориш қийин бўлган қарийб 1500 аҳоли пунктидан ташқари деярли ҳамма ҳудуди марказлаштирилган электр таъминоти билан таъминланган. Ишлаб чиқарилган электр энергиясини транспортировка қилиш ва тақсимлаш умумий узунлиги 230 минг километрдан зиёд 0,4-500 кВ кучланишга эга электр узатиш линиялари орқали амалга оширилмоқда.

Истиқлол йилларида республикада электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш бир мунча камайди ва 48-50 ГВт соат даражасида сақланиб турибди. Асосий электр энергия истеъмолчилари саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳисобланади. Сўнгги йилларда умумий фойдаланиш тармоқларида электр энергиясини йўқотиш мунтазам ортиб бораётгани кузатилмоқда ва бу йўқотишлар умумий истеъмол қилишнинг 17,7 фоизини ташкил этади.

¹⁴ И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари". Т., "Ўзбекистон", 2009, 15-17 б.

2001 йилгача мавжуд бўлган электр энергиясини марказлаштирилган бошқарув тизими электр энергиясини ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини ошириш бўйича тармоқ олдида турган вазифаларни ҳал қилиш имконини бермас эди. электр энергетика соҳасида электр ва иссиқлик энергияси ҳамда кўмир тармоғи учун назорат қилувчи орган сифатида “Ўздавэнергоназорат” давлат назорат агентлиги ташкил этилди ва кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўздавэнергоназорат” давлат инспекциясига айлантирилди.

2004 йилдан тармоқни ислоҳ қилишнинг янги босқичи бошланди. “Ўзбекэнерго” давлат акционерлик компанияси “Ўзэлектртармоқ” шўъба корхонасининг магистрал электр тармоқлари негизида электр энергиясини транспортировка қилиш бўйича бешта ҳудудий бўлим ташкил этилди.

Республика Ҳукумати томонидан 2015 йил учун тасдиқланган устувор вазифалар ўз вақтида ва сифатли рўёбга чиқарилишини таъминлаш борасида 2016 йилнинг I чорагида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси тарафидан режали иш олиб борилди:

- республика тармоқлари ва аҳолисини табиий газ, нефт маҳсулотлари ва нефт-газ соҳасининг бошқа маҳсулотлари билан таъминлаш, углеводород хом-ашёси захираларини кўпайтиришга қаратилган «Ўзбекнефтгаз» компаниясининг 2015 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг муҳим устувор йўналишларини сўзсиз рўёбга чиқариш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда;

- корхоналарни модернизациялаш, техникавий ва технологик жиҳатдан қайта усқуналаш, юксак қўшимча қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган 2015 йилга мўлжалланган Инвестицион дастур лойиҳаларини, маҳаллий хом-ашё базасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурини бажариш, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган шартномаларни бажариш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2010 йилдаги ПҚ-1446-сонли «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурини «Ўзбекнефтгаз» МХКда, жумладан, темир йўлларни таъмирлаш, ҳаракат таркибини янгилаш борасида бажариш бўйича ишлар давом эттирилди;

- қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка уй-жой қуриш дастурига мувофиқ қишлоқ массивларидаги якка уй-жойларда газ тармоқларини қуриш бўйича ишлар амалга оширилмоқда;

- янги, жумладан, касаначиликда ҳам иш жойларини яратиш бўйича иш олиб борилмоқда, соҳа корхоналарида касб-хунар коллежлари битирувчилари ишга жойлаштирилмоқда;

- Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилга мўлжалланган «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурига мувофиқ кекса кишиларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга оширишга доир тармоқ тадбирлари амалга оширилмоқда.

Асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларини бажариш яқунлари.

«Ўзбекнефтгаз» Компанияси томонидан 2015 йилнинг 1-чорагида геофизикавий тадқиқотлар натижаси бўйича 6 та тузилма қидирув бурғилашига тайёрланди (прогнозга нисбатан 100,0%), 4 та истиқболли майдонча чуқур қидирув

бурғилашга туширилди (200,0 %), кидирув-разведка бурғилаш ҳажми 100,0% га бажарилди; 7 та кидирув-разведка кудуғини қуриш якунланди (116,7%); геология-кидирув ишлари натижасида 1 та янги Арслон газ-конденсат кони очилди; прогнозга нисбатан табиий газ захиралари 100%га, нефт-конденсат захиралари 100%га кўпайди.

Компаниянинг нефтни қайта ишлаш заводлари томонидан нефт, конденсат, газойл, бевосита ҳайдалган бензин қайта ишланиб, автобензин, дизел ёқилғиси, авиакеросин, мазут, нефт битуми ва бошқа нефт маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Газни қайта ишлаш заводлари томонидан суюлтирилган газ, полиэтилен, олтингугурт ишлаб чиқарилган.

Тармоқ корхоналарининг молиявий аҳволи тўғрисида.

«Ўзбекнефтегз» Компанияси томонидан ваколатли идоралар билан биргаликда қарздорликни қисқартириш борасида жоиз бўлган барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

«Ўзбекэнерго» ДАК ва «Ўзкимёсаноат» ДАК олдидаги қарздорликлар асосан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги объектларини сақлаш учун ажратилаётган бюджет маблағлари, электр энергиясини муқобил етазиб бериш ҳисобига ўзаро ҳисоб-китоблар ҳамда Молия вазирлиги қошидаги Жамғарма транслари бўйича ажратилаётган маблағлар ҳисобига қопланмоқда. Қишлоқ хўжалик корхоналари бўйича қарздорлик, асосан, Молия вазирлиги қошидаги Жамғарма транслари бўйича ажратилаётган маблағлар ҳисобига қопланмоқда.

Навоий КМК ва «Тошшаҳартрансхизмат» Уюшмаси бўйича қарздорлик республика бюджетидан махсус мақсадли схемалар бўйича ажратилаётган маблағлар ҳисобига қопланмоқда.

Янги иш жойларини ҳамда касаначилик меҳнати иш жойларини яратиш.

Ҳисобот чораги мобайнида тармоқдаги корхоналарда 380 та (прогноздагидан 2,7 марта кўп) иш жойлари, жумладан, 4 та касаначилик меҳнати иш жойлари (прогнозга нисбатан 119,4%) яратилди.

Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш.

Ҳозирги пайтда «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси тизимида 125 минг нафар киши меҳнат қилмоқда.

Ёш мутахассислар И.М.Губкин номидаги Россиф давлат нефт ва газ университетининг Тошкентдаги филиалида, Тошкент давлат техника университетида, Тошкент кимё-технология институтида, Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтида, Бухоро муҳандислик-технология институтида, Тошкент давлат архитектура-қурилиш институтида, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида ва бошқа ўқув даргоҳларида тайёрланмоқда.

Ҳозирги кунда Филиалда нефт-газ тармоғининг устувор йўналишлари бўйича 649 нафар талаба таълим олмоқда. 2015 йилда 216 нафар ёш мухассисларнинг тўртинчи битируви бўлади. Барча битирувчилар ишга жойлаштириш учун тармоқ корхоналарида тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1667-сонли «Сургил конини ободонлаштириш ва унинг базаси асосида Устюрт газ-кимё комплексини қуриш» лойиҳасини молиялаштиришни ва қуриш ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, 2012/2013 ўқув йилидан бошлаб Тошкент кимё-технология институтининг Қўнғирот сода заводи қошидаги махсус сиртки бўлими базасида «Uz-Kor Gas Chemical» Ўзбекистон-Корея ўшма

корхонасининг талабномаси бўйича таълимнинг кундузги шаклида талабаларни ўқитиш бошланди. Ҳозирги пайтда бу ерда таълимнинг асосий 4 йўналиши бўйича 272 талаба (1-босқичда 94 та, 2-босқичда 95та, 3-босқичда 83та) таҳсил олмоқда.

5.5.Муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш йўллари.

Одатда қайта тикланадиган энергия манбалари катта аҳоли пункти, ташкилот ёки саноат корхонаси эҳтиёжларига жавоб берадиган катта ҳажмдаги энергияни мунтазам ишлаб чиқаришни таъминлай олмайди. Бу манбалар олис ва бориш қийин бўлган туманларда жойлашган объектлар учун кичик ҳажмдаги энергия ишлаб чиқаришни таъминлаши мумкин ёки анъанавий (қайта тикланмайдиган) энергия манбалари билан тўлдирилиши лозим.

Бундан ташқари кўплаб турдаги қайта тикланадиган энергия манбалари билан боғлиқ экологик сарф-харажатлар ҳам кўпайиб бораётганини эсдан чиқармаслигимиз керак. Электр энергия ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган турли қувватга эга қуёш фотоэлектр тизимлари ва шамол генераторлари ўрнатилган жойлар атрофида салбий омилларни камайтириш мақсадида уларни тўғри лойиҳалаштириш даркор. Водород энергетикаси эса, ҳозирча унчалик экологик тоза эмас, деб ҳисобланмоқда. Бироқ водород олиш жараёнларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бу вазиятни ижобий томонга ўзгартириши мумкин.

5.6.Энергетика инфратузилмасини такомиллаштириш йўналишлари. масалалари.

Давлат саноатнинг асосий тармоқлари, чунончи ёқилғи-энергетика мажмуи корхоналарига катта ёрдам берди. Бу борадаги давлат сиёсати энергетика стратегиясининг асосий йўналишларини амалга оширишга йўналтирилган бўлиб, қуйидагиларни назарда тутган эди:

нефть ва газ конденсатини қазиб олишни кўпайтириш орқали ёқилғи мустақиллигини таъминлаш;

энергетика тармоғининг ишончли хомашё базасини ташкил этиш;

аҳолининг табиий ва суюлтирилган газ, электр энергияси ва замонавий ёқилғи турларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

энергетика тармоғининг молиявий барқа-рорлигини сақлаш ва қўшимча сармоялар жалб этиш;

меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш, нарх белгилаш шартлари ва энергетиканинг бир-бирига яқин соҳалар билан муносабатини ҳисобга оладиган молия-солиқ тизимни такомиллаштириш;

энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

энергетикада мукамал бозор субъектлари ва бозор инфратузилмасини ташкил этиш орқали рақобат муҳитини босқичма-босқич шакллантириш.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. Иқтисодиётни ривожланишида ёқилғи-энергетиканинг роли.

5. Электр энергия узатиш линиялари?



6. Электр энергия ишлаб чиқарувчи ва уни экспорт қилувчи корхоналар?



Қайдлар учун



энергияси таъминоти хизматлари кўрсатилди. Бунинг натижасида мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш фаолиятининг ривожини ва узлуксизлигини таъминлади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015-2019 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисидаги ПҚ-2313 сонли қарори

Ишлаб чиқариш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларининг республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини истиқболда ривожлантириш борасида амалга оширилаётган дастурлар билан узвий боғлиқ ҳолда илдам ривожланишини таъминлаш ҳамда бунинг негизида янги иш жойларини яратиш, аҳолининг бандлигини ва турмуш даражасини узлуксиз ўсиб боришини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар 2015 — 2019 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

хорижий ва ички молиялаштириш манбаларини, замонавий технологияларни жалб этиш кўламини кенгайтириш, қурилиш ва индустриал ишлаб чиқариш комплексларини янгилаш асосида транспорт коммуникациялари, замонавий телекоммуникация тизимлари, муҳандислик инфратузилмаси объектларини комплекс равишда ва илдам ривожлантириш ҳамда қуриш;

республиканинг барча минтақаларини пухта бирлаштирадиган ягона миллий автомобиль транспорт тизимини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш, Ўзбекистон миллий магистрალი таркибига қирадиган, халқаро стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган, замонавий цемент-бетон ва асфальт-бетон қопламалар билан таъминланган тўрт полосали йўл участкаларини қуриш ва реконструкция қилишни кенгайтириш, Қамчиқ довонидан ўтадиган автомобиль йўллари реконструкция қилиш;

республиканинг темир йўл транспортини жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш, темир йўллар реконструкциясини амалга ошириш, Тошкент-Самарқанд юқори тезликдаги темир йўл линиясини жиҳозлаш ҳамда ишга тушириш, Бухоро ва Қарши шаҳарларигача бўлган темир йўл участкаларини электрлаштириш, ҳаракатдаги темир йўл таркибининг замонавий юқори унумли локомотивлар, юк ташувчи ва йўловчиларга мўлжалланган вагонлар билан янгилаш;

ҳаво кемалари паркинни дунёнинг етакчи Боинг ва Аэрбас авиакомпанияларининг замонавий, ҳар жиҳатдан қулай ва тежамли самолётлари билан тубдан янгилаш ҳисобига авиацияда ташишнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш, Тошкент шаҳри ва республиканинг вилоят марказларида аэропортлар қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда унинг негизида транзитни ҳам ҳисобга олганда юк ташиш ҳажмларини ошириш, авиацияда йўловчилар ташиш даражасини ҳамда сифатини ошириш, асосийси эса — уларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

замонавий телекоммуникация тармоқлари ва иншоотларини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, уяли алоқа ҳамда маълумотларни кенг йўлакли узатиш тармоқларини кенгайтириш, республика минтақаларида рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтиш;

транспортда юк ташишни ташкиллаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган, кўп мақсадли

замонавий самарадор транспорт-транзит инфратузилмасини яратиш, ҳар хил транспорт турлари - автомобиль, темир йўл ва авиация транспорти томонидан транспорт хизмати кўрсатишда туташликни таъминлаш, Ангрен шаҳридаги ва Навоий шаҳри аэропорти негизидаги логистика интермодаль марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва фаолият юритиш самарадорлигини ошириш;

ҳалқаро транспорт коммуникацияларига қисқа йўллар билан чиқишни ва транзит юк ташиш кўпайишини, минтақавий ҳамда дунё бозорларига чиқишни кенгайтиришни, экспорт салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва миллий маҳсулотларни сотиш бозорларини кенгайтиришни таъминлайдиган янги транспорт йўлакларини шакллантириш;

миллий автомагистрал ёқаси ва темир йўллар бўйлаб инфратузилма ва сервис объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, автомобиль ва темир йўл магистралларида қатновчилар учун ҳалқаро стандартларга жавоб берадиган шарт-шароитларни яратиш, бунинг негизида янги иш жойларини шакллантириш ҳамда аҳолининг бандлигини ошириш;

Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш учун қўшимча замонавий йўл-қурилиш техникасининг ўз вақтида харид қилинишини таъминлаш, йўл қурилишида замонавий қурилиш технологияларини, ускуналар ҳамда сифатли материалларни қўллаш;

республика минтақаларида, айниқса қишлоқ жойларда, муҳандислик-коммуникация тармоқларини — сув таъминоти, канализация, электрлаштириш тизимлари ва бошқаларни қуриш, модернизация ва реконструкция қилишни кенгайтириш, бунинг негизида аҳолини ва хўжалик юритувчи субъектларни сув ва электр энергияси билан таъминлаш даражаси ҳамда сифатини ошириш, шаҳарларда ва аҳоли пунктларида санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш;

хомашё, материаллар ва энергия ресурсларидан тежамкор фойдаланишни таъминлайдиган, энергия ҳамда ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни қўллаш йўли билан ишлаб чиқариш инфратузилмаси, транспорт ва коммуникация объектларини қуриш ва фойдаланишда ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда таннархини изчил пасайтириб бориш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 августдаги Р-3475-сон фармойиши билан тузилган Ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Ўзавтойўл» ДАК, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «2015 — 2019 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Дастур (кейинги ўринларда-Дастур) маъқуллансин, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

2015 — 2019 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш Дастурининг асосий мақсадли кўрсаткичлари.

Ўзбекистон миллий автомагистрални таркибига кирувчи автомобиль йўллари участкаларини қуриш ва реконструкция қилишнинг мақсадли параметрлари 2-иловага келтирилган.

6.2. Транспорт инфратузилмасининг иқтисодий кўрсаткичлари.

Транспорт тизими ишлаб чиқариш инфратузилмаси учун юк ташишда, ижтимоий инфратузилма учун эса йўловчи ташиш муҳим аҳамият касб этади. Транспорт инфратузилмасини иқтисодий кўрсаткичлари куйидагилардан иборат:

- йўл тармоғининг узунлиги;
- транспорт инфратузилмасида банд бўлганлар сони;
- йўловчи ва юк ташиш айланмаси.

Ўзбекистонда ЯИМ таркибида транспорт улуши 2005 йил 9,6 фоиздан 2015 йил 11,6 фоизга етди.

Транспорт инфратузилмаси ривожланишида илмий техника тараққиёти муҳим аҳамиятга эга. Натижада, транспортнинг янги турлари пайдо бўлди ва ҳаракатланиш тезлиги ортди. Энг муҳим жиҳатлардан бири транспорт сиғими ва юк ташиш имкони ортди.

Транспорт-коммуникация тармоқларининг инсон танасини кон билан таъминлайдиган ҳаётбахш томирларга ўхшатилиши бежиз эмас, албатта.

Бугунги кунда юксак тараққий топган замонавий мамлакатни иқтисодиёт ривожини, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг ҳаётий фаолиятини таъминлайдиган магистрал коммуникацияларнинг кенг тармоғисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Барчамиз, аввало, вилоят ва ҳудудий тузилмалар раҳбарлари транспорт ва коммуникация, биринчи навбатда, йўл қурилиши соҳаси, шунингдек, ижтимоий ва ободонлаштириш ишлари кўп меҳнат талаб этадиган ва айни вақтда яхши ҳақ тўланадиган, аҳолини иш билан таъминлаш имконини берадиган тармоқлар эканини доимо ёдимизда тутишимиз зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли равишда боғлайдиган, минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбек миллий автомагистрали таркибига қирадиган йўллارни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини жадал амалга ошириш биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда 2012 йилда 517 километрлик автомобил йўллари, иккита йирик транспорт боғламаси, 544 погон-метр кўприк ва йўл ўтказгичларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Республика йўл жамғармасидан 360 миллион АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги, ўтган йилга нисбатан 12,5 фоиз кўп маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда.

Ўзбек миллий автомагистралини модернизация қилиш нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун улкан стратегик аҳамиятга эга эканини инобатга олган ҳолда, ушбу лойиҳани амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Араб Мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари сингари халқаро молия тузилмалари фаол иштирок этмоқда.

Мазкур ташкилотлар томонидан 742 километрлик автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, йўл қурилиши бўйича замонавий техника сотиб олиш учун

1 миллиард 400 миллион долларга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди.

Фақат 2012 йилнинг ўзида ушбу мақсадлар учун 109 миллион доллар миқдоридagi маблағни ўзлаштириш, 165 километр цементбетон қопламали йўллارни фойдаланишга топшириш, жумладан, Қамчиқ довони орқали ўтадиган йўлни реконструкция қилиш мўлжалланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ажратиладиган маблағларни самарали ўзлаштириш ҳамда автомобил йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш юзасидан

белгиланган кўрсаткичларни сўзсиз бажариш бўйича амалий чоралар кўриш вазифаси топширилади.

6.3. Темир йўл траснпорти тизими ва унинг иқтисодиётдаги роли.

Темир йўл тизими Ўзбекистонда нисбатан яхши ривожланган. Унинг ижобий томонлари йўловчи ва юк ташиш имкони кўплиги, нисбатан кам харж эканлигидир.

Темир йўл тармоқларини қуришни давом еттириш ҳам биз учун катта аҳамият касб этади. Жорий йилда янги Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўл линиясида ободонлаштириш ишларини ниҳоясига етказиш зарур.

Дехқонобод калий ўғитлари заводининг қайта ишлаш комплексига олиб борадиган янги темир йўл тармоғини барпо этиш, Жиззах – Янгиер йўналиши бўйича электрлаштирилган икки йўлли линия ва Янгиер – Фарҳод йўналиши бўйича электрлаштирилган бир йўлли линия қурилиши юзасидан кўзда тутилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

Темир йул инфраструктураси: ҳаракатланишнинг ўртача тезлигини 20 км/соатга ошириш, эксплуатация харажатларини 40% қисқартириш, поезд оғирлигини 40% ошириш, юкларни етказиб бериш муддатини ўртача 2 соатга қисқартириш.

Темир йўл транспорти: имтиёз ва имкониятлар

Темир йўл транспорти иқтисодиётнинг асосий қон томири ҳисобланади. Дунё океанига чиқадиган денгиз йўлларида олисда жойлашган, халқаро транзит йўлларида четда бўлган Ўзбекистон учун бу транспорт тури янада муҳим аҳамиятга эга. Шунинг ҳисобга олиб, истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Юртбошимиз томонидан мамлакатнинг яхлит ва ягона темир йўл тизимини яратиш ғояси илгари сурилиб, соҳа инфратузилмасини замон талаблари даражасида шакллантириш, халқаро андозаларга мослаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугун Ўзбекистоннинг 4 минг километрдан зиёд узунликдаги асосий темир йўллари халқаро талабларга тўла жавоб беради. Айни вақтда мамлакатимизда юк ташишнинг қарийб 70 фоизи, экспорт ва импорт учун юк ташиш умумий ҳажмининг эса 80 фоизи темир йўл ҳиссасига тўғри келмоқда. Соҳанинг мамлакатимиз тараққиётидаги ўрни, фуқароларимиз турмушидаги аҳамиятидан келиб чиқиб, журналимизнинг ушбу рукни «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК фаолияти билан боғлиқ саволларга мутахассисларнинг жавоблари асосида тайёрланди.

Темир йўл қатновларининг турлари

– Темир йўл қатновларининг қандай турлари мавжуд?

– «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасида темир йўл қатновларининг қуйидаги турлари кўзда тутилган:

– ички қатновлар – юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини Ўзбекистон доирасида ташиш;

– халқаро қатновлар – юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини Ўзбекистон ва бошқа давлатлар ўртасида ташиш;

– тўғри аралаш қатновлар – юкларни ягона транспорт ҳужжати бўйича транспортнинг ҳар хил турларида ташиш. Тўғри аралаш қатновлар ҳам ички, ҳам халқаро бўлиши мумкин.

Алоҳида муҳим давлат эҳтиёжларини, шу жумладан, муҳофаа эҳтиёжларини қондириш учун юкларнинг махсус турлари ташилишини таъминловчи ташишлар махсус ташишлар жумласига киради.

Ташувчининг мажбуриятлари

– Қонунчиликда темир йўл транспорти хизматини тақдим этувчи корхоналарга қандай мажбуриятлар юкланган?

– «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига биноан темир йўл транспорти корхоналари йўловчилар, багаж, юк багажининг ўз вақтида манзилига етказилишини, вокзалларда ва поездларда йўловчилар хавфсизлигини, уларга хизмат кўрсатиш учун зарур қулайлик ва шароитлар яратилишини, багаж ва юк багажининг сақланишини таъминлаши шарт.

Йўловчилар поездларнинг жўнаш ва келиш вақти, йўл ҳақи, багаж, юк багажи ташиш ҳақи, вокзалхоналарда жойлашган темир йўл чиптаси кассалари, сақлаш камераларининг иш вақти, йўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида вақтида ишончли ахборот билан, шунингдек, темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларининг иши тўғрисидаги бошқа зарур ахборот билан таъминланишлари керак.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 апрелдаги 109-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш қоидаларининг 18-бандида ташувчи темир йўл транспорти хизматидан фойдаланувчилар (йўловчи, юк жўнатувчи, юк қабул қилувчи)ни қуйидаги ахборотларни ўз ичига олган маълумотлар билан ўз вақтида ва ишончли таъминлаши шартлиги белгилаб қўйилган:

- а) иш ва хизматлар рўйхати, уларнинг қиймати;
- б) йўловчи ташиш поездларининг жўнаш ва келиш вақтлари;
- в) йўловчи чиптасининг тўлиқ қиймати, ортиқча қўл юкини ташиш, шунингдек, багаж ва юк багажини ташиш қийматлари;
- г) чипталарни сотиш муддатлари;
- д) йўловчи ташиш поездларида ташиш тақиқланган ва чегараланган хавфли моддалар ва буюмлар рўйхати;
- е) чипта ва багаж кассалари, товар идоралари, юк сақлаш хоналарининг иш вақти;
- ж) йўналиш бўйича бориш йўлида қайта ортишсиз багажни кўзда тутилган станцияга етиб келиш вақти;
- з) вокзал хоналари, темир йўл станциялари умумий фойдаланиш жойлари, қўл юкини тарозида бепул тортиш жойларининг жойлашиши;
- и) узоқ муддат дам олиш хоналари ҳамда она ва бола хоналарида жой бериш тартиби;
- к) қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар ва афзалликлар бериладиган фуқаролар тоифалари рўйхати;
- л) мажбурий ва ихтиёрий суғурталаш тартиби;
- м) юқори даражадаги қулайлик вагонларида ҳаракатланиш учун чиптанинг тўлиқ қийматига қиравчи қўшимча ишлар ва хизматлар рўйхати;
- н) даъволарни қабул қилишга ваколатланган ташувчи раҳбариятининг номи ва юридик манзили.

Кўрсатилган маълумотлар йўловчилар, багаж, юк багаж жўнатувчилар ва қабул қилувчилар, юк жўнатувчилар, юк қабул қилувчиларга темир йўл станциялари, темир йўл вокзаллари, поездлар ва бошқа хизмат кўрсатиш жойларида давлат тилида, шунингдек, маҳаллий аҳоли манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бошқа тилларда ҳам тақдим қилиниши мумкин (қулай ва кўринарли

жойларда), бундай шароит бўлмаган тақдирда, фойдаланувчиларнинг биринчи талабига биноан тақдим қилиниши керак.

Ушбу ишларни ташкил этиш учун автоматлаштирилган тизимлар, турли хилдаги информация ташувчилар, бепул маълумотлар бюроси, баланд сўзлашувчи алоқа ва йўловчиларни хабардор қилишнинг бошқа воситаларидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш қоидаларининг 234-бандида ташувчининг йўловчилар, багаж ва юк багаж ташишлари бўйича мажбуриятларини бажармагани ёки зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда жавоб бериши белгилаб қўйилган.

Имтиёзга эга шахслар

– Темир йўл транспортдан фойдаланишда имтиёзга эга шахслар ҳақида маълумот берсангиз.

– Темир йўл транспортдан фойдаланишда имтиёзга эга шахсларнинг ҳуқуқлари МДХ давлатлари раҳбарларининг 1993 йил 12 мартдаги «Ноғиронлар ва Улуғ ватан уруши қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахсларнинг имтиёзли юриш ҳуқуқларини ўзаро тан олиш тўғрисида»ги битими, Ўзбекистоннинг қонунлари, давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ўқувчилари ва талабаларининг ҳар йилги қишки таътили тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 апрелдаги 109-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш қоидаларига кўра қуйидаги шахсларга темир йўлларда йилига бир марта бепул юриш ҳуқуқи (бориш ва келишга) берилган:

– Совет иттифоқи қаҳрамонлари ва «Шуҳрат» орденининг учта даражаси билан тақдирланган шахсларга (МДХ бўйлаб бориш-келиш);

– ярадор бўлган ҳарбий хизматчилар, ишчилар ва хизматчилардан 1- ва 2-гуруҳ уруш ноғиронлари ва уларга тенглаштирилган шахсларга (МДХ доирасида бориш-келиш);

– Чернобиль АЭСдаги авария бартараф этган-ноғиронларга (Ўзбекистон ҳудудида).

Темир йўлларда чиптанинг тўлиқ қийматидан эллик фоиз чегирмалар билан йилига бир марта юриш ҳуқуқи (бориш ва келишга) талонларга алмаштириш ва гувоҳнома тақдим этиш бўйича қуйидагиларга берилган:

– 3-гуруҳ уруш ноғиронларига;

– уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга (МДХ доирасида).

6.4. Автомобиль транспорти тизими.

Республиканинг табиий-географик жойлашувидан келиб чиқиб автомобил транспорти энг яхши ривожланган транспорт тури ҳисобланади. Жумладан, республикада ташиладиган юкнинг 85 фоизга яқини темир йўл орқали ташилди. Йўловчи ташишда 96 фоиздан ортиғи автомобиллар орқали ташилди. Бу эса бошқа транспорт турларини етарли даражада ривожланманлигин намоён қиладию

Мамлакатимизда жaxon андозаларига мос келадиган турли ишноотлар мажмуасини яратиш буйича кенг куламдаги ишлар амалга оширилмокда. Президентимиз И.А.Каримов давлатимиз мустикаллигинг дастлабки йиларидаёк жaxon бозорига чикишнинг, ташки дунё билан савдо-иктисодий алокаларни ривожлантиришга ахамият берди. Шу жумладан транспорт иншоотларини – автомобил йўлларини, кўприк ва тоннелларни, аэропорт ва аэродромларни куриш ва қайта тамирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмокда. Ушбу дастур янги йўналишлардаги автомобиль йўлларини куриш, қайта тамирлаш ва унга кўйиладиган талабларни камраб олган.

М-37 “Самарканд – Бухора - Туркманбоши” автомобиль йулидан 10км узунликдаги автомобил йўлини реконструкция ишчи лойихасини ишлаб чикиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1446-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг 23 сентябр 2011 йилдаги 5/1-320 сонли баёни, ҳамда Республика йўл жамғармаси томонидан 2012 йил 30-январда тузилган шартнома ҳисобланади.

Йўллар элларни, халқларни бир-бирига яқинлаштиради, ўзаро дўстлик, ҳамжихатлик, тотувлик деб аталмиш ришталарни янада кучайтиришга хизмат қилади. Биз XXI асрни қарши олаётган бир даврда йўллар ҳам айнан мана шу замон талабларига жавоб бера оладиган кенг, текис, шинам бўлмоғи керак. Қолаверса, мана шу заминда умргузаронлик қилаётган заҳматкаш халқ ҳам ўз меҳнатининг самарасидан баҳра олмағи лозим. Бугун мамлакатимизда тор ва ўнқир-чўнқир йўллар ўрнини кенг ва ҳар томонлама замон талабларига жавоб бера оладиган йўллар эгалламокда. Демокчи бўлганимиз, ўнқир-чўнқир йўлларнинг фақатгина халқ хотирасида қолиб кетиши учун юртимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмокда. Мақсадга ўтадиган бўлсак, кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан транспорт коммуникация тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмокда.

Ўтган йиллар давомида магистрал йўллар куриш, хорижий давлатлар билан транспорт алоқаларини йўлга кўйиш, йўл хўжалигида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш, бугунги кун талабига жавоб бера оладиган мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишдек кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, юртимиз йўлларини Трансевропа ҳамда Евроосиё йўлларига кўшиш орқали дунё портларига чикиш борасида дадил қадамлар ташланди. Ўзбекистонда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари техник кўрсаткичлар буйича МДХ давлатлари ўртасида етакчи ўринга чиқиб олди.

Соҳа ходимлари автомобиль йўлларида транспорт ҳаракатини тўхтатмаган ҳолда, қисқа муддатларда йирик йўл ўтказкичлар, маҳобатли кўприклар, кўпқаторли замонавий магистраллар куришни ўзлаштирди. Сўнгги йилларда Германия, Италия, Швеция, Россия каби йўл курилиши соҳасида етакчи ҳисобланган давлатлардан халқаро талабларга жавоб бера оладиган техника ва жиҳозлар харид қилинди. Натижада тармоқ ривожланиб, йўллар равонлиги ва автоуловларнинг узлуксиз ҳамда хавф-хатарсиз ҳаракатини таъминлашга эришилмокда. Бу эса ўз навбатида ҳайдовчилар билан бир қаторда йўловчиларга ҳам қатор кулайликлар яратмокда. Уларнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлаяпти, вақти ва маблағи тежалмокда. Мисол учун “Тошкент-Ўш” йўлининг “Қамчиқ” ва “Резак” давонларидан ўтган тоннеллар миллионлаб кишиларнинг

пойтахтимизга келиб-кетиши билан боғлиқ сарф-харажатларни камайтириб, ортиқча масофа ва йўл азобига чек қўйди.

Яқин ўтган тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йилнинг 28 октябрда имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги қарорига асосан жами 284 км, шундан “Ўзбек миллий автомагистрали” объектларида 269 км узунликдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ишлари режалаштирилган эди. Режага мувофиқ “Ўзавтойўл” ДАК корхоналари томонидан 174 км (шундан, 159 км Ўзбек миллий автомагистрали таркибидаги магистрал йўллар) автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиши белгиланганди. Компания ходимлари ўз олдларига қўйилган мақсадни астойдил бажаришга киришдилар ва 2010 йилда 253 км автомобиль йўли реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Келгусида эса яна қанчадан-қанча режаларнинг амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Биргина Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 апрелдаги “2009-2014 йилларда Ўзбек миллий автомагистраллини ривожлантириш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори билан 5 йиллик Дастур тасдиқланди.

Дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзавтойўл” компанияси тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар томонидан 2009 йилда Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирувчи халқаро ва давлат ахамиятидаги автомобиль йўлларида жами 74 км масофада асфальт бетон қопламалар ётқизилди, 138 км масофада эса 1-тоифали тупроқ кўтармасини барпо этиш ишлари бажарилди.

Бундан ташқари, мазкур Дастурга қўшимча равишда 2010 йилнинг 21 декабридаги ПҚ-1446-сонли “2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникациялар қурилиши инфратузилмасини ривожланишини янада жадаллаштириш тўғрисида”ги қарор билан 2015 йилгача бўлган яна бир 5 йиллик Дастур тасдиқланди.

6.5. Ҳаво транспорти тизими ва уни ривожлантириш йўллари.

Навоий аэропорти базасида эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш, шунингдек, Навоий шаҳрида янги барпо этилган аэродромни халқаро оператор – Кореянинг «Кореан Эйр» компанияси бошқарувига бэриш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши туфайли олдимизда катта истиқболлар очилади.

Ҳаво транспорти ҳам асосан давлатга қарашли. Хусусий сектор эса юк ташишда, ички ва денгиз кемачилигида асосий ўринни тутди.

«Авиа транспорт хақида тушунча ва уларни ташкил қилиш»

- “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” МАКси Републикамиз Президенти И.Каримов Фармонида биноан 28 январ 1992йил ташкил этилди.
- Ўзбекистоннинг авиаташуви ҳаво трассалари 1100дан ва умумий узунлиги 100000км ташкил этади.Ҳаво транспорти давлатлар ва халқлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланишига ёрдам беради. Самолётларимиз 75 давлатнинг 90 пунктларига парвозини амалга оширади.

«Авиа транспорт хақида тушунча ва уларни ташкил қилиш»

- Ҳаво транспортини асосий қатнашчилари:
 - Ҳукумат ва авиацион маъмурият;
 - Авиакомпания ва авиакорхоналар;
 - Аэропортлар;

- Турфирмалар, агентликлар;
- Юк жўнатувчи фирмалар
- Аэропортларни хамкор ташкилотлари(ёқилғи, озиқ-овқат, транспорт, мехмонхона ва хк.);

Асосий мақсадларидан – фуқаро авиациясини хавфсиз ва тартибли ривожланиши; йўловчиларни доимий, сама-рали, фойдали транспорт билан таъминлаш; халқаро авианавигацияда учуш хавфсизлиги.

Халқаро ташувлар 150дан ортиқ давлатларни ўз ичига олади.

Авиа транспортнинг асосий хизмат турлари

Бу хизмат турларига йўловчиларни ташуви хамда юклар ташуви киради.

-аэропортларда хизмат кўрсатиш;

- биринчи, бизнес ва эконоом класс йўлов-чилари учун учуш даврида хар хил дастурлар (фильмлар, радиоканаллар) мавжуд
- хамда хизмат курсатишнинг мухим омилларидан бири овқатлантириш ташкил этилади;

юк ташишда – тезкорлик, аниқлик ва сифат

Ўзбекиснонда авиа хизматларнинг таҳлили”

- Охирги етти йил кўрсаткичлари:

- Йўловчи айланмаси - 19%га купайиб 4618,9 млн. йўловчини ташкил этди;
- Юк ташишлар 28377,5 т. хосил қилди;

Умумий динамикани кўрадиган бўлсак йўловчи айланмасида, юклар айланмасида, ўриндиклар бандлигида ва тижо-ратга оид бандликда йилданйилга хал-қаро ташишлар купайб бормоқда.

Халқаро йўловчилар авиаташуви 12 октябр 1929 йилда имзоланган Варшава конвен-цияси «Халқаро ҳаво ташувларни унифи-кациялашуви учун асосий коидалар Келишуви» орқали юритилади. 1955 ва 1975 йилларда ўзгартириш ва кўшимчалар киритилган ва шу билан бир қаторда IATA ва ICAO ташкилотларида ишлаб чиқилган қоида ва нормативлари хам қўлланилмоқда.

Самолёт парки

- Boeing 757-200
- Boeing 767-300-ER
- A 310-300
- A 320
- RJ85
- IL114 -100
- IL 76-TD

6.6. Шаҳарларда траснпорт инфратузилмасини такомиллаштириш

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси, яъни транспорт, алоқа тизими кабилар иқтисодиётнинг энг мухим секторларидан биридир. Бошқа аксарият тармоқлардан фарқли равишда, ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасида давлат раҳбарларининг устунлиги яққол сезилиб туради.

Хусусан, дунёдаги кўпчилик мамлакатларда асосий темир йўллар давлатникидир. Айрим жойлардаги хусусий темир йўллар эса иккинчи даражали аҳамиятга ега. Йўловчи ташувчи шаҳар транспортининг деярли ҳаммаси давлат қарамоғидадир. Ҳаво транспорти хам асосан давлатга қарашли. Хусусий сектор эса юк ташишда, ички ва денгиз кемачилигида асосий ўринни тутди.

3. Транспорт инфраструктурасининг иқтисодий кўрсаткичлари?

4. Темир йўл траснпорти тизими ва унинг иқтисодиётдаги роли?

5. Автомобиль транспорти тизими.

харажатлар улушини камайтиради,бу эса,албатта,маҳсулотлар ва бутун иқтисодиёт рақобатбардошлиги ошишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Шуларни инобатга олиб, республикамиз ҳукумати автомобиль йўллари сифатини янада ошириш, автотрассалар тармоғини қабул қилинган миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ уларни реконструкция қилиш, модернизациялаш ва янги автомобиль йўллари қурилишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ҳар йили автойўл ҳўжалигини ривожлантириш учун давлат бюджетидан катта миқдордаги инвестициялар йўналтирилмоқда. Автойўл ҳўжалигини ривожлантириш учун давлат томонидан ажратилаётган йирик миқдордаги сармоялар улардан самарали фойдаланишни назарда тутди. Бу биринчи навбатда, бутун тармоқ ва унинг алоҳида кичик тизимларини ривожлантиришнинг бошқарув жиҳатлари билан боғлиқ бўлиб, машина паркинни турли хилдаги замонавий ю.ори технологик жи.озлар асосида

янгилаш кабилардан иборатдир.

Автойўл тармоғи ривожланиши бутун иқтисодиёт,хусусан, транспорт тармоғи ривожланишининг ички ва ташқи омилларига боғлиқдир. Ривожланишнинг ташқи омиллари жумласига глобаллашув жараёнлари, транспорт оқимларидаги ва улар хусусиятларидаги туб силжишлар билан боғлиқ ҳолатларни киритиш мумкин. Минтақавий автомобиль магистралларининг ягона транспорт тармоғига босқичма – босқич интеграциялашуви бунга асос бўлиб хизмат қилади.

Халқаро автомагистрал ва ягона миллий автомобиль транспорт тизимини яратиш.

Миллий автомагистрал ёқаси ва темир йўллар бўйлаб инфратузилма ва сервис объектларини ташкил этиш ва такомиллаштириш.

7.3. Транспорт ва юк ташиш тизимида йўл инфратузилмасининг роли

Автомобиль транспорти – денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш йўлларида узокда жойлашган республикамиз иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назарда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2010 йил якунларига бағишланган Вазирлар Ма.камаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек: «...Ўзбекистон миллий автомагистралли таркибига кирадиган автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ўзаро ишончли боғлайдиган ягона миллий автомобиль транспорт тизимини ташкил этиш лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлашга биринчи даражали аҳамият қаратилиши лозим»¹⁵.

Ушбу таклифлар амалга оширилиши автойўл ҳўжалигини ривожлантириш, уни ресурслар билан қўллаб -қувватлаш, янги автомобиль йўллари тармоқларини лойиҳалаштириш ва уларни шакллантириш мониторинги, амалдаги автомагистралларни реконструкция қилиш моделини шакллантириш йўналишлари билан боғлиқ бўлиб,унинг амалга оширилиши самарали ахборот таъминоти билан қўллаб -қувватланиши лозим. Йўл қурилиши ишларини амалга оширишда янги самарали техникалардан, маркетинг йўли билан бош.ариш усулидан фойдаланиш чегаралари кенгайиши, автомагистраллар қурилиши молиявий имкониятлари кенгайиши билан бевосита боғлиқ бўлади. Улар молиялашнинг янги самарали йўналишларидан ҳамда янги йўл инфратузилмасини шакллантиришда хусусий секторнинг фаоллигидан фойдаланиш билан шартланган.

¹⁵ 2015 йил 6 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2313-сонли қарори

2015 йил 6 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2313-сонли қарори қабул қилинди. Ўзавтойўл давлат-акциядорлик компанияси ахборот хизмати хабар бермоқда.

Ушбу Қарор асосида 2015-2019 йилларда “Ўзбек миллий автомагистрали” таркибига кирувчи республикадаги автомобил йўллари қисмлари ва умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда йўл ташкилотларининг ишлаб чиқариш базаларини техник ривожлантириш чоратadbирларининг манзилли рўйхати тасдиқланган.

1) Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2015-2019 йиллар давомида “Ўзбек миллий автомагистрали” таркибига кирувчи, умумий ҳисобда 1227,8 км узунликдаги автомобил йўллари ва ундаги транспорт ечимлари, кўприклар ва йўл ўтказгичларни қуриш ва реконструкция кўзда тутилган. Кўрсаткичлар йиллар кесимида қуйидагича:

- 2015 йилда – 204,6 км;
- 2016 йилда – 257,8 км;
- 2017 йилда – 213,5 км;
- 2018 йилда – 277,9 км;
- 2019 йилда – 274,0 км.

2) Бундан ташқари Халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан ҳам юқоридаги таснифдаги, яъни “Ўзбек миллий автомагистрали” таркибига кирувчи автомобил йўллари қисмларини ва ундаги транспорт ечимлари, кўприклар ва йўл ўтказгичларнинг 1172,5 км қисмида қурилиш ва реконструкция олиб борилиши белгиланган. Бу умумий кўрсаткич йиллар бўйича қуйидагича:

- 2015 йилда – 156,5 км;
- 2016 йилда – 191,0 км;
- 2017 йилда – 258,0 км;
- 2018 йилда – 303,0 км;
- 2019 йилда – 264,0 км.

3) Республика йўл жамғармаси ва Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан ҳам 299,5 км узунликдаги йўлларда қуриш ва реконструкция қилиш ишлари ҳам белгилаб берилган бўлиб, бу миқдорни йиллар кесимида қуйидагича амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

- 2015 йилда – 15,2 км;
- 2016 йилда – 64,1 км;
- 2017 йилда – 90,3 км;
- 2018 йилда – 71,9 км;
- 2019 йилда – 58,0 км дир.

Шунингдек, қарорда умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари жорий таъмирлаш ва сақлаш мақсадлари учун жами 993 дона, шундан: 2015 йилда – 150 дона, 2016-2018 йиллар давомида ҳар бир йилда 200 донадан, 2019 йилга бориб эса – 243 дона жихозлар ва йўл-қурилиш техникаларини харид қилиш белгилаб берилган.

Юқоридагилардан ташқари, 2016 йилдан то 2019 йилга қадар “Ўзавтойўл” ДАК таркибига кирувчи саноат корхоналари учун жами бўлиб - 28 жамланмада асфалт-бетон, тсемент-бетон заводлари, бетон қориштириш ускуналари, тош майдалаш ва саралаш линиялари ҳамда бошқа техникаларни харид қилиш, шу йўл билан ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, Президент томонидан имзоланган мазкур ҳужжат мамлакатимиздаги автомобил йўллари қуриш ва уларни жаҳон андозаларига янада яқинлаштириш учун улкан имкониятлар эшигини очади.

7.4. Халқаро автомагистрал ва ягона миллий автомобиль транспорт тизимини яратиш

Ўзбекистонда автомобиль йўллари ривожлантиришга нафақат ички ёки ташқи юклар ташишни кенгайтириш, балки, бутун автомобиль йўли бўйлаб хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини барпо этиш орқали аҳоли бандлиги ва улар даромадларини оширишнинг яна бир манбаси сифатида қаралади. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов ўз маърузаларида ишлаб чиқариш инфратузилмаларини, айниқса, автомобиль йўллари қуришни ривожлантириш янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим манбаси эканлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Ўзбекистонда 2011-2015 йиллар давомида йўл инфратузилмасида қуйидаги объектларни қуриш ва ривожлантириш кўзда тутилган. Жумладан:

- Кемпинглар;
- Кичик меҳмонхоналар;
- Ёнилғи қуйиш ва газ тўлдирувчи шоҳобчалар;
- Техник ва тиббий ёрдам шоҳобчалари;
- Автомобилларни қисқа муддатга тўхтатиш майдонлари;
- Йўл четидаги туризм инфратузилма объектлари.

Айрим ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб янги жойлаштирилган 271 та хизмат кўрсатиш инфратузилма объектларида (биринчи вариант) 2011 -2015 йилларда 906 та олий ва ўрта малакали мутахассислар, жами ишчилар билан 2070 киши талаб этилади. Талаб этиладиган мутахассисларнинг 12 -15 фоизи иш ташкил этувчи – бошқарувчи менежерлари бўлиб, қолганлари касбий ихтисосликка эга мутахассислар бўлиши лозим.

2010 йилнинг 21 декабридаги ПҚ-1446-сонли “2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникациялар қурилиши инфратузилмасини ривожланишини янада жадаллаштириш тўғрисида”ги қарор билан 2015 йилгача бўлган яна бир 5 йиллик Дастур тасдиқланди.

Ушбу муҳим Дастур нафақат Ўзбек миллий автомагистралларини ривожлантиришни ва республиканинг барча минтақаларини ишончли автомобиль транспорти алоқасини таъминловчи тўрт тасмали цементобетон ва асфальтобетон қопламалар билан қуришни, балки уни транспортнинг бошқа турлари, жумладан темир йўл, ҳаво транспортининг ривожланишига мутаносиблигини, бу эса

коммуникация тизимларининг бир бутунликда ҳаракат қилишини таъминловчи омил эканлигини белгилаб берди.

Дастурнинг ижросини таъминлаш учун 2011 йилда жами 302 км узунликдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш белгиланган бўлиб, ҳозирда жойларда 127 км асфальтобетон қопламали йўл ва 175 км цемент бетон қопламали йўллар қурилиши бошлаб юборилди.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, Ўзбек миллий автомагистрали таркибидаги кичик автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ҳам 2011-2015 йилларга мўлжалланган мақсадли дастурига киритилди ва беш йилда жами 2306 км. узунликдаги магистрал автомобиль йўлини халқаро меъёр ва замонавий талаблар асосида янгидан қуриш режаси ишлаб чиқилди. Демак режага кўра, йўлнинг 1410 километри икки тўрт тасмали қилиб (шундан 474 км цементобетон, 648 км асфальтобетон қоплама билан), 288 километри эса икки тасмали (асфальтли бетон қоплама билан) қурилади. Бундан ташқари, ушбу автомагистралда 1910 п.м. кўприк ва йўл ўтказгичлар, 7 та жойда транспорт боғланмалари мажмуи яъни узеллари барпо этилади.

Режани йўналишлар бўйича кўрадиган бўлсак, у асосан қуйидаги йўналишларга бўлинади.

1. Бейнов–Қўнғирот–Бухоро–Навоий–Самарқанд–Тошкент–Андижон йўналишида 1008 км автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш;

2. Бухоро–Қарши–Ғузор–Термиз йўналиши бўйича 190 километрлик йўлни қуриш ва реконструкция қилиш;

3. Самарқанд–Ғузор йўналиши бўйича 73 километрлик йўлни қайта қуриш ва реконструкция қилиш;

4. “Камчиқ” довони бўйича;

А-373 “Тошкент–Ўш” автомобиль йўлининг 108-208- километрларида 100 километрлик йўлни қайта қуриш ва реконструкция қилиш, 1442 дона қор кўчкисидан муҳофазаловчи металл тўсиқлар ўрнатиш, шунингдек довондаги Камчиқ ва Резак тоннелларнинг ёритиш, шамоллатиш ҳамда ёнғинни ўчириш тизимларини модернизация қилиш; Маълумот ўрнида айтиш мумкики бу ишларнинг аксариятини 2011 йилда бажариш кўзда тутилган.

5. Тошкент айланма йўлини қуриш бўйича;

4Р1 Тошкент халқа автомобиль йўлининг 63-километридан бошланиб 4Р12 автомобиль йўлининг 1-километрига қадар Сирғали туманини 22 километрлик айланиб ўтиш йўлини қуриш ва таъмирлаш Дастур бўйича 2015 йилда тугалланади;

6. 4Р161 “Ургенч–Чолиш–Беруний” автомобиль йўлининг Амударё билан кесишган жойида қурилаётган 680 п.метрлик кўприк 2012 йилда қуриб фойдаланишга топширилади;

7. М-37 “Самарқанд – Бухора - Туркманбоши” автомобиль йулидан 10км узунликдаги автомобил йўлини реконструкция ишчи лойиҳасини 2012 йилда қурилиб фойдаланишга топширилди;

8. Бейнов–Қўнғирот–Бухоро–Навоий–Самарқанд–Тошкент–Андижон йўналишидан 548 км, Бухоро–Олот йўналишидан 59 км, Бухоро–Қарши– Ғузор–Термиз йўналишидан 256 километр, Самарқанд–Ғузор йўналишидан 33 километр, жами – 896 километрлик Ўзбек миллий автомагистраллари таркибига кирувчи автомобиль йўлларининг қопламалари ва геометрик ўлчамлари транспорт ўқиға

тушадиган 10 тонналик оғирлик меъёрий бирликдан 13 тонналик оғирлик бирлигига ўтказилади.

Шунингдек, мазкур қарорнинг 3-иловасидаги 2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникациялар инфратузилмасини кенг қамровли ривожлантириш мақсадли кўрсаткичларига мувофиқ беш йилда тенг миқдорларда “Ўзавтойўл” давлат акциядорлик компанияси йўл қурилиш техникаларини янгилаш бўйича жами 444 та йўл қурилиш ва сақлаш техникалари (17 та - соатига 100 тонна асфальтобетон қоришмасини ишлаб чиқарувчи ускуна, 127 та зичлагич механизмлар, 8 та йўл фрезаси, 51 та автогрейдер, 52 та эксковатор, 33 та автогудронатор, 156 та автомобиль йўлларини сақлаш бўйича машина ва механизмлар) ажратилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари компания тизимидаги 24 та корхонанинг ишлаб чиқариш ва саноат базаларини модернизация қилиш кўзда тутилган. Бу эса тизимнинг ривожланиши ва самарали фаолият кўрсатишини янада яхшилайдди.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати - унинг 4-иловасида кўрсатилган 2011 - 2015 йилларда Ўзбек миллий автомагистрали бўйлаб йўл ёқаси инфраструктураси ва сервисини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари бўлиб, унга кўра 2011-2015 йилларда йўл ёқасида жами - 240 та объект, яъни, 19 жойда кемпинг, 18 жойда мотель, 36 жойда кўпёнилғили автомобилларни ёқилғи билан таъминловчи шахобчалар, 49 жойда автогаз тўлдирувчи компрессорли станциялар, 78 жойда авария чакирув ва тез тиббий ёрдам хизмати пункти, 31 жойда санитар гигиена шарт-шароитларига эга бўлган автомобилларнинг қисқа тўхташ майдончалари ва 9 жойда туризмнинг барча хизмат турларини ўз ичига оладиган объектлар қурилади.

Бугунги кунда, автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси меҳнат жамоалари томонидан 42654 км. узунликдаги умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларини сақлаш ва таъмирлаш ишларини бажарган ҳолда, автомобиль йўлларининг транспорт оқимиغا хизмат кўрсатиш даражасини мунтазам равишда ошириб келмоқдалар.

2011 йилнинг ўтган 6 ойи давомида компания таркибидаги корхона ва ташкилотлар томонидан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида автотранспорт воситаларининг доимий равишда узлуксиз ҳаракатланиши таъминланди, ҳамда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари бўйича жами 51,9 млрд.сўмлик ишлар амалга оширилди.

2011 йил Инвестиция дастурига асосан “Ўзбек миллий автомагистрали” объектларида Компаниянинг корхона ва ташкилотлари томонидан жами 127 км узунликдаги асфальтобетон қопламали ва 13 км узунликдаги цементобетон қопламали автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш белгиланган бўлиб, ўтган 6 ой давомида жами 107,7 млрд.сўмлик йўл ишлари бажарилишига эришилди, ҳамда Компания томонидан 55 км. узунликдаги халқаро аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари тўлиқ реконструкция қилинди ва фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1446-сонли қарорига мувофиқ, 2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини жадаллаштириш дастурига асосан компания корхона ва ташкилотлари томонидан жорий йилнинг январь-июнь ойларида 75,4 млрд.сўмлик йўл ишлари бажарилди ҳамда ярим йиллик шартномавий мажбуриятга нисбатан амалга оширилган ишлар 107,0 фоизни ташкил этди.

Мазкур ишларни бажарилишида Компания томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастуридан келиб чиқиб, жорий йилнинг январь-июнь ойларида амалга оширилган йўл қурилиши ишларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари кенг жалб қилинмоқда ва уларни ушбу соҳада кенг фаолият юритиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилганлиги натижасида кичик бизнес вакиллари билан бир қатор шартномалар имзоланди.

Ўз навбатида, юқоридаги йўл ишларини бажарилиши натижасида жорий йилнинг январь-июнь ойларида компания корхона ва ташкилотлари томонидан жами 614 та янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, соҳада йўл қурилиши ва таъмирлаш ишлари кўламининг ошиши билан бир қаторда тизимдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан йўл ва кўприklar қурилиши учун зарур бўлган материал ва конструкцияларни ишлаб чиқариш цехлари модернизация қилиниб, маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари оширилди ҳамда бугунги кунда пудратчи корхоналар учун етарли миқдорда маҳсулотлар билан таъминлаб келмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 6 ойлиги мобайнида компания тизимидаги саноат ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қиёсий нархларда 115,0 фоизга ортиқ, яъни 660,5 минг тн асфальтобетон маҳсулотлари ва 41,8 минг м³ темир бетон конструкциялари ва жиҳозлари ишлаб чиқарилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-1455-сонли қарори асосида “Ўзавтойўл” ДАК корхона ва ташкилотлари томонидан 2011 йилнинг январь-июнь ойларида жами 107,7 млрд.сўмлик йўл ишлари бажарилди, ҳамда ушбу кўрсаткич 2011 йилнинг январь-июнь ойлари шартномавий мажбуриятига нисбатан 104,8 фоизни ташкил қилди. Хусусан, халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллари бўйича:

- М-37 “Самарканд – Бухора – Туркманбоши ” автомобиль йўлининг 116-126 км қисмида 25,1 млрд.сўмлик;
- А-373 “Тошкент – Ўш” автомобиль йўлининг Қўқон шаҳрини айланиб ўтиш қисмида 14,3 млрд.сўмлик;
- М-39 “Алмати – Бишкек – Тошкент – Термиз” автомобиль йўлининг 1240-1330 км қисмида 8,2 млрд.сўмлик йўл ишлари бажарилишига эришилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 мартдаги “2011 йилда халқаро аҳамиятга ва давлат аҳамиятига эга бўлган умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари таъмирлаш дастурлари тўғрисида”ги 78-сонли қарори бўйича “Ўзавтойўл” ДАК корхона ва ташкилотлари томонидан 2011 йилнинг январь-июнь ойларида 26,2 млрд.сўмлик йўл ишлари (шартномавий мажбуриятга нисбатан 101,0 %) бажарилди. Жумладан, объектлар бўйича:

- 4Р40 “Даштобод ш. – Зомин ш. – Бахмал к. – Ғаллаорол ш.” автомобиль йўлининг 17,5-23,5 км қисмида 2,2 млрд.сўмлик;
- 4Р112 “Фарғона халқа йўли” автомобиль йўлининг 82-89 ва 304-310 км қисмида 9,5 млрд.сўмлик;
- 4Р46 “Самарқанд – Жума – Каттақўрғон” автомобиль йўлининг 0-5,2 км қисмида 2,6 млрд.сўмлик мукамал таъмирлаш ишлари бажарилди.

Бундан ташқари, маҳаллий аҳамиятдаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари таъмирлаш бўйича жами 1,3 млрд.сўмлик ички хўжалик

йўллари таъмирлаш, шаҳар кўчаларини таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари бўйича 4,5 млрд.сўмлик йўл ишлари бажарилди.

Компания томонидан республикадаги барча йўл хўжаликларида мунтазам иш олиб бориш эвазига, 2011 йилнинг ўтган 6 оyi мобайнида умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари ривожлантириш ва такомиллаштириш, йўл маблағларини самарадорлигини ошириш, хорижий техника ва технологияларни йўл хўжалиги фаолиятига кенг жорий этиш, ходимларни тайёрлаш, маҳаллий ашёларни сифатини оширган ҳолда йўлларни сақлаш ва таъмирлаш ишларида қўллаш каби барча йўналишларда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча ўсишга эришилди.

2012 йилда энг муҳим устувор вазифалардан бири транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлиб қолади.

Транспорт-коммуникация тармоқларининг инсон танасини кон билан таъминлайдиган ҳаётбахш томирларга ўхшатилиши бежиз эмас, албатта.

Бугунги кунда юксак тараққий топган замонавий мамлакатни иқтисодиёт ривожини, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг ҳаётий фаолиятини таъминлайдиган магистрал коммуникацияларнинг кенг тармоғисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Барчамиз, аввало, вилоят ва ҳудудий тузилмалар раҳбарлари транспорт ва коммуникация, биринчи навбатда, йўл қурилиши соҳаси, шунингдек, ижтимоий ва ободонлаштириш ишлари кўп меҳнат талаб этадиган ва айни вақтда яхши ҳақ тўланадиган, аҳолини иш билан таъминлаш имконини берадиган тармоқлар эканини доимо ёдимизда тутишимиз зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли равишда боғлайдиган, минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбек миллий автомагистрали таркибига қирадиган йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини жадал амалга ошириш биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ишчи лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2009йил 20-январь ПҚ-1041-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009-2014 йилларда “Ўзбек миллий автомагистралларини қуриш, реконструкция қилишни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1103-сонли қарорида кўзда тутилган техник мукамал, технологик амалга оширила оладиган ва иқтисодий асосланган лойиҳа ечимлари, қабул қилинган.

Асосланган лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиш мақсадида тегишли муҳандислик-қидирув ишлари, керакли қурилиш материаллари ва конструкциялари, маҳаллий материаллардан устувор фойдаланишни таъминлайдиган материалларни олиниш манбалари, талаб қилинадиган машина-механизмлар ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаб ишнинг туридан келиб чиқиб қурилиш ишларини ташкил қилиш, устама харажатлар ва бошқалар, шу жумладан атроф-муҳитни ҳимоялаш учун тегишли маълумот ва материалларни ўрганиб лойиҳа ечимлари амалга оширилган.

Амалга оширилиши мўлжалланаётган йўл қурилишининг экологик талабларга мувофиқлигини, атроф муҳитнинг ҳолатига ва фуқаролар соғлигига зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган экологик хавфлилик даражасини, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг етарлилиги ва асослилигини ўз ичига олган Атроф-муҳитга таъсир ҳақидаги баёотнома (ЗВОС) ишлаб чиқилган.

Ишчи лойиҳани ишлаб чиқишда геодезик ишлар, камерал қайта ишлаш, лойиҳалаш замонавий электрон асбоб-ускуналар, махсус компьютер дастурларида бажарилди, жумладан Leica электрон тахеометри, Trimble M3 электрон тахеометри, CREDO CAD автомобил йўллари лойиҳалаш компьютер программаси, ABC 4PC смета ҳисоблаш компьютер дастури, AutoCAD 2007, CorelDRAW 12 каби график дастурий таъминотлар қўлланилган.

Ишчи лойиҳани ишлаб чиқувчилари, Республика йўл жамғармаси ва "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компаниясига, "Ўзавтойўл" ДАК ва Республика йўл жамғармасининг ҳамкорликдаги илмий-техник кенгашига ушбу ишчи лойиҳани ишлаб чиқишда амалий ёрдам кўрсатганлари учун миннатдорчилик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2010 й. ПК-1446-сон қарорига халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган, Ўзбекистон миллий автомагистрالي таркибига кирувчи II тоифали тўрт йўлак халқаро автомобил йўллари қуриш ҳамда реконструкция қилиш йўли билан республиканинг барча минтақаларини ишончли бирлаштирадиган ягона миллий транспорт тизимини яратиш, унинг негизида автотранспортда юк ташиш хажмларини кўпайтириш ва самарадорлигини ошириш, янги иш жойларини шакллантириш ҳамда аҳолининг бандлиги оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика йўл жамғармаси ва "Ўзавтойўл" ДАК томонидан ишлаб чиқилган 2009 - 2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантиришнинг қуйидагиларни ўз ичига оладиган параметрлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2010 й. ПК-1446-сон қарорига мувофиқ.

2009 - 2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистрالي таркибига кирувчи автомобил йўллари участкаларини қуриш ва реконструкция қилиш дастури 1-иловага мувофиқ;

"Ўзбекистон миллий автомагистрالي" лойиҳасини амалга оширишнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари комплекси 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

2009 - 2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистралини ривожлантириш бўйича тасдиқланган параметрлар тўлиқ ҳажмда ҳамда белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ижрочи директори ва "Ўзавтойўл" ДАК раиси зиммасига юклансин.

2. Қуйидагилар: Ўзбекистон миллий автомагистрالي таркибига кирувчи автомобил йўллари участкаларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича буюртмачи этиб - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси;

Ўзбекистон миллий автомагистрالي таркибига кирувчи автомобил йўллари участкаларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича зарур ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳаловчи ташкилот этиб - "Йўл лойиҳа бюроси" МЧЖ лойиҳа институти;

Ўзбекистон миллий автомагистрالي таркибига кирувчи ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардан

Ўтадиган автомобил йўллари участкаларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича бош пудрат ташкилотлари этиб - "Ўзавтойўл" ДАКнинг тегишли худудий бўлинмалари белгилансин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ халқаро ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган автомобил йўллари участкалари бўйича бош пудрат ташкилоти тузилган халқаро шартномага мувофиқ танлов асосида аникланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташки иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда: уч ой муддатда Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш лойиҳаси амалга оширилишини жадаллаштириш учун халқаро молия институтларининг маблағларини, ушбу маблағларни фақат цемент-бетон қопламали участкалар қурилишига мақсадли йўналтирган ҳолда жалб этиш масалаларини ишлаб чиқсин;

6 тўпладан иборат ихтисослаштирилган мобил асфалт-бетон комплексларини Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараккиёт жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ресурсларидан 5 йил давомида тўланадиган кредит маблағлари ҳисобига 2010 йилнинг биринчи чорагида етказиб берилишини ҳисобга олган ҳолда уларни харид қилиш бўйича белгиланган тартибда тендер савдоларим ўтказилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташки иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги хар йили Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда Ўзбекистон миллий автомагистрالي таркибига кирувчи автомобил йўллари қуриш ва реконструкция қилиш объектлари мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ белгиланган тартибда Инвестиция дастурига киритилишини таъминласин.

5. "Давархитектқурилиш" кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Иктисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, "Ўзавтойўл" ДАК ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда 2009 йил 1 августгача мотеллар ва кемпинглар, АЁКШ, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари ҳамда бошқа объектларнинг ягона меъморий кифасини ҳисобга олган ҳолда, аниқ инвесторларни ва уларни молиялаштириш манбаларини белгилаш билан уларнинг комплекс қурилишини назарда тутувчи

Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш дастури лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. "Давархитектқурилиш" кўмитаси 2009 - 2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш лойиҳасини амалга оширишнинг бутун даври ичида бажарилаётган йўл-қурилиш ишлари, шунингдек халқаро ва миллий талабларга мувофиқ даражада қўлланадиган қурилиш материаллари сифати устидан тизимли назорат ўрнатсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

2012 йилда энг муҳим устувор вазифалардан бири транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлиб қолади.

Транспорт-коммуникация тармоқларининг инсон танасини қон билан таъминлайдиган ҳаётбахш томирларга ўхшатилиши бежиз эмас, албатта.

Бугунги кунда юксак тараққий топган замонавий мамлакатни иқтисодиёт ривожини, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг ҳаётий фаолиятини таъминлайдиган магистрал коммуникацияларнинг кенг тармоғисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Барчамиз, аввало, вилоят ва ҳудудий тузилмалар раҳбарлари транспорт ва коммуникация, биринчи навбатда, йўл қурилиши соҳаси, шунингдек, ижтимоий ва ободонлаштириш ишлари кўп меҳнат талаб этадиган ва айни вақтда яхши ҳақ тўланадиган, аҳолини иш билан таъминлаш имконини берадиган тармоқлар эканини доимо ёдимизда тутишимиз зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли равишда боғлайдиган, минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбек миллий автомагистрალი таркибига қиладиган йўللарни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини жадал амалга ошириш биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда 2012 йилда 517 километрлик автомобил йўллари, иккита йирик транспорт боғламаси, 544 погон-метр кўприк ва йўл ўтказгичларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш мўлжалланмокда. Бунинг учун Республика йўл жамғармасидан 360 миллион АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги, ўтган йилга нисбатан 12,5 фоиз кўп маблағ йўналтириш режалаштирилмокда.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. Йўл инфратузилмасининг моҳияти ва асосий тушунчалари?

Blank area for answer to question 1, with horizontal lines for writing.

2. Инфратузилманинг таркибий қисмлари ҳақида тушунча?

Blank area for answer to question 2, with horizontal lines for writing.

Коммуникация (лотинча communicatio – алоқа, боғланиш) – хабар бериш ва алоқа, ахборот алмашинув бўйича боғланиш воситалари мажмуи. Телекоммуникация – симли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланиб сигнал, белги, матн, тасвир ва товушларни ёки бошқа кўринишдаги ахборотни узатиш, қабул қилиш ва унга ишлов бериш жараёни.

Телекоммуникацион инфратузилма – компаниянинг телекоммуникацион инфратузилмаси – бу турли ахборотларни: автоматлашган бошқарув тизимлари маълумотлари, интернет-графика, турли файллар ҳамда «овоз» ва видео кўринишидаги ахборотларни узатиш вазифасини ҳал қилувчи ўзаро алоқадор тизимчалар мажмуи.

Ахборот коммуникация технологиялари - хусусий, умумий ва ишлаб чиқариш коммуникациясида ахборотлар тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш билан боғлиқ бўлган бъектлар, ҳаракатлар ва қоидалар, шунингдек барча технологиялар ҳамда санаб ўтилган жараёнларни бирлашган равишда таъминловчи соҳалар мажмуаси.

Телекоммуникация тизими – алоқа воситалари, алоқа линиялари, модемлар, тармоқ аппарат таъминоти.

Телекоммуникация тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда қайта қуриш уларнинг эгалари томонидан ўз маблағлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Умумдават вазифаларини ҳал қилишга мўлжалланган телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда қайта қуриш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молиялаштириладиган ривожлантириш миллий дастурлари асосида амалга оширилади.

Телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда қайта қуриш лойиҳаларини амалга оширишда қатнашувчи юридик шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиққа оид ва бошқа имтиёзлар берилиши мумкин.

(16-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-314-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2011 й., 52-сон, 557-модда)

Шаҳарлар, шаҳарчалар ва бошқа аҳоли пунктлари, турар-жой районлари ва мажмуалари, алоҳида бинолар ва иншоотларни лойиҳалаш ҳамда ривожлантириш пайтида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари белгиланган нормативларга мувофиқ телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун бинолар ёки алоҳида хоналар қуришни назарда тутишлари керак.

Юридик шахслар бинолар ва телекоммуникация иншоотларини шу мақсад учун берилган ер участкаларида белгиланган тартибда барпо этишга, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг томларига (таянчлар, кўприклар, коллекторлар, ер ости йўллари ва бошқа иншоотларга) ушбу ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари (эгалари, ижарачилари) билан келишилган ҳолда телекоммуникациялар воситаларини ўрнатиш ва хизмат кўрсатишга ҳақлидирлар.

(16-модданинг бешинчи қисми).

7.2. Ахборот инфратузилмасининг ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили.

Ахборот одамлар ўртасида узатиладиган маълумотлар ҳисобланиб, кейинги вақтда ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқариш учун, ҳамда яшаш шароитларини, иқтисодий тараққиёт даражасини белгилашда катта аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Ахборот инфратузилмаси – мамлакат ахборот фазосининг ривожланиши ва ўзаро фаолиятини таъминловчи тизимчалар, ташкилий таъминловчи тизимчалар, ташкилий таркиблар мажмуи.

АКТ тушунчасига микроэлектроника, компьютер ва дастурий таъминот, телекоммуникациялар ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш, Интернетдан эркин фойдаланишни таъминлаш, Интернетнинг ахборот ресурсларини таъминлаш, шунингдек санаб ўтилган соҳалар билан боғлиқ бўлган турли хил ҳодисалар ва бу фаолият соҳаларини тартибга солувчи қоидалар (расмийлари каби норасмийлари ҳам) киради.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан бошлаб ижтимоий-иқтисодий ривожланиб, халқаро интеграцияга кўшилмоқда. Жамиятимизнинг турли соҳаларида ривожланиш кетаётганлиги учун ахборотлар алмашуви масаласи туғилди.

Инсоният ишлаб чиқариш жараёнида тартибсиз механик операциялардан тартибли бошқарув операциялари томон жадал ҳаракатланмоқда. Электрон офислар ҳар хил ахборотлаштириш воситалари билан таъминланган. Инсоннинг иш жойи ўзгармоқда.

Маълумотларнинг электрон шакли ҳаётнинг барча жабхаларида инсон фаолияти характерини ўзгартирмоқда.

Ахборот технологияси ва унинг аппарат дастурий таъминотининг ривожланиши, офисда иш уринларининг эволюцион ва информатсион туйинишига шароит яратади.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда ахборот инфратузилмаси жадаллик билан ўсиб бораёпти. Ҳозирда ахборот коомуникацияларида мутлақ телефон, уяли алоқа, интернет, шу соҳада фаолият юритувчи компаниялар фаолияти такомиллашиб бормоқда. Замонавий ахборот технологиялари интерактив давлат хизматларини кўрсатишнинг муҳим омилдир

Бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жамият ва давлат бошқаруви фаолиятининг барча соҳаларига кенг жорий этиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, фуқароларнинг ахборот олишга доир конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, “электрон ҳукумат” тизимини жадал татбиқ этиш, телекоммуникация инфратузилмаси, маълумотларни узатиш тармоқларини модернизация қилиш борасида мамлакатимиз барча ҳудудида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 4 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Бинобарин, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ, ахборот-коммуникация технологияларини ҳар томонлама раванқ топтириш, унинг ҳуқуқий-ташкилий ҳамда моддий-техник базасини изчил такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаёпти. Ахборот-коммуникация технологиялари замонамиз учун долзарблигига монанд суръатда бошқа соҳаларга нисбатан жадал

ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу хизматлар ҳажми сўнгги беш йилда 3,3 баробар, ўтган йили эса 24,5 фоиз ўсгани бунинг амалий тасдиғидир. Айниқса, “электрон ҳукумат” тизимининг изчил ривожланаётгани ахборот тизимлари ва ахборот муносабатлари субъектлари хавфсизлигининг ташкилий-ҳукукий асосларини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

7.3. Уяли алоқа инфратузилмаси.

Уяли алоқ энг тез ривожланаётган АКТ тармоқларидан бири ҳисобланади. Буни биз уяли алоқ абонентлари сонидан ҳам билса бўлади. Масалан, 2002 йил якунлари бўйича мобил алоқа абонентлари сони 186,8 минг кишини, уларнинг аҳоли сонига улуши 0,7 фоизни ташкил этган. 2008 йилга келиб эса уяли алоқа абонентлари сони 9 млн. га етди, уларнинг аҳоли сонига улуши 33,2 фоизни ташкил этган. Ҳозирда (2012 йил) уяли алоқа абонентлари сони 25 млн. дан ортиқни ташкил этади.

Бунинг асосий сабаларидан бири уяли алоқа компаниялари ўртасида рақобат кескинлашганидир. Бугунги кунда уяли алоқа компаниялари инфратузилмани такомиллаштириш орқали кўшимча хизматлар тармоғини кенгайтириш ва сифатни яхшилаш ва шу орқали кўпроқ абонентларни жалб қилишга интилоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги қарор қилади:

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йил 1 февралдаги 2-ю, 7-сон қарори (рўйхат рақами 2329, 2012 йил 21 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги

7.4. Интернет хизматлари ва маълумотлар узатиш тармоқлари тизими.

Фойдаланувчилар учун халқаро ахборот тармоқлари, шу жумладан, Интернетдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш учун йўлдошли ва ер усти рақамли каналлардан фойдаланган ҳолда тўғридан тўғри алоқа ўрнатилган. Интернет тармоғига уланишни таъминловчи халқаро каналларнинг ўтказувчанлик лаёқати 2006 йил 143 Мбит/с дан 2011 йил 640 Мбит/с га етказилди.

Каналларнинг ўтказувчанлик лаёқати кўпайиши ва операторлар ҳамда провайдерларнинг сони ортиши баробарида, Интернет тармоғига коммунтацияланган ва кенг тармоқли фойдаланиш тизими абонентлари жадал суръатлар билан ортиб бормоқда. Кенг тармоқли фойдаланиш абонентларининг умумий сони ҳам тез ортиб бормоқда.

2012 йил 1-чораги якунларига кўра интернет хизматларидан фойдаланувчи абонентлар сони 9 млн. дан ортиб кетди.

Аҳолининг кенг қатламига Интернет тармоғидаги ўз саҳифаларини жойлаштиришга ёрдам бериш мақсадида, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан UZINFOCOM маркази ва UZ ҳудудидаги домен номлари регистраторлари билан ҳамкорликда бир қанча акциялар ўтказилди.

Тажриба доирасида фойдаланиш натижаларига кўра, Давлат радиочастоталар комиссияси томонидан республикада WiMAX технологияси бўйича кенг тармоқли

симсиз фойдаланиш тармоқларини ривожлантириш мақсадида бир қатор операторларга частоталар тармоғи ажратиб берилган эди. Бу катта ҳудудни қамраб олиш билан бирга симсиз тармоқларни яратиш имконини беради (50 километргача), бунда маълумотларни узатиш тезлиги 32 дан 135 Мбит/с гача миқдорни ташкил этади.

7.5. Республикада АКТ ривожлантириш йўналишлари.

Ўзбекистон алоқа тизими ўз ичига почта, телефон, телеграф, радио ва телевидение, интернет ва матбуот тарқатиш соҳаларини олади. Соҳа миллий хўжалик ва ижтимоий инфратузилманинг таркибий қисми бўлиб, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг доимийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Республикамизнинг алоқа мазмуаси шунингдек, уяли, электр ва космик йўлдошлар орқали алоқа тизимини ҳам қамрайди.

Алоқа корхоналари учун муҳандислар асосан 5 ихтисослик бўйича Тошкент Ахборот технологиялари университети ва унинг Термиз филиалида, техниклар Тошкент алоқа коллежида ва Нукус политехникумининг алоқа бўлимида тайёрланади.

Маълумки, биз замонавий компьютер ва телекоммуникация тизимлари ҳамда технологияларини янада ривожлантиришга ғоят муҳим эътибор қаратмоқдамиз.

2011 йилда замонавий кенг форматли ва оптик технологияларни жорий этиш асосида телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш, 950 километрдан ортиқ оптик толали алоқа тармоғини фойдаланишга топшириш, вилоятлар марказларига маълумотлар узатишнинг транспорт тармоғини кенгайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

Кўзда тутилган ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан интернетнинг халқаро тармоқларига чиқиш имкониятлари тезлигини 4 баробар ошириш, турғун стационар алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар сонини 3 миллиондан 3,5 миллион нафарга кўпайтириш, кенг форматли телекоммуникация тармоқларидан фойдаланувчилар сонини эса икки баробар ошириб, 100 мингтага етказиш лозим.

Уяли алоқа воситаси тарихига бир назар Уяли алоқа воситасини яратиш фикри, биринчи бўлиб, 1946 йили Америкадаги AT&T Bell Labs компаниясида туғилган эди. Ўшанда бу фирма радиозатгич ёрдамида ишловчи дастлабки телефонни яратган эди. Лекин бу воситадан фойдаланиш жуда мураккаб бўлиб, кўнғироқ қилувчи аввал марказий станцияга уланиб, фалон рақамни улаб беринг, деб илтимос қилиши лозим эди. Бундан ташқари, бир вақтнинг ўзида ҳам тинглаб, ҳам эшитиш имкони йўқ, алоқа ҳозирги рацияларнинг услубида эди. Кейинроқ мазкур корхона ҳар бир телефон учун алоҳида станция ўйлаб топди. Аммо бу станциянинг оғирлиги 40 кг эди. Уни автоулови бор одам орқа ўриндикқа ўрнатиб, гўшакни олд ўриндикқа қўйиб оларди. 40-йилларнинг охирига келиб Швециядаги Телеваркет компанияси ўзининг икки ходимига оддий телефон жиҳозлари каби ишлайдиган, аммо, кўтариб юрса бўладиган жиҳоз ўйлаб топишни топширади. Бу топшириқ, кўп ўтмай, 1950 йилнинг 3 декабрида амалга ошади. Унга МТА (А мобил телефон тизими) деб ном берилади ва 1956 йил сотувга чиқарилади. Аммо, бу жиҳоз ҳам 35 кг оғирликда бўлиб, автоуловга муҳтож эди. 1973 йилга келиб Американинг Моторола компанияси ҳажми ва оғирлиги

жиҳатидан анчагина ихчам жиҳоз яратишга муваффақ бўлди. Бу энг илк мобил телефон эди. Унга Dyna-Tac деб ном беришди. Унинг узунлиги 25, эни 15, қалинлиги 5 см, оғирлиги 1 кг, 12 та тугмачали эди. Унинг электр озуқаси 35 дақиқага етар, аммо, бунинг учун 10 соат озуқа олиши керак эди. 1983 йилга келиб AMPS стандартидаги биринчи оммавий уяли телефон юзага келди. Бу билан ҳозирги авлод уяли алоқа тарихининг энг илк саҳифаси очилган эди.

Кейин эса бу майдон ўта ҳам кенгайиб, яшин тезлигида ривожланиб кетди. Ҳозирга келиб, 6,5 миллиарддан ортиқ инсониятнинг таркибида 2 миллиарддан ортиқ мижоз бор.

7.6. АКТ хизматлари фойдаланиш имкониятлари ва йўллари кенгайтириш.

Ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларини жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда “Электрон таълим” миллий тармоғини барпо этишни ниҳоясига етказиш ҳамда 2011 йилда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юр்தларини, кейинчалик эса академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ягона компьютер ахборот тармоғига улашни таъминлаш вазифаси юклатилади.

2015 йилгача мамлакатимизнинг барча ҳудудларида рақамли телевидениега ўтишни таъминлаш бўйича комплекс дастурнинг амалга оширилиши биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ушбу лойиҳа доирасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига 2011 йилда Нукус, Урганч, Андижон ва Қарши шаҳарлари телемарказларида замонавий рақамли узатиш ускуналарини ўрнатиш, аҳолини рақамли форматдаги теледастурлар трансляцияси билан қамраб олишни 23 фоиздан 37 фоизга ошириш, шунингдек, “Навоий” эркин индустриал-иктисодий зонасида рақамли телевидение учун махсус мосламалар ишлаб чиқариш қувватини 50 минг донага етказиш вазифаси топширилади.

2011 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг медиамарказини Япония ва Германиянинг етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган энг замонавий мултимедиа техникаси билан жиҳозлаб, фойдаланишга топширишни таъминлаш зарур.

Бу давлат ташкилотлари ҳамда фуқаролар ўртасидаги алоқа бўлиб, унда давлат хизматларидан тез ва қулай таъминланади. Бундай хизматлар доирасига маълумотномаларни олиш, гувоҳнома ва рухсатномаларни расмийлаштириш, шахс ҳаётига оид юридик муҳим кунларни рўйхатдан ўтказиш киради. Фуқароларга Давлат хизматларини барчасини кўрсатиш интернет орқали базадаги бир ёки ундан ортиқ маълумотлар орқали амалга оширилади. Портал ёрдамида фуқаролар қулай ва эришиб бўладиган шаклда ҳукумат фаолияти ҳақида маълумот олишлари, шунингдек, ўз фикр ҳамда мулоҳазаларини билдиришлари, фуқаролик ва жамоатчилик бурчларини бажаришлари, сайловларда қатнашишлари мумкин.

Мустақилликка эришгандан буён Ўзбекистоннинг ички сиёсати ўз ривожланиш моделига эга бўлди. Ўзига хос бу модел жаҳон ҳамжамиятида юқори баҳоланиб, мамлакатимиз нуфузини мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Мамлакатимизнинг ички сиёсати асосан Конституция, “Ички сиёсий фаолият концепсияси”, “Халқаро шартномалар ҳақида” ва бошқа кўплаб ҳуқуқий-норматив ҳужжатларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг нутқларига таянади. Ўзбекистон ички сиёсатининг асосий вазифаси демократик жамият қуриш, миллий хавфсизликни таъминлаш, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз нуфузини ошириш, миллий иқтисодимиз барқарорлигини таъминлаш ҳамда мамлакатимизни ривожланган мамлакатлар қаторига кўшишдан иборат. Ўзбекистон ҳар доим тинчлик ва барқарорлик тарафдори бўлган ва ички сиёсатимизнинг асосий ва бош тамойилига мувофиқ баҳсли мунозараларга қуч ишлатмаган, ўзга мамлакатларга тажовуз қилмаган ҳолда ечимни топадиган мамлакат бўлиб қолади. Мамлакатимиз тинчлик, барқарорлик йўлидан бормоқда. Бошқа мамлакатларга нисбатан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали алоқаларни халқаро норма ҳамда шартномаларга таянган, халқимизнинг қарашларини инобатга олишга интилмоқда. Ўзбекистон дунёдаги мамлакатлар билан марказий ҳудудда, шунингдек, бутун дунёда тинчликни таъминлаш мақсадида ҳамкорлик юритмоқда. Мамлакатимиз юздан ортиқ ташкилотларга аъзо ҳисобланиб, унда терроризм, диний экстремизм, наркотрафик ҳамда одам савдосига қарши кескин кураш олиб бориляпти. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан бери мамлакат барча соҳаларда улкан ютуқларга эришди. Бугунги кунда мамлакатимиз жадал суръатларда ривожланмоқда

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари


1. Ўзбекистон телекоммуникациялари тизими?

2. Ахборот инфратузилмасининг ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили.

3. Уяли алоқа инфратузилмаси?

4. Ахборот инфратузилмасининг ривожланиш ҳолати?.

Қайдлар учун



The page contains a series of horizontal lines for writing. The first line is a thick blue bar. Below it are 33 thin black lines, providing a total of 34 lines for text entry.

9.3. Инфратузилма соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш

9.4. Инфратузилма соҳасига сарфланаётган инвестициялар кўламини кенгайтириш ва самарадорлигин ошириш йўллари.

Таянч иборалар: Инвестиция, хорижий инвестицияларни жалб қилиниши, инвестицияларнинг манбаалари, инвестицияларнинг самарадорлиги.

9.1. Инфратузилма соҳасига инвестицияларни жалб этиш зарурлиги ва аҳамияти.

Бир қатор тадқиқотчилар гуруҳи инфратузилма эҳтиёжларни амалга ошириш (қондириш) учун қанча миқдорда инвестиция зарурлиги тўғрисида тадқиқотлар олиб боришди. 1980 йилдан 2002 йилгача бўлган даврда 52 давлатнинг инфратузилмага қилинган инвестициялари ва ЯММ орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашга уриниб кўришди. Унга кўра, ЯММ йиллик 3,6 фоиз ўсишини таъминлаш учун электр таъминоти тизими ва телекоммуникация инфратузилмасига мос равишда ЯММнинг 0,2 ва 0,7 фоиз миқдорида инвестиция қилиш зарур саналади. ЯММ 6 фоизга ўсишга эришиш учун бу миқдорни 2 баробар кўпайтириш зарур. Бу харажатлар инфратузилманинг инфратузилма объектини жорий ҳолатини ҳисобга олмаган эди. Агар бу ҳисобга олинса ушбу миқдор бир неча баробарга ортиши мумкин.

Инфратузилмага қилинган инвестиция ялпи талабни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Катта миқдордаги инфратузилма лойиҳалари аксарият ҳолларда қурилишга кўп миқдорда инвестициялар қилишни талаб этади. Бу эа қурилиш ва таъмирлаш маҳсулотларига бўлган талабни оширади (металлургия қурилиш материаллари, кимё саноати маҳсулотлари, хизматлар ва ҳ.к.).

Давлат активларини хусусийлаштириш, аввало, чет эллик инвесторларга сотиш вазифалари қўйилди ва бунинг учун тегишли шароитлар яратилди. Масалан, 506 та мулк комплекси танлов асосида, инвеститсия киритиш шарти билан «нол» қийматида янги мулкдорларга сотилди. Бу борада ана шу инвесторлар қарийб 1 триллион сўм ва 40 миллион АҚШ доллари миқдорида инвеститсия киритиш, шунингдек, 22 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мажбуриятини олганини қайд этиш лозим. Шу билан бирга, 245 та кам рентабелли ва фаолият кўрсатмаётган ташкилот тўлиқ тугатилди. Хусусийлаштириш дастурида кўзда тутилган, фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган 353 та давлат мулки объекти бузилиб, бунинг натижасида 120 гектар ҳажмидаги ер майдони бўшади. Бу ерларнинг қарийб 80 гектари ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш ва хизматлар кўрсатиш объектлари қуриш учун тадбиркорлар тасарруфига берилди. Давлат мулки шаклидаги яна 319 та ана шундай объект инвентаризатсия қилиниб, хусусий мулк шаклига ўтказиш учун савдога қўйилди ва ўтган йили уларнинг 102 таси янги мулкдорларга сотилди. Бундан ташқари, 378 та акциядорлик жамиятининг давлат улуши баҳоланди ва чет эллик стратегик инвесторларга сотиш учун очиқ савдога қўйилди.

9.2. Инфратузилма соҳасига сарфланаётган инвестицияларнинг манбалари ва уларнинг сарфланиш йўналишлари.

Иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик муҳим рол ўйнайдиган лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришда бундан бир неча йил аввал ташкил этилган, бугунги кунда 3 миллиард 200 миллион АҚШ долларидан ортиқ низом жамғармасига эга бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди фаолиятига катта аҳамият берилмоқда. Яқин истиқболда ушбу Фонд активларини 5 миллиард долларга етказиш кўзда тутилмоқда. Ўтган икки йил мобайнида ўнлаб йирик саноат ва инфратузилма иншоотларини молиялаштириш ва ҳамкорликда молиялаштириш учун Фонд томонидан 550 миллион АҚШ долларидан зиёд миқдорда кредитлар ажратилди.

Мамлакатимиз бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида қарийб 250 миллиард сўмлик асосий фондга эга бўлган жами 423 та объект, жумладан, озиқ-овқат саноатида 145 та, қурилиш материаллари саноатида 118 та, енгил ва тўқимачилик саноатида 65 та, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида 58 та, кимё ва нефт-кимё саноатида 13 та, фармацевтика тармоғида 8 та объект ишга туширилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш масалаларига устувор аҳамият берилиши натижасида 113 минг 200 ўқувчига мўлжалланган 169 та касб-хунар коллежи ва 14 минг 700 ўринли 23 та академик лицей қурилди ва реконструкция қилинди. Шу билан бирга, 69 та янги мактаб барпо этилди ва 582 та мактаб капитал реконструкция қилинди. Шулар қаторида 184 та болалар спорти иншооти, 26 та қишлоқ врачлик пункти ва 7 миллион 240 минг квадрат метр турар-жой бинолари ва бошқа объектлар қурилди.

Ижтимоий соҳада инвестиция жараёнларининг кучайтирилиши, айниқса, қишлоқ жойларида турли ижтимоий объектлар – болалар боғчалари, мактаблар, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт ва маданият иншоотлари ва бошқаларнинг барпо этилиши пировардида ободончилик даражасининг юксалишига, халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш масалаларига устувор аҳамият берилиши натижасида 113 минг 200 ўқувчига мўлжалланган 169 та касб-хунар коллежи ва 14 минг 700 ўринли 23 та академик лицей қурилди ва реконструкция қилинди. Шу билан бирга, 69 та янги мактаб барпо этилди ва 582 та мактаб капитал реконструкция қилинди. Шулар қаторида 184 та болалар спорти иншооти, 26 та қишлоқ врачлик пункти ва 7 миллион 240 минг квадрат метр турар-жой бинолари ва бошқа объектлар қурилди (3.2.3. -расм).

Ижтимоий соҳада инвестиция жараёнларининг кучайтирилиши, айниқса, қишлоқ жойларида турли ижтимоий объектлар – болалар боғчалари, мактаблар, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт ва маданият иншоотлари ва бошқаларнинг барпо этилиши пировардида ободончилик даражасининг юксалишига, халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига аҳамиятли таъсир кўрсатади.

9.3. Инфратузилма соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш.

Иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб хорижий инвестицияларни жалб қилишга талаб ва эҳтиёжларни ортиб бориши ҳудудларда инвестиция сиёсатини бозор муносабатларига мос равишда амалга ошириш, яъни инвестиция жараёни

катнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериш, ҳудудларда инвесторлар учун тўлақонли шарт-шароитлар яратишни талаб қилади. Ҳудудлар иқтисодиётига катта миқдорда хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини замонавий техникалар билан таъминлаш, рақобатбардош ва жаҳон стандартларига мос сифатли товарлар ишлаб чиқариш, аҳолининг бандлик даражасини ошириш, энг асосийси ҳудудларнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш имконини беради. Бунга эришиш учун ҳудудларда қулай инвестицион муҳитни яратиш керак.

Ўзбекистон Республикасида қулай инвестицион муҳитни яратиш, мамлакат иқтисодиётини муҳим соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган узоқ ва ўрта муддатли давлат дастурлари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвеститсияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

Туркменистондан Ўзбекистон ҳудуди орсали Хитойга ўтадиган газ қувурини тортиш ишлари якунланди. Бу ўз навбатида, мамлакатимизнинг транзит имкониятларини янада кенгайтиради.

Эндиги вазифа хорижий инвестициялар учун реал инвестицион муҳитни яратиш, давлат ҳокимият органларида бюрократия ва сансоларликка чек қўйиш, хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ишларини барча чоралар билан кучайтириш лозим.

Хорижий инвесторлар Ўзбекистон минтақаларига сармоя киритиш учун мавжуд бўлган имкониятлар, шунингдек, инвесторлар учун яратилган ҳар томонлама кенг, қулай шарт-шароит ва кафолатлар бўйича зарур, керакли маълумотга эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон иқтисодиётига кириб келаётган хорижий инвестициялар оқимини янада кенгайтириш, хорижий инвесторларга аниқ маълумотлар бериш, маҳаллий тадбиркорларга хориждаги потенциал инвесторлар ҳақида маълумот бериш уларга кўмаклашиш мақсадида ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузурида “Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги” ташкил этилди. Ана шу агентликнинг фаол фаолият юритиши мамлакатимиз ҳудудларига хорижий инвестициялар оқимининг янада ошишида улкан кўмак бўлади.

9.4. Инфратузилма соҳасига сарфланаётган инвестициялар кўламини кенгайтириш ва самарадорлигин ошириш йўллари.

Юқоридаги маълумотлар, фикр-мулоҳазалардан кўринадик, ўтган йилда инвестицияларни жалб этиш борасида эришилган натижалар мамлакатимиздаги инвестиция муҳитининг янада яхшиланганлигидан, бу эса, ўз навбатида иқтисодиётдаги муҳим таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш имкониятининг кенгайганлигидан дарак беради

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга

сазовордир. 2011 йилда 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

Мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг такомиллашиб бораётганлигини намоён этувчи яна бир жиҳат – давлат бюджетидан молиялаштириш таркибидаги нисбатларнинг сезиларли даражада ўзгариб бораётганлиги ҳисобланади. Инвестиция жараёнларига давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағлар динамикаси шуни кўрсатадики, агар 2005 йилда давлат бюджетдан молиялаштирилган маблағларнинг 36,2% республика бюджети, 63,8% маҳаллий бюджет ҳисобига таъминланган бўлса, 2010 йилда бу нисбат тегишли равишда 35,5% ва 64,5% ни ташкил этиши кўзда тутилмоқда (3.2.1.-расм). Бу эса инвестиция жараён-ларини молиялаштиришда маҳаллий бюджетларнинг иштироки ва роли кенгайиб бораётганлигини кўрсатади.

Инфратузилма соҳасига киритилаётган инвестициялар кўламини кенгайтириш, энг аввало, техник ва маънавий жиҳатдан эскирган, паст самара билан фаолият кўрсатаётган инфратузилма объектларини модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. Инфратузилма соҳасига инвестицияларни жалб этиш зарурлиги ва аҳамияти?

5. хорижий инвестицияларни жалб қилиниши?

6. Инвестицияларнинг самарадорлиги қандай аниқланади?

Қайдлар учун

Энергетика инфратузилмаси;
Сув таъминоти инфратузилмаси;
Коммуникация инфратузилмаси;
Товар ва маиший чиқиндиларни бошқариш (қаттиқ);
Ер мониторинги ва сетларни ўлчаш.

Енгил инфратузилма оғир инфратузилмадан фарқли равишда инсонларга махсус хизматларни кўрсатиш (етказиб бериш ҳисобланади). Унга эса қуйидагилар киради:

Инфратузилмани бошқариш (давлат бошқаруви)

Авария хизматлари

Ҳарбий инфратузилма

Бозор инфратузилмаси

Ижтимоий инфратузилма

Маданият, спорт ва дам олиш инфратузилмаси

Албатта, инфратузилманинг ана шундай иккита катта гуруҳга булиниши унинг таърифий ҳамда халқ хужалигини ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга булинишига асосланган. Бирок инфратузилма унсурларининг узаро жуда жипс боғланганлиги уларнинг у ёки бу гуруҳга мансублигини белгилашни мушкуллаштиради. Масалан: аҳолига хизмат курсатувчи транспорт ёки аҳолининг транспорт воситаларини таъмирлаш каби хизматлар уз хусусиятларига кура улар аҳолига хизмат курсатувчи инфратузилманинг соҳасидир, бирок уларда умумий техник-ишлаб чиқариш хусусиятлари мавжуд. Шундай булгани билан ҳам бу соҳаларнинг иктисодий-функционал хизмат вазифаси аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилганлиги боис ноишлаб чиқариш инфратузилмага мансуб деб топилиши табиийдир.

Инфратузилма соҳа мутахассислари томонидан турлича тусланган. Айниқса, ислохотлардан олдинги даврда халқ хужалиги ёки магистрал, институционал, регионал (минтакавий), ҳудудий корхона ва соҳалар номи билан юритиладиган инфратузилма турлари шаклланган эди.

Мазкур атамаларнинг урганилиши махсус тадқиқотни талаб этишни ҳамда ҳозирги инфратузилма тизимини бозор иктисодиёти шароитида амал қилаётганини таъкидлаган ҳолда уни қуйидагича гуруҳлаш мумкин. (1.1.-Жадвал).

Биринчи жадвалда инфратузилма шартли равишда 4-та асосий гуруҳга булинган. Шартли дейишдан мақсад инфратузилманинг бажарадиган функционал ва минтакавий вазифаларига қараб унинг унсурларини аниқ қайси гуруҳга мансублигини белгилаш жуда мушкулдир. Чунки инфратузилма соҳалари бири иккинчисини тулдирган ҳолда ёки иккинчиси биринчисини давоми сифатида амал қилади. Шундай қилиб 1-жадвалда келтирилган инфратузилманинг гуруҳланиши қупчилик методологик ёндашувларнинг синтезлаштирилган қуринишидир.

Шуни ҳам айтиш лозимки, 1-жадвалда келтирилган инфратузилма турлари яна ундан кичикроқ булимларга булиниши мумкин. Масалан, транспорт инфратузилманинг бир соҳаси, бирок транспорт тармогининг уз инфратузилмаси ҳам мавжуд.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, инфратузилма хизмат турларидан қатъий назар, яхлит тизим сифатида ишлаб чиқаришни барқарор ривожланиши ва унинг янгиланиши ҳамда иктисодиётда захиралардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш учун шароит муҳайё қилади.

Инфратузилманинг гурухланиш жадвали

Инфратузилма самарадорлигини бахолаш усул ва курсаткичлари. Иктисодиётнинг самарадорлигини ошириш жамият ҳаёти учун жуда муҳимдир. Чунки, иктисодий усиш омиллари ҳаракати ишлаб чиқариш самарадорлигида мужассам ифода этилади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ишлаб чиқариш ҳаражатлари билан олинган натижасининг нисбатидир. Қанча ресурс сарфлаб қанча ва қандай сифатли маҳсулот ва хизматлар яратилганини самарадорлик ифодалайди. Унинг бош мезони-пировард натижа ҳисобланади. Маълумки, ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси-бу ялпи миллий маҳсулот ва унинг таркибий қисми бўлган миллий даромад. Самарадорлик синтетик ва умумлашган курсаткич бўлиб, интеграл характерга эга, яъни узида бир неча курсаткичлар натижасини жамлайди. У маҳсулотнинг меҳнат сизими, материал сизими ва инвестиция сизимидан келиб чиқадиган ҳосилдир (А.Улмасов, М.Шарифхужаев. Иктисодиёт назарияси. 106-107 б.).

Шундай қилиб, иктисодий усиш омилларининг ҳаракати ишлаб чиқаришнинг алоҳида соҳаларида уз хусусиятларига эга бўлганлиги боис уларнинг самарадорлигини белгилаш курсаткич, мезон ва усуллари ҳам соҳага мос тус олади. Айниқса, аграр ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини белгилаш масаласи узига ҳослиги билан ажралиб туради. Агросаноат мажмуасининг самарадорлигини назарий-методологик базасини бойитишда бир қатор мутахассислар: В.А.Добринин, А.И.Ноткин, Г.М.Сорокин, Т.С.Хачатуров, И.Н.Буздалов, В.В.Ким, Ф.К.Каюмов, Р.К.Рахимов, А.А.Абдуганиев, К.А.Хасанжонов, Р.Х.Хусанов, К.С.Хамдамов, А.кодиров, Э.Гордан ва бошқалар уз ҳиссаларини қўшганлар.

Айни пайтда қишлоқ хужалигининг самарадорлигини белгилашда ягона тан олинган ёндашув шаклланмаган. Уни бахолаш амалиётида: натурал курсаткичлар: ҳосилдорлик, чорва маҳсулдорлиги, сарфланган меҳнатга мос келадиган маҳсулот миқдори ва бошқалар ҳамда қиймат курсаткичлари: маҳсулот таннарни, ялпи даромад, фойда ва унинг ҳаражатларга (ёки асосий ва айланма маблағларига) нисбати, фонд ва инвестиция сизими, фонд ва капитал маблағларнинг қайтими, ишлаб чиқариш унумдорлиги каби курсаткичлар кенг қулланилади. Масалан, қишлоқ хужалигида самарадорлик ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатнинг қулланилишининг пировард фойдали самараси ҳамда қуюлмалар мажмуининг қайтимини ифода этади.

Қишлоқ хужалигида тадбиқ этилган у ёки бу чора-тадбирларнинг натижасини улчови (ёки баҳоси) сифатида самарадорликнинг мезонлари хизмат қилади. Халқ хужалиги нуқтаи назаридан қишлоқ хужалигининг самарадорлигининг мезони сифатида аҳоли жон бошига зарур бўлган ассортимент ва сифатдаги озуқа ва хом ашёни ишлаб чиқаришининг усишида намоён бўлади (Экономика сельского хозяйства /Под ред. В.А.Добрунина/-М.:Агропромиздат, 1990-476 с. 240 б.).

Қишлоқ хужалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жон бошига усиши уз навбатида қушимча меҳнат ва моддий-техник воситаларнинг ҳаражат қилишни ҳамда улардан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Таъкидлаш лозимки, иктисодиёт назариясида ишлаб чиқаришнинг омиллари сифатида: меҳнат (М), капитал (ёки технология) (К), ашё (материал) (А) ва Ер (Е) эътироф этилган ва улар иктисодий таҳлил ва қарор қабул қилишда кенг

кулланилади. Мазкур омилларни бирикиши асосида юзага келадиган ишлаб чикариш жараёнининг функциясини куйидагича ёзиш мумкин:

$$Q_{и.ч.} = f(M, K, A, E); \quad (1)$$

Бу ерда: $Q_{и.ч.}$ - ишлаб чикариш жами;
 f - функция симболи.

Бу ишлаб чикариш функциясининг формуласи кишлок хужалигига хосдир. Чунки мазкур формулада бошка ишлаб чикариш омиллари каторида ер хам ишлаб чикариш жараёнида иштирок этмокда. Юкорида айтганимиздек, кишлок хужалиги махсулотларига талабнинг ошиши, ишлаб чикариш хажмини купайишига сабаб булади, яъни ишлаб чикариш функцияси махсулот талаби функциясининг хосиласи сифатида намоён булади:

$$Q_{к.х.м.т} = f(x_n) \Rightarrow Q'_{и.ч.кф} (M, K, A, E); \quad (2)$$


Бу ерда: $Q_{к.х.м.т}$ кишлок хужалиги махсулотларининг талаб хажми;
 x_n - кишлок хужалиги махсулотларининг мажмуи булиб, $n \in (1; \infty)$;

Уз навбатида ишлаб чикариш омилларини ишлаб чикариш жараёнида куп микдорда жалб этилиши инфратузилма хизматларига булган талабнинг усишига олиб келади, яъни:

$$Q_{и.ч.} = f(M, K, A, E) \Rightarrow Q'_{и.х.кф} (I_n); \quad (3)$$

Бу ерда: I_n - инфратузилма хизматлари мажмуи булиб, $n \in (1; \infty)$.

Шундай килиб айтиш мумкинки, кишлок хужалигида канча куп махсулот ишлаб чикарилса ва канча куп ишлаб чикариш омиллари сарфланса уларнинг микдорига мос инфратузилма хизматлари ишлаб чикариш жараёнида истеъмол килинади. Бу холатни кишлок хужалиги такрор ишлаб чикариш жараёнида куйидагича тасвирлаш мумкин:



Истеъмолчиларнинг янги талаблари

Бу ерда: $Q_{и.ч.о}$ - ишлаб чикариш жараёнида жалб этилган ишлаб чикариш омиллари;

$Q_{и.х.}$ - ишлаб чикариш жараёнида жалб этилган инфратузилма хизматлари;

$Q_{т.м.}$ - тайёр махсулот хажми;

$Q_{и.у.т}$ - истеъмолчиларга етказилган товарнинг хажми.

Такрор ишлаб чикариш боскичларининг тасвирдан куриниб турибдики, ишлаб чикарилган махсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш даврий занжирида инфратузилма хизматлари икки боскичда иштирок этади. Биринчи боскичда инфратузилма ишлаб чикариш омилларини бирикишга (ишлаб чикаришни юзага келиши) яъни тайёр махсулотни яратилиши учун шароит яратади. Мазкур боскичдаги инфратузилма хизматлари харажатлари тайёр махсулотнинг таннархи таркибига кушилади. Унга кушилмагани «давр харажатлари»да хисобга олинади.

Иккинчи боскичда, эса инфратузилма хизматлари тайёр махсулотларни истеъмолчиларга етказиб беришини, яъни товарни истеъмолини таъминлайдилар. Бу даврдаги инфратузилма хизматларининг харажатлари махсулотларнинг нархи таркибига киради ва товарнинг ракобат бозорида сотилиши учун шароит мухайё этади.

Шундай килиб ишлаб чикаришнинг бошлангич боскичидан бошлаб тайёр махсулотни охирги боскичи-истеъмолигача инфратузилма субъектлари фаолият

курсатадилар. Уларнинг хизмат курсатиш даражасидан товар ишлаб чиқаришининг самарадорлиги боглик булади, яъни ишлаб чиқариш инфратузилмасининг самарали фаолият курсатиши ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга уз улушини кушади. Масалан, сув, минерал угитлар, уруглик ва бошкаларни уз вақтида етказиб берилмаслиги усимликчиликнинг пировад натижаларини пасайишига олиб келиши мукаррардир. Бирок хозиргача, инфратузилманинг самарадорлигини миқдорий баҳолаш ва унинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги улушини белгилаш масалалари буйича эътироф этилган ягона усул ва курсаткичлари мавжуд эмас.

Умуман олганда, инфратузилманинг самарадорлиги купинча инфратузилма ва ишлаб чиқаришни ривожланиш нисбатларини, уларнинг узаро богликлиги ҳамда узаро таъсирини оптималлаштириш билан белгиланади. Инфратузилма-меҳнат унумдорлиги ҳамда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишнинг зарурий шартидир. Агар инфратузилма яратилган булса, унда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг кайтимини таъминлаш осонроқдир.

Албатта инфратузилманинг ривожланиши АСМ тизимида ишлаб чиқаришни ҳам тараккиёти учун замин яратади бу шубҳасиз, лекин канчалик бу ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ёки меҳнат унумдорлигини оширишга таъсир курсатиши мазкур ёндашувда аниқсизлигича колмоқда. Бунинг устига, инфратузилма ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларини алоқадорлиги ва узаро таъсирини оптималлаштириш учун уларнинг канчалик алоқадорлиги ва узаро таъсирининг даражасини аниқлаш масаласи ҳам мазкур ёндашувда очиклигича колган.

В.П.Орешин бошка халқ хужалиги тармоқларида булганидек инфратузилманинг самарадорлигини белгилашда самара ва харажатларни таккослаш масаласи жуда муҳимдир деб кайд этади. Инфратузилманинг самарадорлигини хисоблашда бош масала, уни ривожлантириш чора-тадбирлари моддий захиралардан фойдаланишнинг самарадорлик курсаткичларига таъсир этиш билан бирга, асосий соҳаларнинг самарадорлигига уз таъсирини уткази. Инфратузилмани халқ хужалигининг такрор ишлаб чиқариш жараёнида хизмат курсатиш мақомига эгаллиги унинг самарасини мажмуи сифатида асосий соҳаларнинг самарадорлигига таъсир курсатиши, инфратузилма самарасини ички соҳа курсаткичлари: меҳнат унумдорлиги, фонд кайтими, капитал харажатларнинг хиссаси орқали белгилаш амалиётини номуккамал назорат килиб куяди. Бу инфратузилманинг халқ хужалиги самарадорлигини хисоблашда асосий соҳаларда унинг ривожланишининг бевосита ва билвосита оқибатларини инобатга олишни такозо этади.

Инфратузилмани жамиятнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ролини белгилаш ҳамда самарадорлигини баҳолашнинг нисбатан асосланган усули бу соҳалараро курсаткичларни акс эттирувчи моделлар тизимидир.

Кейинчалик мазкур муаллиф инфратузилманинг самарадорлигини баҳолаш юзасидаги фикрини ривожлантирган холда инфратузилманинг самарадорлигини минтака ҳамда худудлар даражасида белгилашни тавсия этган.

Минтака даражасида инфратузилманинг самарадорлиги шу территориядаги меҳнат захираларидан рационал фойдаланиш учун шароит яратиш ҳамда минтакадаги ишлаб чиқариш хизматларини оқилона уйғунлашувини таъминлашда намоён булади.

Худудий-ишлаб чиқариш даражасида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг самарадорлиги меҳнатни устки ишлаб чиқариш бугинлари-ишлаб чиқариш уюшма ва корхоналарида шароит яратишда, ҳамда уларнинг тараккиётидаги тусик (тор

жой)ларни асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришни мажмуи сифатида ривожланиши орқали ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари кейинчалик мукаммаллаштиришда уз аксини топади. В.П.Красовский эса инфратузилма сохаларининг самарадорлигини халқ хужалигида ишлаб чиқарилган махсулотларни йукотилиши ва нобуд булишини олдини олиш орқали унинг пировард натижаларини оширишда куради ва инфратузилмани ривожлантиришни маблағлаштиришда буни инобатга олиш кераклигини таъкидлаб қуйидагича ёзади. Йул ва омборларнинг қурилиши юк ташиш ҳамда транспортдан фойдаланишни яхшилаш билан бирга уни таъмирлаш харажатларини ҳам камайтиради ва ташийдиган махсулотларнинг яхши сакланишини таъминлайди. Бу эса махсулот ишлаб чиқаришнинг хажмини оширганда тенгдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инфратузилманинг самарадорлигини баҳолашнинг қуйидаги усуллари шаклланган:

Инфратузилмада харажатлар ва натижаларининг нисбатини таккослаш;

Ишлаб чиқарувчи (асосий) сохаларнинг пировард натижасида инфратузилма унсурларининг улуши, яъни асосий сохаларнинг ривожланиши учун шароит яратилганликнинг даражаси;

Яратилган махсулотни харақатини яхшилаш орқали унинг нес-нобуд булиши ва ярқисиз холга келишини олдини олиш даражасини оширишнинг пировард истеъмомга таъсири ҳамда махсулот ишлаб чиқариш харажатларини тежаш;

Инфратузилма ҳамда асосий сохаларнинг ривожланиш курсаткичларининг узаро нисбатининг тахлили;

Минтакалар, худудлар ҳамда сохалараро инфратузилманинг омилларини моделлар асосида самарадорлигини белгилаш ва бошқалар.

Албатта, бу усулларнинг қулланилиши орқали инфратузилманинг самарадорлигини белгилаш жуда муҳимдир. Бирок инфратузилмада харажатлар ва натижаларни таккослаш унинг унсурларининг самарадорлигини чеклаб қуйиши ҳамда тула баҳолаш имконини бермайди. Чунки қайд этганимиздек инфратузилманинг бир қатор объектлари: йуллар, омборлар, сув иншоотлари ва бошқалар куп йиллар давомида хизмат курсатадилар. Шу боис уларнинг харажатлари жуда катта булиб уларни коплаш даражаси жуда секинлик билан кечади, ҳамда уларнинг курсатадиган хизматлари турли сохаларни камраб олади ва мазкур хизматларнинг самараси сохалараро тарқалиб кетиб улар асосий соханинг пировард натижасида қушилиб қуринмас булиб қолишлари ҳам мумкин. Баъзи холларда инфратузилма унсурларининг самарасининг асосий соханинг пировард натижасидан ажратиб олиш ҳам муаммодир. Шунинг учун инфратузилманинг ишлаб чиқаришнинг пировард натижасига таъсирини асосий сохада инфратузилма тадбирларини амалга оширишдан сунг унинг қушимча махсулоти билан белгилаш мумкин. Чунки инфратузилма хизматлари такрор ишлаб чиқариш схемасидан қуриниб турганидек махсулот нархининг таркибига қиради. Шундай экан қанчалик куп товар сотилса, ушанча куп инфратузилма чора-тадбирлари амалга оширилади, яъни инфратузилма хизматлари сотилади ва аксинча қанча товар кам ишлаб чиқариб сотилса, ушанча кам микдорда инфратузилма хизматлари сотилади. Бошка барча омиллар доимий (const.) булганда инфратузилма хизматларининг самарадорлигини қуйидагича ифода этиш мумкин:

$$ИС = \frac{Q_{c.1} - Q_{c.o}}{Q_{u..x1} - Q_{u..x.o}} \cdot K + \frac{\Delta Q_c}{\Delta Q_{u..x}} ; (5)$$

Бу ерда: ИС-инфратузилма хизматларининг самарадорлиги;

Qc.o-Бошлангич утган даврда сотилган махсулот хажми;

Qc.1-Кейинги даврда сотилган махсулот хажми;

Qi.x.o-Бошлангич утган даврда курсатилган инфратузилма хизматларининг хажми;

Qi.x.1-Кейинги даврда курсатилган инфратузилма хизматларининг хажми;

Δ -Давр охиридаги узгариш.

Шундай килиб, 5-чи формула оркали конкрет корхона (хужалик), соха, минтака мисолида инфраструктура хизматларининг ишлаб чикарилган махсулотни сотуви хажмидаги таъсири оркали инфратузилма мажмуининг самарадорлигини белгилаш мумкин. Агар инфратузилма хизматларининг хажмини махсулот сотуви хажмига нисбатининг фарки (Δ) ижобий булса, бу ишлаб чикаришга хизмат курсатувчи сохаларнинг самарали эканлигини билдиради. Агар у манфий булса аксинча инфратузилманинг ривожланмаганлигини ифода этади.

Инфратузилманинг нисбий самарадорлигининг барча омиллар доимий (const.) булганда махсулот сотуви хамда курсатилган инфратузилма хизматларининг хажмининг индекси (Жи.х) оркали хам ифода этса булади:

$$\text{Жи.х} = \frac{Q_{c.1}}{Q_{c.o}} : \frac{Q_{u.x.1}}{Q_{u.x.o}} \text{ қ } \frac{Q_{c.1} \times Q_{u.x.o}}{Q_{c.o} \times Q_{u.x.1}} ; (6).$$

Мазкур индекснинг киймати: $0 \leq \text{Жи.х} \leq 1$ -булса инфратузилма унсурларининг хизмати самаралидир, агар $\text{Жи.х} > 1$ булса инфратузилма тизимини фаолиятининг самарадорлиги жуда юкори булади. Умуман олганда бозор иктисодиёти шароитида бозор субъектларининг усишини бозордаги улушининг узгариши белгилайди. Шунинг учун инфратузилма хизматларининг самарадорлигини кушимча курсаткичи сифатида асосий соханинг бозордаги улушининг ошганлигини кабул килиш мумкин. Чунки асосий соханинг бозордаги улушининг усиши унинг товарларининг ракобатбардошлик даражасини ошганининг далолатидир. Кайд этганимиздек, асосий соханинг ракобатбардошлигини таъминлаш инфратузилма унсурларининг бевосита функционал вазифаларидан биридир.

Бозор муносабатларини чукурлашиб бориши инфратузилма хизматларига булган талабнинг кенгайиб боришига асос солиши хамда мамлакатимизда бозор ислохотларини ижтимоий йуналтирилгани инфратузилманинг самарадорлигини белгилашда яна бир кушимча курсаткич, сохада янги иш жойлари яратилишининг микдорини куллашни такозо этади. Чунки инфратузилманинг хизмат хажми ва турларининг усишини янги иш жойларини яратилишисиз тасаввур этиб булмайди. Айниқса, кишлок хужалигидан бушалиб чиккан ишчиларни иш билан таъминлаш республика халк хужалиги учун бекиес ижтимоий-иктисодий самарага эгадир. Шу боис инфратузилма сохаларида янги иш жойларини яратилиши хисобидан ишчилар сони хамда хизмат курсатишнинг хажмларини ошишини богликликда бахолаш жуда долзарбдир.

Кайд этиш лозимки, кишлок хужалиги ишлаб чикариш инфратузилмаси (умуман инфратузилманинг) ривожланишига кура омиллар уз таъсирини утказди. Бундай омиллар каторида асосий сохаларда инфратузилма хизматларига булган талабнинг роли жуда каттадир. Чунки асосий сохалардаги инфратузилма хизматларига булган талаб юзасида инфратузилма субъектларини хизматининг таклифи шаклланади. Кейинчалик мазкур талаб асосида инфратузилма хизматларининг бозор нархи шаклланади ва иктисодий муносабатлар хам ривожлана бошлайди. Албатта, бозор муносабатларининг асосий ва инфратузилма

субъектлари аро ривожланишида хизматлар нархи марказий мақомни эгаллайди. Шу боис инфратузилма хизмат бозорини шаклланишида нарх омили алоҳида аҳамият касб этади ва бозордаги мувозанатнинг айнан нарх орқали юзага келиши янада унинг салмогини юксалтиради.

Истеъмолчиларнинг инфратузилма хизматларига булган талаби ҳамда нарх омиллари булиб, асосий ишлаб чиқаришнинг хусусиятларини узига мужассам этган ҳолда намоён булади. Кишлоқ хужалигида инфратузилма хизматлари талаб мавсумига қараб узғариб туради, шу боис мувозанат нархи ҳам талаб ва таклиф ҳажмининг тебранишига мувофиқ равишда узғариб туради. Масалан, кишлоқ хужалигида механизациялашган, техникавий хизматлар ҳажмига талабнинг узғаришини қуйидагича тасвир этиш мумкин (1.3.1 чизма).

10.2. Инфратузилма хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар.

Нобанк кредит ташкилотларини ривожлантириш бозор инфратузилмаини ривожлантиришнинг бир бўғини сифатида хориж тажрибасини ўрганиш муҳим масала ҳисобланади.

АҚШда кредит уюшмалари микрокредитлар хизматларини кўрсатувчи асосий институтлардан бири ҳисобланади. Ўз мақоми бўйича АҚШ истеъмол кооперативлари ҳисобланадиган кредит уюшмалари ноτιжорат ташкилотлари сирасига қиради. Кредит уюшмаларини кредитлар беришдаги устунлиги шундаки, уларнинг таъсисчилари кўпинча тадбиркорлар (ўз ходимларига) ёки қасаба уюшмалари ҳисобланади. Натижада кредит хизматидан фойдаланувчилар кредитни қайтариш учун маблағ излаётганда уларнинг маошларидан ёки бўлмаса кредит уюшмаларининг омонат қўйилмаларидан олиш имконияти тўғрисида ахборотга эга бўладилар. Ҳозирги кунда бундай ташкилотларнинг фаолияти кредит қарточкаларини чиқариш, брокерлик хизматларини таклиф қилиш, шахсий пенсия ҳисобларини очиш хизматлари эвазига кенгаймоқда. Хусусан кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларни молиявий қўллаб – қувватлашда кредит қарточкаларидан кенг фойдаланиб келинади. Бугунги кунда бундай маблағлардан фермерларнинг 30 фоизга яқини фойдаланади.

3. Инфратузилма объектларини иқтисодий таҳлили.

МДҲ мамлакатлари орасида Россия микромолиялаш хизматлари жадал ривожланаётган давлатлардан бири ҳисобланади. Россияда микромолиялаш хизматларини кўрсатувчи турли ташкилотларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Улардан 5 турдаги ташкилотларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

1. Нодавлат-нотижорат микромолиялаш ташкилотлари. Бу фақат микромолиялаш хизматларини кўрсатиш билан шуғулланувчи махсус институт бўлиб, улар одатда хорижий нодавлат-нотижорат ташкилотининг филиали, фондлар, кооперативлар кўринишида ташкил этилади;

2. Кредит уюшмалари;

3. Қишлоқ хўжалиги кредит кооперативлари. Ушбу ташкилот худди кредит уюшмасига ўхшаб фақат қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатадиган ва фақат шу кооператив аъзолари бўлганларга ўз хизматларини кўрсатади;

4. Кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармалари.

5. Хусусий фондлар.

Микромолиялаш хизматларини кўрсатувчи энг кўп ташкил этилган ташкилотлар давлатнинг кичик тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш фондлари, фуқароларнинг истеъмол кредит кооперативлари ва қишлоқ хўжалиги кредит кооперативлари ҳисобланади.

Бугунги кунда Россиянинг 45 фоиз аҳолиси яъни, 60 млн. киши банк хизматларидан фойдаланмайди. Ҳисоб-китобларга қараганда, Россиядаги кичик бизнес субъектларини микромолиялаш хизматларига бўлган талаби 250 – 300 млрд. рублни ташкил қилади.

4. Халқаро тажрибаларни ўзаро алмашиш.

Ўзбекистонда аксарият бозор инфратузилмаси хизматлари асосан мустақилликдан кейинги йилларда пайдо бўлганлиги сабабли мавжуд тажрибанинг етарли эмаслиги микромолиялаш тизими ривожланган кўпгина давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шу жиҳатдан ҳам инфратузилма тизими тараққий этган давлатларда инфратузилма хизматларини ташкил этиш ва ривожлантириш тажрибаларини чуқур тадқиқ этиш мақсадида ўзаро тажриб алмашиш муҳим саналади. Бу борада Япония ҳукумати томонидан ажратилаётган грант маблағларини таъкидлаш ўринли саналади. Бирок, инфратузилма соҳасига ажратилаётган грант маблағлари жуда ҳам кам сонли бошқарув соҳаси кадрларни тажриба алмашиш имконияти мавжуд. Шундай бўлсада бундай ҳамкорликни бошқа давлатлар билан ҳам амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. Иқтисодиёти барқарор ривожланган давлатларда инфратузилмани ташкил топиши?

2. Инфратузилма хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар?

келиш, маҳсулотларни қайта ишлайдиган саноат корхоналарини қишлоққа жойлаштиришни маҳаллий ҳокимиятлар, тадбиркор ишбилармонлар, турли мулк эгалари олдига асосий вазифа этиб қўйилгани ҳам тасодифий эмас.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш тармоқлари асосан шаҳар ва туман марказларида кўпроқ жойлашган бўлса, энди уни шаҳар атрофидаги посёлка, қишлоқларда ташкил этиш зарурати ортмоқда. Шунини доимо назарда тутмоғимиз керакки, хизмат кўрсатиш тармоқлари даражаси мамлакатнинг тараққий этаётганлиги, жамиятнинг ривожланаётганлигини кўрсатувчи муҳим мезондир.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш тўғрисида сўз борар экан, биз Ўзбекистонда амал қилаётган хизмат турларини санаб ўтишимиз лозим. Булар турли соҳаларда бўлиб, қуйидагилардан иборат:

- маиший хизмат кўрсатиш;
- йўловчи ташиш хизмати;
- алоқа хизмати;
- уй-жой хўжалиги;
- таълим тизими;
- маданий хизмат кўрсатиш;
- сайёҳлик-экскурсия хизмати;
- жисмоний тарбия ва спорт хизмати;
- соғлиқни сақлаш (тиббий) хизмати;
- санатория-курорт ва соғломлаштириш хизмати;
- ҳуқуқий тусдаги ва банк муассасаси хизмати;
- коммунал хизматлар.

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш таркибига қуйидаги хизматлар киради:

- пойабзал таъмирлаш ва тикиш;
- кийим-бош ва трикотаж молларини тикиш, тўқиш ва таъмирлаш;
- телерадио, видео, аудио аппаратларини таъмирлаш;
- металл буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш;
- автомобилларга техник хизмат кўрсатиш;
- мебель ясаш ва таъмирлаш;
- кимиёвий тозалаш ва бўяш;
- кир ювиш хизмати;
- уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш;
- сурат ва ва сурат кинолабаратория хизмати;
- ҳаммом ва душ хизмати;
- сартарошлик ва косметаллогик хизмат;
- буюмларни ижарага бериш хизмати;
- аҳолига юк ташиш транспорти хизмати;
- маросимлар ўтказиш хизмати.

Маиший хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари, яъни бильярд ва теннис столларини соатбай ижарага бериш хизмати янги хизмат турига киради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 17 сентябрдаги «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимида ислохотларни давом эттириш тўғрисида»ги ПФ-1843 сонли фармонида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 19 сентябрдаги «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 446-сонли, 1995 йил 12 сентябрдаги «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги 399-сонли қарорларига мувофиқ республикаси шаҳар ва вилоятларида ҳудудий маиший хизмат кўрсатувчи объектларни ҳисобга олиш мақсадида шаҳар ва вилоят ҳокимиятлари таркибида маиший хизмат кўрсатиш уюшмалари ташкил қилинган. Уларга аъзо бўлган маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига турли қийматликлар ва имтиёзларни қўллаш имкониятлари берилди:

- маиший хизмат кўрсатиш объектлари янгидан ташкил этилган тақдирда бино ва ер майдонлари билан таъминлашни вилоят ва шаҳар ҳокимиятлари миқёсида ҳал қилиш;
- янги ташкил этилган маиший хизмат корхонаси ҳокимият балансидаги бинода жойлашган бўлса, ижара шартномаси тузилган вақтда имтиёзли нархлардан фойдаланади;
- маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил қилинганда, уларни рўйхатдадан ўтказишда ва фаолиятини амалга оширишда амалда кўрсатилган тадбиркорларни фаолиятни ҳимоя қилиш қонун-қоидаларида кўрсатилгандек қўллаб-қувватлаш.

Маиший хизмат кўрсатиш уюшмалари Давлат мулк кўмитаси, вилоятлар ва шаҳар савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли ишлаб чиқарувчилари депортаменти, инвестиция бошқармалари, «Бизнес-фонд», Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, тижорат банклари томонидан қўллаб турилиши қарорларда белгилаб ўтилган. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил этиш ва янги моддий-техника жиҳозларига, замонавий инвентарларга, инвестиция лойиҳалари учун хорижий банклар ва халқаро молия ташкилотлари кредит линиялари бўйича кредит олиш, кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, хомашё, энг сўнгги замонавий асбоблар ва инвентарлар етказиб беришда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш тажрибаларини белгилаган.

Шунингдек, меҳнат ва иш билан боғлиқ аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари зиммаларига, айниқса, бандлик хизмати жамғармаси ҳисобидан ишсиз аҳолини мутахассис сифатида тайёрлашга жалб қилиш тўғрисида кўрсатиб ўтилган.

5- чизма. Маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси чизмаси

Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислохотлар аграр муносабатларнинг янги турларини шакллантирди. Бунга деҳқон ва фермер хўжаликларига ерни узоқ муддатга ижарага топшириш ўтиш даврининг асосий йўналишлари бўлди. Шулар билан бирга маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам мулкчилик шакллари ўзгарди. Бунда асосан маиший хизмат кўрсатиш объектларини хусусийлаштириш ёки аукционда сотиш йўллари билан эришилди. Туманлар марказларида, маҳалла, жамоа хўжаликларида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этила бошлади. Маиший хизмат кўрсатиш объектларини хусусий фирма шаклида ҳамда хусусий тадбиркорликлар шаклида тузиш жадал тус олди. Бу маиший хизмат кўрсатиш соҳасида монополия тугатилишича, рақобатли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилишига олиб келди. Рақобатли хизмат кўрсатиш, маълумки, нархни пасайтиради ва хизмат кўрсатиш сифати даражасини оширади.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилиши меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан банд бўлмаган ортиқча қисмини, асосан қишлоқда яшаётган хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш ва шу тариқа

қишлоқларда ишсизликнинг кучайиб бориш хавфи баҳам топишида ўзига хос аҳамият касб этади.

Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида кадрлар тайёрлаш ўтиш даврининг талаби бўлган узлуксиз таълим асосида бажарилади. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ишлашни хоҳловчи қишлоқ ёшлари мажбурий таълимдан сўнг жойларда ташкил қилинган лицей ва коллежларда касб-хунар эгаллайдилар. Ҳозирги вақтда узлуксиз таълим тизимини жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб бера оладиган даражага кўтариш амалга оширилмоқда. Уларда таълим харажатлари давлат томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига қопланади.

Маиший хизмат кўрсатиш ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳозирда ташкил қилинаётган ўқув марказлари, ойлик курсларда, чет элнинг Ўзбекистондаги ўқув фондлари, фирмалар ёки жисмоний шахслар буюртмалари бўйича пуллик амалга оширилади.

Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида чет элликлар билан ҳам алоқалар ўрнатилмоқда, хусусан, сартарошлик хизмати бўйича, Германия ва Франция давлатлари билан тузилган шартномалар асосида замонавий асбоб-анжомлар, электр техникалари олиб келинмоқда ва ўрнатилмоқда. Автомобилларни таъмирлаш соҳасида Корея, Туркия, АҚШ, Германия, Италияда ишлаб чиқарилган дастгоҳлар олиб келиниб, жаҳон андозаларига жавоб берадиган хизмат даражасига эришилмоқда. Кимиёвий тозалаш ва кир ювиш хизмат турлари бўйича Италия, Германия давлатлари билан ҳамкорликда корхоналар ташкил этилмоқда. Пойабзал, хусусан, ортопедия пойабзалларини тикиш бўйича Германия билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Радиоаппаратура, сурат ва сурат кинооператорлари хизмат турлари бўйича Корея, АҚШ фирмалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш турлари нималардан иборат?
2. Маданий маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мулкчилик шаклларида қандай амалга оширилади?
3. Қишлоқда маданий-маиший хизмат кўрсатишда кадрлар тайёрлаш қандай амалга оширилади?
4. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш таркибига қандай хизматлар киради?

11.2. Соғлиқни сақлаш тизими инфратузилмаси.

Мустақил Ўзбекистонда 1991 йилдан буён ижтимоий ва иқтисодий сиёсатда туб ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар, ўз навбатида, соғлиқни сақлаш тизимига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди ва уни ислоҳ қилишнинг аниқ ҳаётий зарурати юзага келди.

1991-1992 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан ҳамкорликда соғлиқни сақлашни молиялаштириш сиёсатини ўзгартирди. Бюджет маблағлари аҳоли жон бошига қараб ажратилмоқда, амбулатория-поликлиника муассасалари аҳолининг хизмат кўрсатилган қисми шифохонада даволанган беморлар сонига қараб молиялаштирилади. Натижада тармоқни экстенсив ривожлантириш тўхтатилиб, кундузги даволаш хизмати устун даражада ривожлантирилади бошлади. Кундузги хизмат амбулатория хизмати фойдасига 80 %дан 60 %га камайиб, кейингисидо молиялаш салмоғи 9-10 %дан 30-40 % гача ўсди.

2003 натижаларига кўра маҳаллий бюджетнинг 50,6 %и амбулатория-поликлиника тармоғига, 43,0 %и стационар хизмат тармоғига ва 6,4 %и бошқа тармоқларга йўналтирилган.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Соғлиқни сақлаш тизимида ислохот соғлиқни сақлашни ривожлантиришни интенсификациялаш ва захиралардан самарали фойдаланиш бўйича янги иқтисодий механизмларни шакллантиришга қаратилган.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда саломатликни муҳофаза этиш борасида қатор қонунчилик ҳужжатларига таянилмоқда. Улардан энг муҳими – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 29 августда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонундир. Ушбу қонун халқаро экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган ва халқаро стандартларга мувофиқ келади. У фуқароларнинг сифатли тиббий ёрдам олишга бўлган тенг ҳуқуқларини таъминлайди. Статистик маълумотларга қараганда, соғлиқни сақлаш харажатларининг ҳар бир кишига тўғри келадиган миқдори қуйидагича: 1995 йилда 454 сўм, 1996 йилда 792 сўм, 1997 йилда 1275 сўм, 1998 йилда 1511 сўм, 1999 йилда 2334 сўм. Демак, ҳар бир кишига тўғри келадиган харажатлар 1999 йили 1995 йилдагига нисбатан 1880 сўмга ошган ва 2334 сўмни ташкил этган. Қонунда ҳуқуқлар билан бир қаторда фуқароларнинг жамоат ва шахсий саломатликни сақлаш учун жавобгарлиги ҳам кўзда тутилган. Қонун аҳоли ва айрим жамоалар (қишлоқ, овул, маҳалла) ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг тозаликни сақлаш, саломатлик ва гигиена тарбиясида одамлар соғлиғини яхшилаш мақсадида жамоатчилик сифатида иштирок этишларини кенгайтиришни ҳам назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни ривожлантириш тамойиллари ишлаб чиқилган бўлиб, у соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг узок даврга мўлжалланган истиқболларини назарда тутди:

ривожланишнинг экстенсив йўлидан тиббий-санитария муассасаларини интенсификациялашга ўтиш;

ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича янги иқтисодий механизмларни шакллантириш;

соғлиқни сақлаш бошқарувини марказлаштиришдан воз кечиш;

соғлиқни сақлашда янги молиявий механизмларни яратиш;

аҳоли соғлиғини муҳофаза этишда устувор йўналишларни белгилаш;

олий тиббий таълим ва тиббий кадрлар тайёрлаш тизимини ислох қилиш;

юқумли касалликларнинг олдини олиш чораларини кўриш.

Шунинг ўзиёқ аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг тиббиёт техникаси ва жиҳозларига бўлган эҳтиёж бозорини қондириш имконини беради. Бундан ташқари, молиялаштиришни марказлаштиришдан воз кечиш соғлиқни сақлаш бюджетининг 80-85 %ини маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан шакллантиш ва 12-20 %ини республика миқёсида сақлаб қолиш имконини яратди. Яқин йилларда соғлиқни сақлаш бюджети маблағлари 60 %ини давлат ҳисобидан, 30 %ини тиббий суғуртани ривожлантириш ҳисобидан ва 10 %ини пуллик хизмат ҳисобидан қоплаш мўлжалланмоқда.

Соғлиқни сақлашни молиялаштириш. Соғлиқни сақлашнинг давлат тизимини қайта қуриш тиббий хизматлар бозорини яратишда, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва унинг турли шакллари вужудга келтиришда намоён бўлади. Ўз навбатида, бу ўтиш даврига хос бўлган ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳажми ҳамда сифатига сезиларли таъсир кўрсатувчи муаммони юзага келтиради, яъни соғлиқни

сақлаш тизимини молиялаштириш механизми қайта курилади. Бу ижтимоий молиялаштиришнинг камайишида, хусусий бўғиннинг пайдо бўлиши ва кенгайишида, тармоқни бошқариш тизимининг кескин ўзгаришида намоён бўлади.

Жаҳонда ўтказилаётган тадқиқотлар шундан далолат берадики, миллатнинг соғломлиги соғлиқни сақлашга қилинаётган харажатлар миқдорига бевосита боғлиқ бўлмаса-да, соғлиқни сақлаш соҳаси ўзининг асосий вазифасини бажариш учун соҳага сарфланадиган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6-10 %ни ташкил этиши лозимлиги умумий равишда қабул қилинган. Кўплаб ривожланган мамлакатларда беморларнинг даволаниши учун қилинадиган сарфлар хиссаси умумий харажатлар миқдорининг 10-30 %и чегарасида тебраниб туради.

Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (УССТ) мутахассисларининг фикрича, молиялаштиришнинг асосий манбалари ўртасидаги нисбатда қуйидагича ҳолат афзал деб ҳисобланади: давлат бюджети-60, тиббий суғурта-30, пулли хизматлар-10%.

Соғлиқни сақлашни ривожлантиришда давлатга муҳим аҳамият берилиши қуйидаги уч асосий шароит билан асосланади: биринчидан, камбағалликни қискартириш ва хизмат учун эса ўзи ҳақ тўлай олмайдиганларни тиббий ёрдам билан таъминлашнинг зарурати; иккинчидан, тиббий хизматларнинг баъзи кўринишлари ижтимоий неъмат ҳисобланади ва у ташки самарага эга. Масалан, касаллик тарқатувчилар билан курашган, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий билимларни тарқатиш ва ниҳоят, учинчидан, соғлиқни сақлашга ҳамда тиббий суғурта бозори механизми камчиликларни бартараф этиш (касалланиш хавфининг турли даражаси, информацион асимметрия: тиббий хизматчилар фақат хизмат кўрсатибгина қолмай, шу билан бирга қандай хизмат кўрсатилиши лозимлиги ҳақида қарор қабул қиладилар). Шу сабабдан ҳам барча мамлакатларда давлат соғлиқни сақлаш тизимига аралашади. Бироқ, бу аралашув даражаси соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича турличадир.

Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилишнинг энг муҳим шартларидан бири тармоқни молиялаштиришнинг янги шаклини излаб топиш бўлди. Амбулатория-поликлиника муассасаларини молиялаштириш хизмат кўрсатилган аҳоли сонига, доимий даволаш муассасаларида даволанган беморлар сонига қараб белгилана бошлади. Сўнгги йилларда самарасиз фойдаланилган ўрин-тўшак сонлари қискартирилди, бу тиббий ёрдам кўрсатишнинг иқтисодий рентабелли амбулатория шаклини жорий этиш имконини берди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг молиявий асосларини шакллантириш негизида молиявий режалаштириш ётади. Айнан ана шундай режалаштириш муассасаларни сақлаш эҳтиёжи учун йўналтирилаётган маблағлар миқдори, тармоқ ичида ресурсларни тақсимлаш принциплари, улардан самарали фойдаланиш даражаси, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини шартли равишда чегаралаб беради. Шунинг учун соғлиқни сақлаш, молиялаштиришни такомиллаштириш бўйича бошланган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан тармоқни молиялашни режалаштириш ва мувофиқлаштириш масалалари қанчалик пухта ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Соғлиқни сақлаш тизимида ислохотлар. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, республикада юксак жаҳон талаблари даражасидаги юқори технологияли, ихтисослаштирилган тиббий марказларни шакллантириш, илғор тиббий технологияларни кенг жорий этишнинг ташкилий, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини вужудга келтириш мақсадида муҳим вазифалар амалга оширилмоқда.

Илғор чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали, ихтисослаштирилган, тиббий ёрдамга муҳтож беморларни қабул қилувчи ҳамда замонавий ташхис ва даволаш тиббий ускуналаридан фойдаланиб даволайдиган махсус клиникалар ва тиббий марказларни ташкил этиш орқали соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилинмоқда. Махсус клиникалар ва тиббий марказлар, қоида тариқасида, қуйидаги талабларга мос келиши лозим:

яхши тайёргарлик кўрган ва ўз тиббиёт соҳасида тан олинган ҳамда юксак обрў-эътибор қозонган шифокор-мутахассисларга эга бўлиш;

юқори технологияли ташхис ва даволаш тиббий ускуналари билан жиҳозланган, замонавий моддий-техника базасига эга бўлиш;

ўз тиббий амалиётида жаҳон талабларига мос келадиган даволаш ва ташхиснинг мураккаб усулларини жорий этиш ҳамда кенг қўллаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг тажриба тариқасида қуйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига биноан:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Урология илмий маркази негизида Республика ихтисослаштирилган урология маркази;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг академик В.Воҳидов номидаги Жарроҳлик илмий маркази негизида Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази;

Тошкент шаҳридаги Тошкент вилоят кўз микрохирургияси маркази негизида Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази;

Кардиология илмий-тадқиқот институти ва Тошкент шаҳридаги 15-шаҳар клиник шифохонаси негизида Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Қуйидагилар ташкил этилаётган ихтисослаштирилган тиббий марказларнинг асосий вазибалари этиб белгиланди:

Марказ фаолиятининг тегишли соҳаси бўйича замонавий ташхис усулларини жорий этиш ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

мавжуд тиббий техника ва аппаратларнинг доимий янгиланиб ва замонавийлаштириб борилишини таъминлаш, марказни илғор жаҳон ютуқлари даражасида юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берадиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

Марказнинг ўзини-ўзи молиялаш ва ўзини-ўзи қоплаш шартлари асосида фаолият кўрсатишини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техникавий ресурсларни жалб этиш борасидаги менежмент ва маркетинг ишларини ташкил этиш;

Марказ тиббиёт ходимларининг, шу жумладан, мутахассисларнинг етакчи хорижий тиббиёт ўқув муассасалари ва клиникаларда амалий малака орттиришларини ташкил этиш ҳисобига касб маҳоратини доимий ошириб бориш ва такомиллаштириш;

беморларни даволашнинг илғор усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда тиббий амалиётга жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш;

соҳага алоқадор илғор хорижий тиббиёт муассасалари ва марказлари билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мустақамлаш, ахборот, тўпланган тажриба ва мутахассисларни кенг қўламда айрибошлашни таъминлаш.

Бу тадбирларни амалга оширишда шундай тартиб ўрнатилдики, бунда:

давлат иомидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ва Молия вазирлиги ҳамда Марказ Кенгаши тимсолида Марказнинг меҳнат жамоаси Республика ихтисослаштирилган тиббий марказларининг муассислари ҳисобланадилар;

давлатга тегишли мулк ишончли бошқарув ҳуқуқи билан Марказнинг устав жамғармасига топширилади;

давлат томонидан мададга муҳтож бўлган шахслар (имтиёзли тоифадаги шахслар)га давлат бюджети ҳисобидан юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилади.

Марказнинг фаолияти давлат бюджети маблағлари, Марказнинг ўз даромадлари ва жалб этиладиган манбалар (грантлар, ҳомийларнинг маблағлари ва бошқалар) ҳисобига аралаш асосда молияланади. Бунда давлат бюджети маблағлари ҳар бир Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали харажат моддалари бўйича тақсимланмаган ҳолда алоҳида сатр билан ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йилги республика бюджетларини шакллантириш чоғида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2004 йилдан бошлаб, Республика ихтисослаштирилган марказларининг узоғи билан 2008 йилда ўзини-ўзи молиялаш ва ўзини-ўзи қоплашга ўтишини назарда тутган ҳолда ушбу Марказларни сақлашга бюджет маблағларининг жорий харажатлари босқичма-босқич камайтириб борилишини кўзда тутган. Марказ меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши томонидан сайланадиган Марказ Кенгаши Республика ихтисослаштирилган тиббий марказининг юқори бошқарув идораси ҳисобланиши белгилаб қўйилиши кўзда тутилмоқда. Кенгаш аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тақдимномаси бўйича ҳукумат қарори билан тайинладиган директор Марказ Кенгашининг раиси ҳисобланади.

Марказларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

Марказнинг устав жамғармасига топшириладиган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни бошқариш;

лавозимлар рўйхатини мустақил равишда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, Марказ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига нисбатан табақалаштирилган тарзда белгилаш.

Қуйидагилар тасдиқланди:

Республика ихтисослаштирилган тиббий марказини барпо этиш ва унинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисида Низом;

Республика ихтисослаштирилган марказлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахсларнинг рўйхати.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган марказлар билан биргаликда белгиланган тартибда қуйидагиларни ишлаб чиқиб, тасдиқлади:

ташхис ва даволаш сифати стандартларига риоя этган ҳолда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Республика марказлари томонидан аҳолига пулли хизмат кўрсатиш қодалари;

Республика ихтисослаштирилган марказларини молиялаш тартиби ва манбалари тўғрисида Низом;

ихтисослаштирилган марказлар томонидан пулли тиббий ёрдам кўрсатиш учун тарифларни шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби;

имтиёзли тоифадаги беморларни даволаш ҳақини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлаш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Республика ихтисослаштирилган марказларининг бюджет маблағларидан, тасдиқланган тарифлардан мақсадли ва қонуний фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Республика ихтисослаштирилган марказларини даволаш ва ташхис ускуналари, тиббиёт асбоблари билан жиҳозлаш нормативларини ишлаб чиқиб, ана шу нормативлар асосида 2003 йилдан бошлаб, республика инвестиция дастурларида уларни замонавий тиббиёт ускуналари ва асбоблари билан тўлиқ таъминлаш учун зарур капитал маблағлар кўзда тутилган.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу Республика ихтисослаштирилган марказлари ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган тиббиёт ускуналари ва асбоблари учун 2003 йилнинг 1 мартидан то 2013 йилнинг 31 декабрига қадар 10 йил муддатга барча турдаги солиқлар, божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинди, бўшайдиган маблағлар Марказларни ривожлантириш ва жиҳозлашга мақсадли тарзда йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган марказлари ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда 2003 йилда амалга ошириладиган тажриба таҳлили натижалари бўйича Марказларнинг норматив базасини, улар фаолиятини ташкил этиш ва молиялаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Соғлиқни сақлашда «таъминот» тушунчаси нима?
2. Соғлиқни сақлаш инфратузилмаси нима?
3. Ижтимоий инфратузилма қандай ташкил этилади?

11.3. Таълим тизими инфратузилмаси

Бугун дунёда кўзга кўринган олим ва мутахассислар, жаҳондаги машҳур ўқув юртлари, нуфузли халқаро тузилмаларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирокида Ўзбекистонда шаклланган таълим тизимини ислоҳ этиш модели ва уни амалга ошириш бўйича тўпланган тажрибанинг муҳокама қилиниши биз учун юксак шарафдир. Ислом КАРИМОВ Президентимизнинг доимий эътибори натижасида ўтган йиллар давомида юртимизда жаҳондаги нуфузли университетлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Натижада Тошкентда Буюк Британиянинг Халқаро Вестминстер университети иш бошлади. И.Губин номидаги Россия нефть ва газ давлат университети, Италиянинг Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиаллари каби юксак халқаро обрў- эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди ҳамда муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозорида талаби юқори бўлган мутахассислар

бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда ва уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинган дипломларга эга бўлмоқда Умуман, муайян бир мамлакат доирасидаги таълим жараёнини ислоҳ этишнинг ҳар қайси модели универсал даражага кўтарилишга даъво қилиш мумкин эмас. Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ этиш дастурини жорий этиш бўйича амалга оширилган ва амалга оширилаётган барча ишлар биринчи навбатда, мамлакатимизнинг узоқ муддатли манфаатларига, унинг ҳозирги анча мураккаб ривожланиш босқичининг мавжуд ҳолати ва хусусиятларига жавоб беради.

11.4. Жисмоний тарбия ва спорт инфратузилмаси.

Жисмоний тарбия ва спорт инфратузилмасини ривожланиб бориши мамлакатимизда барча ҳудудларида спорт иншоотлари жисмоний тарбиянинг ва спорт машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишда моддий техникавий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Спорт иншоотлари спорт иншоотларини лойиҳалаштириш, спорт иншоотларидан фойдаланиш, спорт иншоотларининг меъёрий талаблари ўрганилади. Замонавий спорт иншоотлардан фойдаланишда талабаларга қуйидаги талаблар қўйилади:

Спорт иншоотлари ҳақида керакли назарий билимни эгаллаш ва амалда уларни қўллаш билиш маҳоратини ўрганиш; спорт иншоотларидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишни билиш, ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш; ҳар хил жиҳозлар, қурилмалардан фойдаланиш, уларни тайёрлаш қодалари ва усуллари, машғулотларни ўтказиш учун мустақил жой тайёрлаш, спорт иншоотларининг атроф-муҳитга таъсирини тўғри ҳисобга олишни билиш.

Ўқув режасига киритилган жисмоний тарбия тарихи, жисмоний тарбия назарияси ва услубияти, физиология, психология, фалсафа, маънавият ва маърифат асослари, танланган спорт тури назарияси ва услубиёти фанлари билан узвий алоқада ўқитилади.

Ўзбекистонда халқаро спорт тадбирлари (мусобақалари) мустақилликка қалар қарийб ўтказилмаган бўлса, сўнгги йилларда республикамиз энг йирик халқаро мусобақаларни юксак ташкилий даражада ўтказишга қодир бўлган мамлакат сифатида шухрат қозонди. Замонавий спорт иншоотларининг бунёд этилиши диёримизда энг йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш имкониятини бермоқда.

Спорт иншоотлари жисмоний тарбиянинг моддий техникавий асоси ҳисобланади. Улар махсус қурилган иншоотлар бўлиб, барча спорт турларидан жисмоний тарбия машғулотлари ўтказишга мўлжалланган бўлади.

“Спорт иншоотлари” спорт педагогикаси босқичида унинг бир бўлаги ҳисобланади. Талабалар бу босқичда илм ўрганиш учун спорт гигиенаси, биомеханика, педагогика, жисмоний тарбия назарияси ва усулларида маълум даражада билимларга эга бўлиши лозим. Танланган мутахассислик бўйича талабалар келажакда ўз малакасини ошириш учун, ўз навбатида, спорт иншоотларидан фойдаланиш, қурилишдаги меъёрий қодаларни билишлари лозим.

Жисмоний тарбия мазмуни бу фаннинг асосий ўрнини аниқлаб беради ва бўлажак мутахассисга ўзи танлаган спорт туридан спорт иншоотлари ижтимоий тажрибаларини ва ривожланишини ўргатади.

“Спорт иншоотлари” дан фойдаланишнинг мақсади:

- спорт иншоотлари ҳақида керакли назарий билимларни эгаллаш ва амалда уларни қўллай билиш маҳоратини ўрганиш;

- спорт иншоотларидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишни билиш, ҳал этишга тайёр туриш, ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш;

- юқори меҳнат маданиятини тарбиялаш, жамоат меҳнати натижасида бунёд этилган бойликларга тўғри муносабатда бўлиш.

“Спорт иншоотлари” дан фойдаланишнинг вазифалари:

- спорт педагогикаси фаолияти учун энг мақбул шароит яратиш, уни топиш, тушунтириш;

- жисмоний тарбия машғулотлари ўтказиладиган жойдан унумли ва мақсадга мувофиқ ҳолатда фойдаланиш;

- ҳаракат фаолиятини мақсадга мувофиқ йўналтириш учун назарий билимлар тизимини машғулот ўтказиладиган жойга тўғри мувофиқлаштириш;

- спорт иншоотларини тўғри тушуниш;

- кишиларнинг ҳаракат фаолиятини ўтадиган жойлар шарт-шароитини яхшилаш;

- жамият меҳнати билан бунёд этилган моддий ва қимматбаҳо бойлик бўлмиш спорт иншоотларини меъморий шакл сифатида асраш;

- соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортга хизмат қиладиган ижтимоий ташкилотни жисмоний тарбия тизимининг таркибий қисми деб билиш.

Спорт иншоотлари бўлажак мутахассисларга мураббий ва ўқитувчи бўлишида ижтимоий тажриба беради. Спорт иншоотларидан фойдаланишда ўқув материали мазмуни ҳар хил жиҳозлар, қурилмалардан фойдаланиш, уларни тайёрлаш қоидалари ва усуллари, ҳаракат ва машқларга мустақил жой тайёрлаш, спорт иншоотларининг атроф-муҳитга таъсирини тўғри ҳисобга олишни ўргатади.

“Спорт иншоотлари” –жисмоний тарбия мутахассисларига малака ошириш, ўсиш учун керакли шарт-шароит яратади.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1.Маданият ва ҳордиқ чиқариш инфратузилмаси?

2.Соғлиқни сақлаш тизими инфратузилмаси?

6. Ижтимоий инфратузилманинг моҳияти ?

Қайдлар учун

12.1. Кичик бизнес ва тадбиркорликда меҳнат тақсимоти ва унимдорликни оширишда аутсорсинг хизматлари.

12.2. Консалтинг, трейнинг корхоналари хизматлари.

12.3. Бухгалтерия ва аудит, молия корхоналари хизматлари.

12.4. Head hunting (хедхантинг), call centre (кол центр), маркетинг агентликлари хизматлари

Таянч иборалар: Кичик бизнес ва тадбиркорлик, Аутсорсинг хизматлари, Консалтинг хизматлари, тренинг хизматлари, Head hunting (хедхантинг), call centre (кол центр), маркетинг агентликлари хизматлари

12.1. Кичик бизнес ва тадбиркорликда меҳнат тақсимоти ва унимдорликни оширишда аутсорсинг хизматлари.

Аутсорсинг мазмуни ва унинг турлари

Демак, аутсорсинг (outsourcing) нима? (out - ташқи, source - манба) инг. Аутсорсинг – бу Сизнинг фирмангиз фаолиятига хизмат кўрсатиш функциясининг бир қисмини бошқа бажарувчи ташкилотга бериш.

Ҳозирги вақтда компаниялар бозор томонидан мисли кўрилмаган тазйиққа дуч келишади. Ўз товар ва хизматларини юқори сифатини сақлаган ҳолда операцион харажатларни пасайтиришга эришиб, бизнесни самарали шаклда ташкил қилаётган ташкилотларгина муваффақиятга эришишади ва яшаб қоладилар. Рақобатда устунликка эришиш имконини берувчи замонавий ва муваффақиятли бизнес моделлардан бири – аутсорсингдир.

Аутсорсинг турлари. Аутсорсингнинг қуйидаги (асосий) турлари кенг тарқалган: бухгалтерлик, юридик, кадрлар бўйича, ИТ аутсорсинг, бинони йиғиштириш (клининг), кўчмас мулк объектларидан фойдаланиш аутсорсинги, логистик ёки транспорт аутсорсинги, ходимлар аутсорсинги.

Аутсорсинг тамойили: “ўзимда фақатгина бошқалардан яхшироқ бажара оладиганимни қолдираман, ташқи бажарувчига у бошқалардан яхшироқ бажара оладиганини бераман”.

Аутсорсингнинг афзалликлари:

Маблағларни тежаш. Аутсорсинг хизматининг нархи ўзингизда шундай структурани қуриш харажатларига қараганда арзон. Сиз ходимларингизга ҳисобланган иш ҳақиға нисбатан ижтимоий суғуртага ажратма қилишингиз, ҳамда даромад солиғи ушлаб қолишга мажбурсиз. Аутсорсер хизматининг қиймати бу сизнинг харажатингиз ҳисобланиб, солиққа тортиладиган базани камайтиради.

Иш ўрнини тежаш. Ўзингизда тегишли структурани яратиш учун қўшимча офис майдончасини, оргтехникани, канцелярия харажатларини, ахборот-ҳуқуқий тизимларини ва лицензияланган дастурий таъминотни талаб қилиши мумкин

Доимий узлуксиз иш. Ўз ишчи ва ходимларингизга сиз йиллик меҳнат таътили, касаллик нафақаси беришга мажбурсиз. Аутсорсер фирма доимий ишлайди.

Вақтни тежаш. Кадрларни танлаш – вақт талаб қиладиган оддий бўлмаган масала ҳисобланади. Сизга зарур бўлган инфратузилма, технологиялар ва мутахассислар бизда етарлича мавжуд.

Кафолатланган сифат. Аутсорсер фирма ўз штатида юқори малакали мутахассислар командаси мавжуд ва бундай лойиҳаларни бажаришда бой тажрибага эга.

12.2.Консалтинг, трейнинг корхоналари хизматлари.

Бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларидаги корхоналардан фарқли равишда бир марталик эмас, аутсорсинг корхоналари билан узоқ муддатли, 1 йилдан кам бўлмаган шартномалар имзоланади.

Кичик корхоналарда баъзи штат ходимлар ва бўлимларни сақлаш имконияти йўқ. Масалан, маркетинг бўлими, ички аудит бўлими, транспорт бўлимларини. Бундай ҳолатларда ташқи ресурслардан яъни аутсорсинг корхоналарида фойдаланиш ҳисобига харажатларни камайтириш ва юқори малакали хизматлардан фойланиш имкониятига эга бўлади.

Кичик бизнес корхоналари аутсорсингга иқтисослашиши ҳам мумкин. Бунда корхона бир неча корхоналарга хизмат кўрсатиш ҳисобига миқдорлар базасини шакллантириши мумкин. Соҳага иқтисослашуви эса унга рақобатдаги устунликни ҳам таъминлаб беради.

Консалтинг корхоналари бошқа корхоналарга иш юритиш бўйича таклиф ва тавсия беришга иқтисослашган корхоналардир. Консалтинг ахборот коммуникатсияси, молия, тижорат, савдо, ҳуқуқ, бошқарув, техникавий ёрдам каби соҳаларда бўлиши мумкин.

Консалтингнинг мақсади менежерларга олдида қўйилган мақсадни амалга ошириш учун ёрдам ва маслаҳат беришдан иборат. Одатда шу соҳани экспертлари бу ишни амалга оширади. Консалтинг фирмалар ҳам соҳалар бўйича иқтисослашиши ёки бир бирига яқин соҳаларни умумлаштириши мумкин.

Қайси ҳолларда консалтинг корхоналари мирожат қилинади? Агар:

- корхона янги идея (ғоя)ларга муҳтож бўлса;
- корхона раҳбарларининг (ёки акционер кенгашининг) бирор масала юзасида бир тўхтамга келиша олмаса, ташқи экспертларнинг бетараф фикрини олиш учун;
- бирор лойиҳани охирига етказишда ёрдам олиш учун (лойиҳа режадагидек амалга ошмаганда);
- корпоратив бошқарувда юқори ва қуйи поғанадаги иш бошқарувчилар ўртасида боғловчи вазифасини бажариши учун.
- Трейнинг корхоналари ходимларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта мутахассисликка ўқитиш билан шуғулланади. Одатда янги техника ёки янги билимларни, хориж амалиётини, мазкур соҳадаги янги ютуқларни ходимларга ўргатади, тажриба алмашади. Бу корхона ходимларининг салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

12.3.Бухгалтерия ва аудит, молия корхоналари хизматлари.

«1с: бухгалтерии 8»да бухгалтерлик ва солиқ ҳисобини олиб боришда аутсорсингдан фойдаланиш

Ушбу маълумот бошқа тиллардИхтисослашган компаниялар томонидан бухгалтерлик ҳисобини юритишган бўлган юқори талаб кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши билан боғлиқ. Таркиби тарихтисосли мутахассислардан иборат бўлган кичик корхоналарда бухгалтерия бўлимини ушлаб туриш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди: кўплаб корхоналарга бухгалтерлик хизматлари оёйга

атиға бир неча марта, баъзан эса ҳатто чоракда бир марта зарур бўлади. Шу сабабли ушбу машаққатли жараёни бизнинг мутахассисларимизга ишонишингиз мумкин. Бир пайтнинг ўзида бу меҳнат ресурсларини бизнесингиз учун муҳимроқ бўлган вазифаларни ҳал қилишга қаратиш имконини беради.

Ўз навбатида биз сизнинг хўжалик фаолиятингизни мулкчилик шаклидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қатъий риоя қилган ҳолда профессионал юргизиш ва олиб боришни таъминлаймиз.

Кичик корхона бошлиғига бухгалтерияни ўрганиш бўйича кўрсатмалар. Агарда сиз унча катта бўлмаган фирма, ваколатхона ёки ишлаб чиқариш цехини бошқарсангиз ва сиздаги бошланғич бухгалтерлик хужжатлари кўп бўлмаса қуйидаги ҳақли савол туғилади – Сиз бухгалтерияни мустақил ўрганишингиз керакми ёки штатга доимий бухгалтер ёллаган маъқулми?

Балким Сиз учун бухгалтерлик ва молиқ ҳисобини юритиш ҳақиқий бошоғриғидир... ва гап бухгалтерлик асосларини ўрганишга вақт етмаслигида ҳам эмасдир. Ушбу мажбуриятнинг бир қисми қонунчиликдаги ва ҳисоботларга талаблардаги ўзларишлардан хабардор бўлиб туриш ҳисобланади.

Масалан:

1. Йилда бир марта солиқ ставкалари ўзгаради (Ўз.Р. Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПП1449 сонли “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг асосий макроиктисодий кўрсаткич ва параметрларининг прогнозлари ҳақида”

Фармонидаги охириги ўзгаришлар ҳақида, (30.12.2010).

2. Статистика ва бухгалтерлик ҳисоботини топширишга янги талаблар пайдо бўлмоқда (“Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори жорий этилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” Низомларидаги ўзгаришлар (10.03.2011) ва “Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори жорий этилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” Низомларидаги ўзгаришлар (04.03.2011).

3. Тўлов хужжатларини ажрата билиш, банк кодларини ва банк кўчирмаларига хос бошқа қисқартиришларни тушуниш лозим.

Раҳбар кўпинча мижоз олдидаги шартнома мажбуриятлари, тўхтовсиз телефон музокаралари ва бошқа ишлар билан банд бўлади, шу сабабли яхши малакага эга бўлган, лекин иш ҳақи юқори бўлмаган Бухгалтерга эҳтиёж туғилади.

Кўшимча равишда Сиз иш жойини ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлардан, махсус адабиётларга обуна бўлиш, маълумот-ахборот базаларини харид қилиш харажатларини ҳам тежаб қоласиз.

Доимий бухгалтер ўрнига вақтинчалик бухгалтер

Ушбу вазиятда бухгалтерлик ва солиқ ҳисоботини юритишни келиб-кетувчи бухгалтерга бериш мақсадга мувофиқ. У Сизнинг бухгалтериянингизнинг хужжат алмашинувини – ҳисоб-фактураларини, тўлов қоғозларини, статистик ҳисоботлари ва бошқа хужжатларни юритишни ташкил қилади.

Натижада хизматларни малакали мутахассислар қўлига бошқарувга топшираётган томон моддий-техник чиқимлар қилмайди, ўзининг солиқ ва бухгалтерия ҳавфларини пасайтиради .

Бир неча ҳисоблар бўйича кўплаб бирламчи хужжатлар

Агар сиз бир неча ҳисоблардан иборат бирламчи хужжатлари ҳажми кўп бўлган кенг кўламли бизнесни бошқараётган бўлсангиз ва ҳисоботларни тайёрлаш вақтлари стандарт бўлса, вақтинчалик ташқи бухгалтерни жалб қилиш вариантини ўйлаб кўришингиз мақсадга мувофиқ.

Идеал ҳолатда бу каби бизнесда икки бухгалтерлик мутахассис – бошланғич ҳужжатлар билан шуғулланувчи бухгалтер ва бош бухгалтернинг бўлгани маъқул.

Бошланғич маълумотлар билан ишовчи бухгалтерни доимий штатда қолдириб, бош бухгалтер вазифаларини ташқи мутахассисларга бериш мақсадга мувофиқ.

Бу қарор натижасида раҳбар қандай натижага эришади? Энг аввало, иш жойи, техник ва дастурий таъминот, адабиётлар, бухгалтер ўтирадиган жой ижарасига кетадиган харажатлар қисқаради, шунингдек, бухгалтерлик ҳисоби ўз мутахассиси томонидан олиб борилганда кўпроқ учрайдиган хатолар эҳтимоли камайтиради.

Бухгалтерлик ҳисобини тайёр шаблонлардан фойдаланган ҳолда қўлда олиб бориш

Фараз қилайлик, Сиз ҳисобни қўлда ёки Excelда олиб бораяпсиз ва ҳужжат шаблонларидан фойдаланган ҳолда янги ҳужжат талабларидан келиб чиқиб унинг:

1. Санасини.
2. Тўлов суммасини.
3. Олувчининг реквизитларини ва ҳ.к. ўзгартираяпсиз.

Бу ҳолда Сизда ҳужжатнинг барча электрон, қоғоз нусхалари ва оригиналлари сақланаяптими? Уларни илк зарур бўлган ҳолда топа оласизми? Ўзингиз мустақил равишда бир йиллик ёки чораклик тўловларни таҳлил қилиб чиқа оласизми?

Кредит ёки хизмат бўйича фоизлар тўғри ҳисобланганми?

Сиз хизматларидан фойдаланаётган банк ўтган йили ёки чоракда банк хизмати учун қанча пул олиб қолганини биласизми? Агар тўловларни ҳафтасига кўриб чиқилса, улар жуда кам кўринади. Аммо барча банк тўловлари ва комиссиялари таҳлил қилиб чиқилса, банк бошқарувчилари билан банк хизматларидан фойдаланиш учун олинадиган фоизлар бўйича саволлар ва уни пасайтириш учун асослар туғилади.

Сиз ҳеч қачон банклар томонидан қўйилаётган фоизларнинг тўғри ҳисобланганлигини текширганмисиз? Эҳтимол бу йўналишда ҳам профессионал бухгалтерлар Сизга жавоб топиб бериши мумкин бўлган саволлар туғилса ажаб эмас.

Агар Сиз бу барча саволларга салбий жавоб берган бўлсангиз, бу профессионал мутахассисни ишга олиш учун бир сабаб бўлиши мумкин...

Ҳисобни аутсорсинг асосида юритишга муқобил вариантлар борми?

Бухгалтерлик ва солиқ ҳисобини ихтисослашган компанияга юритишга бериш компания фаолияти ўзига хосликларидан, вазифаларидан, мутахассислар сони ва сифати, бюджетдан келиб чиққан ҳолда бутунлай ёки қисман амалга оширилиши мумкин.

Бунда ўзаро бирга ишлашнинг уч варианты мавжуд:

Профессионаллар барча бирламчи ҳужжатларни юритадилар ва барча бухгалтерлик ва солиқ ҳисоботини мустақил равишда топширадилар.

Бошланғич ҳужжатларни сиз юритасиз, профессионаллар эса назорат органларига ҳисобот топширадилар.

Профессионалларбирламчи ҳужжатларни (алоҳида бўлим) юритадилар, ҳисоботни эса Сиз ўзингиз топширасиз.

Сиз фақат Сизга ҳақиқатдан ҳам керак бўлган ишлар ҳажмигагина ҳақ тўлайсиз. Бухгалтерга, ва ҳатто бутун бухгалтерлик бўлимига тўланадиган ойлик маошдан тежалган маблағ, компания бюджети учун сезиларли бўлади.

Ой, чорак яқунлангандан кейин (ҳисобот топшириш даврийлигидан келиб чиққан ҳолда) ва ҳисобот топшириш муддатига қадар (чорак ҳисоботлари учун кейинги чорак(ой)нинг 25 кунигача ва йиллик ҳисобот бўйича 15 февралгача) профессионаллар Сизнинг ёнингизга келишади ва бир неча соат ичида офисингиздаги барча ҳужжат алмашинувини MS Excel ёки 1С Бухгалтерия дастури ёрдамида тартибга солишади.

Ҳусоб-китоб юритишни профессионалларга ишониб, Сиз бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб китобларнинг ҳолати ҳақида маълумот олишга кетадиган вақтни тежаб қоласиз.

Профессионал бухгалтерлар Сизга тўғри янгиланган бланклар харид қилишда Сизнинг вақтингиз ва маблағларингизни тежаб қолишга имкон беришади, шунингдек, бланкларни тўғри ва ўз вақтида тўлдиришга кўмаклашишади.

Сизга фақат ҳужжатларни имзолаш, муҳр қўйиш ва ҳисоботни солиқ инспекциясига топшириш қолади холос.

Бухгалтерлик ҳисоби аутсорсинг хизматлари қиймати

Хизматнинг бошланғич нарҳларини бизнинг сайтимида онлайн буюртма бериб билиб олишингиз мумкин. Бунинг учун ўз муаммонгизни таърифлаб, бизнесингиз ўзига хосликларини ёзиб қолдиришингизнинг ўзи етарли. Сиз томонингиздан юборилган маълумотлар ўрганилганидан кейин, бухгалтерлик ҳисоби бўйича маслаҳатчилар, www.bizplan.uz портали ҳамкорлари Сиз билан албатта боғланишади.

12.4.Head hunting (ҳедхантинг), call centre (қол центр), маркетинг агентликлари хизматлари

Ходимлар излаш ва танлашга кўмаклашишдан ташқари, UzJobs барча қизиққан компаниялар учун кадр консалтинг ва аутсорсинг бўйича комплекс хизматлар ҳам кўрсатади

Кадр консалтинг - бу кадрлар билан ишлаш ва ҳужжатлар айланмаси, меҳнат муносабатлари ва меҳнат қонунчилиги меъёрлари масалалари бўйича маслаҳат хизматидир.

Кадр консалтинг доирасида компаниямиз мутахассислари Сизга қуйидаги хизматларни кўрсатадилар

Кадрлар ҳисобини баҳолаш

Компаниянинг кадрлар билан ишлаши меҳнат қонунчилиги талаблари ва кадрлар ҳужжати юритиш меъёрларига мувофиқ келиши баҳоланади. Ўтказилган баҳолаш натижаси асосида топилган камчиликлар тўғрисида ҳисобот ва камчиликларн этади.

Кадрлар ҳисобини йўлга қўйиш

Янгидан ташкил этилган корхоналар учун уларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар ҳисоби "нол" дан йўлга қўйиб берилади. Бу ўз ичига кадрлар ҳисобида ишлатиладиган тўла ҳужжатлар туркуми, яъни шакллар, бланкалар, рўйхатга олиш журналларини тақдим этиш, меҳнат қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳужжатларни тузишдан иборат

Кадрлар билан ишловчи ходимни тайёрлаш

Зиммасига корхонада кадрлар ишини юритиш юкланган ходим индивидуал равишда тайёрланади. Тайёрлов асосий иш жараёнидан ажралмаган ҳолда олиб борилади. Тайёрлов жараёнида ходим кадрлар билан ишлашда зарур бўлган турли бланкалар, шакллар ва шаблонлар (буйруқлар, аризалар, рўйхатга олиш китоблари ва ҳ.к.) намунаси билан таъминланади, меҳнат қонунчилиги меъёрлари бўйича зарур билимларни олади. Асосий тайёргарлик тугагач, кадрлар билан ишловчи ходим маълум муддат давомида бепул маслаҳатлар олиб туради.

Ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш

Компаниялар сўровига биноан, кадрлар ишини ва корхонада иш бошқаришни (шу жумладан: таркибий тузилмалар тўғрисидаги низом, жамоавий шартнома, ички меҳнат қоидалари, лавозим йўриқномалари ва бошқа ташкилий ҳужжатлар) мувофиқлаштирувчи ички меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилади

Кадр аутсорсинги - бу ташкилотга ходимлар билан ишлаш вазифасини беришдир

Кадр аутсорсинги доирасида компаниямиз мутахассислари Сизнинг кадрлар бўлимингиз бажариши керак бўлган қуйидаги вазифаларни зиммаларига оладилар:

Штат рўйхатини тузиш

кадрлар билан ишлашда қўлланиладиган шакллар, бланкалардан фойдаланган ҳолда шахсий ишларни шакллантириш, шахсий ишни ходимнинг корхонадаги меҳнат фаолияти давомида юритиш

Меҳнат шартномалари тузиш

Иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат муносабатларини расмийлаштириш: меҳнат шартномасини ишлаб чиқиш, тузиш, ўзгартириш ва тўлдиришлар киритиш, шунингдек, меҳнат шартномасини бекор қилиш

Шахсий ишларни олиб бориш

Ташкилий тузилма, уни тасдиқлаш ва ўзгартишлар киритишни ҳисобга олган ҳолда корхонанинг штат рўйхатини тузиш.

Меҳнат шартномалари тузиш

Иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат муносабатларини расмийлаштириш: меҳнат шартномасини ишлаб чиқиш, тузиш, ўзгартириш ва тўлдиришлар киритиш, шунингдек, меҳнат шартномасини бекор қилиш

Корхонада ижтимоий суғурта бўйича комиссия фаолиятида қатнашиш

Ходимнинг ижтимоий суғурта ҳуқуқини берувчи умумий иш стажини ҳисоблаш, вақтинча ишга лаёқатсизлик варақасини ҳамда ижтимоий суғурта бўйича комиссия йиғилиши баённомасини расмийлаштириш

Ташкилий-буйруқ ҳужжатларини юритиш

Корхона раҳбариятининг шахсий таркибни қабул қилиш, ишдан бўшатиш, уларни бошқа ишга ўтказиш, меҳнат таътилларини бериш, хизмат сафарларига оид буйруқларини ёзиш ва расмийлаштириш

Кадр консалтинг ва аутсорсинг хизматлари компаниямиз томонидан сайт доирасидан ташқарида, шартнома асосида кўрсатилади. Уларнинг нархи буюртманинг ҳажми, мураккаблиги ва бажарилиш муддатига қараб ҳар бир ҳолат учун белгиланади.

4. Head hunting (хедхантинг), call centre (кол центр), маркетинг агентликлари хизматлари?

5. Кичик бизнес инфратузилмасининг ривожланишида таъсир этувчи омиллар ?

6. Республикамиз корхоналарида инфратузилмадан фойдаланиш қандай йўлга қўйилган ?

Қайдлар учун



Lined writing area consisting of multiple horizontal lines for text entry.

Қайдлар учун

Blank lined area for writing.

13-мавзу. Халқаро интеграцион ташкилотлар ва инфратузилмалар.

13.1.Халқаро инфратузилманинг таркибий қисмлари.

13.2.Халқаро интеграцион ташкилотлар ва уларнинг марказлари

13.3.Халқаро молиявий ташкилотларнинг фаолияти.

Таянч иборалар: Халқаро инфратузилма, интеграцион ташкилотлар, халқаро валюта фонди, халқаро ташкилотлар,халқаро молия ташкилотлари

13.1.Халқаро инфратузилманинг таркибий қисмлари.

Бугунги кунда халқаро молиявий ташкилотларнинг амалий алоқаларига қисқача тўхталадиган бўлсак, улардан Халқаро Валюта Фонди (ХВФ), Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ), Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) каби йирик молиявий ташкилотлар билан жуда изчил ва фаол ишлар олиб борилмоқда. Мазкур ташкилотлар биз танлаган йўл ва амалга оширилаётган ислохотларнинг тўғри эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилганликлари учун ҳам яқин ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқдалар.

Халқаро молия ташкилотлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2015 йилда иқтисодий тизимнинг реал секторига жалб этиладиган чет эл инвестициялари ҳажми 3,5 миллиард доллардан ошиб, уларнинг умумий капитал қўйилмалар ҳажмидаги улуши 22,1 фоизни ташкил этади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши эса 11,2 фоизга кўпаяди¹⁶.

Тижорат банклари ҳамда халқаро молия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари асосан иқтисодий тизимнинг қуйидаги тармоқ ва соҳаларига қаратилган:

- кайта ишловчи саноат тармоқларини ривожлантиришга;
- аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга;
- таълим тизимидаги ислохотларни ривожлантиришга;
- соғлиқни-сақлаш тизимидаги ислохотларни яхшилашга;
- банк-молия тизимининг самарадорлигини таъминлашга;
- ижтимоий инфраструктура тизимини ривожлантиришга;
- хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни тараққий эттиришга;
- ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш соҳа ва тармоқларини жадал модернизациялашга ва бошқалар.

Демак, Ўзбекистон иқтисодий тизимига халқаро молия ташкилотларининг маблағларини жалб этишни такомиллаштириш масалалари иқтисодий сиёсатимизнинг долзарб ва устувор вазифаларидан бири сифатида ўз ўрнига эга бўлиб қолаверади.

1.2. Жаҳон банки гуруҳи ва унга кирувчи ташкилотлар фаолияти

Жаҳон банки – 190дан ортиқ ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатувчи халқаро молия ташкилотидир.

Жаҳон банкининг бош мақсади – иқтисодий ўсиш даврини бошдан кечираётган ривожланаётган мамлакатларни кредитлаш йўли билан камбағаллик даражасини пасайтириш ҳисобланади. Кредитлар ушбу давлатдаги иқтисодий ўсишни жадаллаштиришга ҳамда фуқароларнинг ҳаёт даражасини яхшиланишига имкон туғдиради.

Ҳозирги даврда Жаҳон банки минг йиллик Декларациясига мувофиқ ўз фаолиятининг асосий вазифаларини белгилаб олган. Минг йилликдаги ривожланиш мақсадларига 2025 йилгача эришиш лозим бўлиб, у ўз ичига қуйидагиларни олган:

- камбағаллик ва очликга барҳам бериш;
- умумий бошланғич таълимни таъминлаш;
- болалар ўлимини қисқартириш;
- оналик муҳофазасини яхшилаш;

¹⁶ Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.// Президент И.А.Каримовнинг 2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи - 2011 йил 22 январь.

ВИЧ/СПИД, малария (безгак) ва бошқа касалликларга қарши курашиш;
атроф-муҳитнинг барқарор ривожланишини таъминлаш;
ривожланиш мақсадларида глобал ҳамкорликни шакллантириш.

13.2. Халқаро интеграцион ташкилотлар ва уларнинг марказлари

Жаҳон банкининг фақатгина ривожланаётган мамлакатларга узоқ муддатли ёрдам кўрсатади,

Халқаро Валюта Фонди фаолияти эса мамлакатдаги вақтинчалик молиявий инқирозни бартараф қилишга йўналтирилган.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ, инг. International Bank for Reconstruction and Development) - Жаҳон банкининг асосий кредит ташкилоти бўлиб кенг миқёсда Жаҳон банки номи билан танилган. Ушбу банкга аъзо бўлиш учун ариза тақдим этган мамлакат аввало ХВФга аъзоликка кирган бўлиши лозим. Банкнинг барча қарзлари аъзо давлатлар ҳукуматлари томонидан кафолатланиши керак. Қарзлар бўйича ҳар олти ойда ўзгарувчи фоиз ставкаси белгиланади. Ҳозирги вақтда мазкур ставка 6-7%га тенг. Қарзлар асосан 15-20 йил муддатга, асосий қарз суммаси бўйича тўловларни 3-5 йилга узайтириш тартибида берилади. Қарз бериш давлат ҳукуматининг кафолати олингандан сўнг амалга оширилади¹⁷.

ХТТБ – 1944 йилда Бреттон-Вудсдаги (АҚШнинг Нью-Хемпшир штатидаги шаҳарча) Халқаро валюта – молиявий конференцияда ХВФ билан бир вақтда тузилган давлатлараро инвестиция институтидир. Бир вақтнинг ўзида банкнинг низоми ҳам бўлиб қолган ХТТБ ҳақидаги Битим 1945 йилда расмий жиҳатдан кучга кирган, банк ўзининг фаолиятини 1946 йилдан бошлаган. ХТТБнинг штаб-квартираси – АҚШнинг Вашингтон шаҳрида жойлашган. ХТТБнинг асосий мақсади – аъзо мамлакатларга узоқ муддатли кредит ва қарзлар бериш ҳамда хусусий инвестицияларни кафолатлаш орқали уларнинг иқтисодий ривожлантиришга кўмаклашиш ҳисобланади. Дастлаб ХТТБ аъзо мамлакатларнинг тўпланган маблағлари ва америкалик инвесторларнинг жалб қилинган капиталлари ёрдамида иккинчи жаҳон уруши натижасида иқтисодий жиҳатдан турғун ҳолатга келиб қолган Ғарбий Европа мамлакатларида хусусий инвестицияларни рағбатлантиришга мўлжалланган эди.

ХТТБ 2014 молия йилида 18,6 млрд.АҚШ доллари ҳажмидаги кредит ресурсларини захира қилди, ушбу кўрсаткич 2013 молия йилига нисбатан 22%га ошган, лекин 2010-2012 йиллардаги кўрсаткичларга нисбатан сезиларли даражада камайган.

Халқаро ривожланиш ассоциацияси (ХРА) – Жаҳон банки гуруҳига кирувчи халқаро ташкилот бўлиб, у 1960 йилда ташкил этилган. ХРА Келишувлар моддасининг 1-моддасига мувофиқ, унинг мақсади иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш, самарадорликни ошириш ва шунинг асосида, сустривожланган аъзо мамлакатларда аҳоли турмуш тарзини ошириш, шунингдек, анаънавий кредитларга нисбатан оғир бўлмаган қулай шартларда молиявий кўмак бериш ҳисобланади.

Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки (ЕТТБ) 1990 йилда Лондонда ташкил қилинган. ЕТТБнинг асосий мақсади – Марказий ва Шарқий Европанинг собиқ социалистик тузумда бўлган мамлакатларини бозор иқтисодиётига ўтишига

¹⁷www.mfino.ru

ёрдам беришдан иборат. ЕТТБ фақатгина аниқ доирадаги лойиҳаларни кредитлайди. ЕТТБ ресурслари ХТТБга ўхшашлик бўйича шаклланади.

ЕТТБ ишлаб чиқаришни (лойиҳаларни молиялаштиришни ўз ичига олган ҳолда), инфратузилмани тараққий эттириш ва қайта тиклашга техник ёрдам кўрсатишни (экологик дастурларни ўз ичига олган ҳолда), акционерлик капиталига инвестициялари, айниқса хусусийлаштирилаётган корхоналарни кредитлашга ихтисослашган. Шу билан биргаликда ЕТТБнинг асосий диққати кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бошқа халқаро молия институтлари сингари ЕТТБ аниқ мақсадли инвестицияларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда маслаҳат бериш хизматини кўрсатади. ЕТТБнинг битта стратегик вазифаси – давлат корхоналарини хусусийлаштиришни қўллаб-қувватлаш, уларни модернизациялаш ва тузилмавий қайта қуриш, шунингдек ушбу масалалар бўйича маслаҳатлар беришдан иборат.

Банк ўз аъзоларига, тузилмавий ва тармоқ иқтисодини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришни ислоҳ қилиш, бу билан мамлакатларни жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига уйғунлашувига кўмаклашади.

ЕТТБнинг таъсисчилари бўлиб 40 мамлакат – Албаниядан ташқари ҳамма Европа мамлакатлари, АҚШ, Канада, Мексика, Марокко, Миср, Исроил, Япония, Янги Зеландия, Австралия, Жанубий Корея, шунингдек, ЕИК ва Европа Инвестиция Банки ҳисобланади.

ЕТТБ кредитларининг муддати одатда 5-10 йилни кредитнинг минимал миқдори эса 5 млн. еврони ташкил этади. Агар лойиҳа мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга бўлса банк камроқ миқдорда ҳам кредит бериши мумкин. Кредитлаш хоҳлаган эркин алмашинувчи валютада амалга оширилади, амалда кўпроқ АҚШ доллари ва Евродан фойдаланилади. Лойиҳани молиялаштириш унинг қийматини 35%дан кўп бўлмаган миқдорини ташкил этади.

ЕТТБ тижорат асосида фаолият кўрсатади ва ўзининг кредитларини рискларни ҳисобга олган ҳолда бозор ставкалари бўйича беради. Тартибга кўра тижорат корхоналарини кредитлашда банк маблағларни қайтаришга доир ҳукумат кафолатини талаб этмайди, лекин бундай ҳолларда одатда лойиҳа активлари (масалан, гаровга оид асосий фондлар, гаровга оид мол-мулк ва бошқ.) билан кредитнинг гаров таъминоти қўлланилади. Кредитлар қабтлий белгиланган ёки сузуб юрувчи ставкалар бўйича бўлиши мумкин, шунингдек, хеджирлашнинг турли инструментларидан ҳам фойдаланилади.

ЕТТБ ўз фаолияти доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

– ривожланган мамлакатларда қабул қилинган банк иши стандартлари асосида мосланувчан кредитлаш учун турли хил инструментлардан фойдаланади;

13.3.Халқаро молиявий ташкилотларнинг фаолияти.

Халқаро молия корпорацияси (ХМК) (инг. International Finance Corporation, IFC) – Жаҳон банки гуруҳига кирувчи халқаро ташкилотдир. Ташкилотнинг штаб-квартираси Вашингтонда (АҚШ) жойлашган. 1956 йилда ривожланаётган мамлакатларга хусусий инвестициялар оқими барқарорлигини таъминлаш мақсадида тузилгандир.

Жаҳон банки ташкилотлари гуруҳининг Президенти бир вақтнинг ўзида ХМК Президенти бўлиб ҳисобланади. Раҳбарлик вазифаси вице-президент

томонидан амалга оширилади. ХМК акционерлари бўлиб 182 мамлакат ҳисобланади.¹⁸

Халқаро Валюта фонди, ХВФ (инг. International Monetary Fund, IMF) – БМТнинг ихтисослашган ташкилотларидан бўлиб, штаб – квартираси АҚШнинг Вашингтон шаҳрида жойлашган. 1944 йил 22 июлда БМТнинг валюта – молия масалалари бўйича Бреттон – Вудсадаги конференциясида ХВФ битимининг асоси ишлаб чиқилди. ХВФ ташкил топган расмий сана – 1945 йил 27 декабр бўлиб бунда, битимнинг охирги варианты 29та давлат томонидан имзоланди. ХВФ ўз фаолиятини 1947 йил 1 мартдан Бреттон – Вудс тизимининг бир қисми сифатида бошлади. Шу йили Франция биринчи кредитни олди. Ҳозирги кунда ХВФ 186 давлатни бирлаштириб, унинг тузилмасида 133 мамлакатдан 2500 мутахассис ишлайди.

ХВФ – аъзо давлатлар ўртасида валюта-кредит муносабатларини тартибга солиш ва уларга тўлов балансининг камомади билан боғлиқ валютавий қийинчиликлар пайтида чет эл валютасида қисқа ва ўрта муддатли кредитлар бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ҳукуматлараро ташкилотдир.

ХВФ Келишувлар моддаларининг биринчи моддасига мувофиқ, унинг мақсадлари қаторига қуйидагилар киради:

– халқаро валютавий муаммоларни бартараф этиш борасида маслаҳатлар ва ҳамжиҳатлик механизмини таъминловчи доимий институт орқали халқаро валютавий ҳамкорликни рағбатлантириш;

– халқаро савдонинг кенгайиши ва мувозанатли ўсишини қўллаб қувватлаш ва шу орқали бандлик ва реал даромадларнинг етарлича юқори даражасини ушлаб туриш ва иқтисодий сиёсатнинг бош мақсади сифатида барча аъзо давлатлар ресурсларининг самарадорлигини оширишга ҳисса қўшиш;

– аъзо давлатлар ўртасида жорий битимларга доир кўп томонлама тўловлар тизимини ташкил этиш ва жаҳон савдоси ривожланишига тўсқинлик қилувчи валюта айирбошлашдаги чекловларни бекор қилишга кўмаклашиш;

– аъзоларнинг умумий ресурслари ҳисобидан етарлича хавфсиз асосда маблағ билан таъминлаш орқали уларнинг ишончини қозониш, ва шунинг асосида уларга тўлов балансидаги номувофиқликлар(тартибсизликлар)ни миллий ёки халқаро тараққиётга ғов бўладиган чора-тадбирларсиз тўғрилаш имконини бериш;

– юқоридагиларга мувофиқ аъзо давлатларнинг халқаро тўловлар балансларидаги номувофиқлик(мувозанатсизлик)ларнинг давомийлигини қисқартириш ва унинг даражасини пасайтириш.

ХВФ фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- жаҳон валюта тизимини назорат қилиш;
- пул сиёсатидаги халқаро ҳамкорликга ёрдам бериш;
- жаҳон савдосини кенгайтириш;
- ХВФ аъзоларини кредитлаш;
- валюта айирбошлаш курсларини барқарорлаштириш;
- дебитор мамлакатларга маслаҳатлар бериш;
- СДР чиқариш орқали ликвид маблағларни яратиш;

¹⁸http://www.imf.org/external/russian/nsf/Content/Member_Countries

- иқтисодий сиёсат ва техник ёрдам соҳасида тавсиялар ишлаб чиқиш.
- халқаро молия статистикаси стандартларини ишлаб чиқиш;
- халқаро молия статистикаси тўпламларини эълон қилиш.

Халқаро Валюта Фондининг энг муҳим вазифаларидан бири аъзо мамлакатларнинг тўлов балансида қийинчиликлар юзага келганда кредитлар бериш орқали ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Бу молиявий ёрдам мамлакатларга ўзининг халқаро захираларини тўлдиришга, миллий валютасини барқарорлаштиришга, импорт тўловларини амалга оширишни давом эттиришга ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича чоралар-тадбирлар қабул қилиш орқали фаол иқтисодий ўсиш учун шароитни тиклашга имкон яратади.

Мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда минтақавий ривожланиш ташкилотлари ҳам муҳим рол ўйнайди. Минтақавий ривожланиш банклари ўз минтақаларига бошқа халқаро ташкилотларга нисбатан имтиёзли кредитлар ажратиш орқали уни ривожлантиришни назарда тутади. Бундай ривожланиш ташкилотларига Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Осиё тараққиёт банки, Америкаро ривожланиш банки, Африка ривожланиш банки, Ислом тараққиёт банкларини киритишимиз мумкин.

XX асрнинг 60-йилларида Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар ҳамкорлигини кенгайтириш ва ушбу минтақалардаги ўзига хос муаммоларни ечиш учун минтақавий ривожланиш банклари ташкил этилди.

Минтақавий валюта-кредит ташкилотларининг мақсади бўлиб, минтақа мамлакатларида ижтимоий тараққиёт ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш, қашшоқлик ва қарздорлик даражасини камайтириш ҳамда хусусий сектор ривожланишига қўмаклашиш ҳисобланади.

Минтақавий валюта-кредит ташкилотларининг ресурслари халқаро капитал бозорларидан ўзлаштириш орқали жалб этилган маблағлардан, устав капиталларидан, шунингдек, техник ёрдам кўрсатиш ва имтиёзли кредитлаш учун асосан аъзо мамлакатлар бадаллари ҳисобига ташкил топган махсус фондлар маблағларидан ташкил топади.

Ушбу ташкилотларнинг операциялари иқтисодий ривожланишнинг барча йўналишларини молиявий қўллаб-қувватлашга мўлжалланган, лекин устувор йўналиш бўлиб иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмалар (энергетика, транспорт, коммуникация ва бошқ.) ривожланишини молиялаштириш ҳисобланади. Банклар ресурсларининг сезиларли қисми саноатни кредитлашга йўналтирилади.

Минтақавий валюта-кредит ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ривожланиш лойиҳалари ва инвестиция дастурларига ўз маблағларини қўйиш ҳамда кредитлар ажратиш. Экспорт-импорт ва тижорат ташкилотлари билан биргаликдаги лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этиш. Бунда кредитлашнинг турли усулларидан фойдаланилади: аниқ лойиҳаларни молиялаштириш учун қарзлар, тузилмавий қайта куришни ўтказиш учун қарзлар, тиклаш қарзлари, кредит линиялари ва бошқалар.

аъзо мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида хусусий инвестицияларни оширишни рағбатлантириш;

- Товар ва маиший чиқиндиларни бошқариш (каттик);
- Ер мониторинги ва сетларни ўлчаш.

Енгил инфратузилма оғир инфртураузилмадан фарқли равишда инсонларга махсус хизматларни кўрсатиш (етказиб бериш ҳисобланади). Унга эса қуйидагилар киради:

- Инфратузилмани бошқариш (давлат бошқаруви)
- Авария хизматлари
- Ҳарбий инфратузилма
- Бозор инфратузилмаси
- Ижтимоий инфратузилма
- Маданият, спорт ва дам олиш инфратузилмаси

Ривожланган мамлакатлар қаторига Ғарбий Европа мамлакатларининг барчаси, АҚШ, Канада, Япония, Австралия, Янги Зеландия каби мамлакатлар киради. Шу билан бирга 1997 йилдан бошлаб жанубий Корея, Сингапур, Гонконг, Тайвань ва Исроилни кирита бошланди. Шундай қилиб бундай мамлакатлар сони 30 тага етди. Албатта буларнинг сони кўпайиб боради. Бу аввало Европа Иттифоқига қўшиладиган Польша, Венгрия, Чехия, Словения, Кипр, Эстониялар ҳисобига бўлади.

Ривожланган мамлакатлар ичида ЯИМ бўйича энг салмоқликлари бўлган “Еттиликларни” ажратадилар. Булар: АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Канада, Италиялардан иборат.

Ривожланган мамлакатлар бозор тажрибасини ўрганишда давлат иқтисодий фаолиятига аҳамият берилади. Чунки бозор усули иқтисодиёт тараққиётини тўлиқча таъминлай олмайди ва бунинг учун қўшимча механизмлар талаб этилади. Бошқача қилиб айтганда, бозор умумий иқтисодий тараққиёт учун ёрдамга муҳтождир. Бундай ёрдамчи куч давлат ва жамият фаолияти бўлиб, цивилизация тараққий қилган сари буларнинг аҳамияти ўсиб бормоқда ва бозор шароитида иқтисодий тараққиётнинг ижтимоийлик таъсирини кучайтириш, истеъмолчилар манфаатини ҳимоялаш, иқтисодий истикболларни белгилаш, пул-кредит, солиғ, бюджет сиёсатларидан тўғри фойдаланиш имконини бермоқда.

Ижтимоий инфратузилманинг асосан давлат тасарруфида бўлиши ва бунинг бозор иқтисодиётига самарали таъсири, умуман давлат ва бозор иқтисодиётининг бир-бирига мос ҳолда ҳаракатда бўлиши иқтисодий тараққиёт ва аҳоли турмуш даражаси муаммоларини ҳал қилишда жуда қўл келмоқда. Бундаги энг муҳим томонлар бозорни ижтимоий тартиблаштириш, миллий иқтисодиётни ҳимоялаш, иқтисодий стратегияларни бошқариш, давлат тижоратини уюштириш кабилардан иборат. Жаҳонда икки қарама-қарши тизимлар мавжудлигида капитализм асосан салбий ҳисобланар ва фақат эксплуатация мазмунида талқин этилар эди. Албатта бунинг бозор иқтисодига ўтиш даврларига оид XIX ва XX аср биринчи яримларида жонли томонлари мавжуд эди. Лекин сўнгра, айниқса ҳозирги бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар салмоғи ортиб бориши билан бундай тушунчалар ўзгармоқда. Чунки бу жараён бозор иқтисодиёти тараққиёти билан ижтимоий муаммоларнинг муваффақиятли ҳал қилиниб бориши туфайли ижобий ўзгармоқда ва инсонийлик, инсонпарварлик мазмунини ошқор қилмоқда ва бозор иқтисодиёти ривожини ўз мазмунини кўпроқ очмоқда. “Ривожланган мамлакатларда инфратузилмани шаклланишини ва ривожланишини ўрганиш, таққослаш, тарихий-манتيқийлик усулларни тажрибада синаш орқали

мамлакатимизда инфратузилмани ривожлантиришнинг асосий усуллари кўлланилади. Ҳақиқатдан ҳам усуллар қабул қилиш муаммоларини ижобий ҳал қилишда ижобий ўрин эгаллаши мумкин.

14.2. Инфратузилма объектларини иқтисодий таҳлили.

Бир қатор тадқиқотчилар гуруҳи инфратузилма эҳтиёжларни амалга ошириш (қондириш) учун қанча миқдорда инвестиция зарурлиги тўғрисида тадқиқотлар олиб боришди. 1980 йилдан 2002 йилгача бўлган даврда 52 давлатнинг инфратузилмага қилинган инвестициялари ва ЯММ орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашга уриниб кўришди. Унга кўра, ЯММ йиллик 3,6 фоиз ўсишини таъминлаш учун электр таъминоти тизими ва телекоммуникация инфратузилмасига мос равишда ЯММнинг 0,2 ва 0,7 фоиз миқдорида инвестиция қилиш зарур саналади. ЯММ 6 фоизга ўсишга эришиш учун бу миқдорни 2 баробар кўпайтириш зарур. Бу харажатлар инфратузилманинг инфратузилма объектини жорий ҳолатини ҳисобга олмаган эди. Агар бу ҳисобга олинса ушбу миқдор бир неча баробарга ортиши мумкин.

Инфратузилмага қилинган инвестиция ялпи талабни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Катта миқдордаги инфратузилма лойиҳалари аксарият ҳолларда қурилишга кўп миқдорда инвестициялар қилишни талаб этади. Бу эа қурилиш ва таъмирлаш маҳсулотларига бўлган талабни оширади (металлургия қурилиш материаллари, кимё саноати маҳсулотлари, хизматлар ва ҳ.к.).

Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик муҳим рол ўйнайдиган лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришда бундан бир неча йил аввал ташкил этилган, бугунги кунда 3 миллиард 200 миллион АҚШ долларидан ортиқ низом жамғармасига эга бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди фаолиятига катта аҳамият берилмоқда. Яқин истиқболда ушбу Фонд активларини 5 миллиард долларга етказиш кўзда тутилмоқда. Ўтган икки йил мобайнида ўнлаб йирик саноат ва инфратузилма иншоотларини молиялаштириш ва ҳамкорликда молиялаштириш учун Фонд томонидан 550 миллион АҚШ долларидан зиёд миқдорда кредитлар ажратилди.

Мамлакатимиз бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида қарийб 250 миллиард сўмлик асосий фондга эга бўлган жами 423 та объект, жумладан, озиқ-овқат саноатида 145 та, қурилиш материаллари саноатида 118 та, енгил ва тўқимачилик саноатида 65 та, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида 58 та, кимё ва нефт-кимё саноатида 13 та, фармацевтика тармоғида 8 та объект ишга туширилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш масалаларига устувор аҳамият берилиши натижасида 113 минг 200 ўқувчига мўлжалланган 169 та касб-хунар коллежи ва 14 минг 700 ўринли 23 та академик лицей қурилди ва реконструкция қилинди. Шу билан бирга, 69 та янги мактаб барпо этилди ва 582 та мактаб капитал реконструкция қилинди. Шулар қаторида 184 та болалар спорти иншооти, 26 та қишлоқ врачлик пункти ва 7 миллион 240 минг квадрат метр турар-жой бинолари ва бошқа объектлар қурилди.

Ижтимоий соҳада инвестиция жараёнларининг кучайтирилиши, айниқса, қишлоқ жойларида турли ижтимоий объектлар – болалар боғчалари, мактаблар, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт ва маданият иншоотлари ва бошқаларнинг барпо этилиши

пировардида ободончилик даражасининг юксалишига, халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш масалаларига устувор аҳамият берилиши натижасида 113 минг 200 ўқувчига мўлжалланган 169 та касб-хунар коллежи ва 14 минг 700 ўринли 23 та академик лицей қурилди ва реконструкция қилинди. Шу билан бирга, 69 та янги мактаб барпо этилди ва 582 та мактаб капитал реконструкция қилинди. Шулар қаторида 184 та болалар спорти иншооти, 26 та қишлоқ врачлик пункти ва 7 миллион 240 минг квадрат метр турар-жой бинолари ва бошқа объектлар қурилди (3.2.3. -расм).

Ижтимоий соҳада инвестиция жараёнларининг кучайтирилиши, айниқса, қишлоқ жойларида турли ижтимоий объектлар – болалар боғчалари, мактаблар, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт ва маданият иншоотлари ва бошқаларнинг барпо этилиши пировардида ободончилик даражасининг юксалишига, халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига аҳамиятли таъсир кўрсатади.

14.3.Халқаро тажрибаларни ўзаро алмашиш

Иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб ҳорижий инвестицияларни жалб қилишга талаб ва эҳтиёжларни ортиб бориши ҳудудларда инвестиция сиёсатини бозор муносабатларига мос равишда амалга ошириш, яъни инвестиция жараёни қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериш, ҳудудларда инвесторлар учун тўлақонли шарт-шароитлар яратишни талаб қилади. Ҳудудлар иқтисодиётига катта миқдорда ҳорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини замонавий техникалар билан таъминлаш, рақобатбардош ва жаҳон стандартларига мос сифатли товарлар ишлаб чиқариш, аҳолининг бандлик даражасини ошириш, энг асосийси ҳудудларнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш имконини беради. Бунга эришиш учун ҳудудларда қулай инвестицион муҳитни яратиш керак.

Ўзбекистон Республикасида қулай инвестицион муҳитни яратиш, мамлакат иқтисодиётини муҳим соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган узоқ ва ўрта муддатли давлат дастурлари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвеститсияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

Туркманистондан Ўзбекистон ҳудуди орсали Хитойга ўтадиган газ қувурини тортиш ишлари яқунланди. Бу ўз навбатида, мамлакатимизнинг транзит имкониятларини янада кенгайтиради.

Эндиги вазифа ҳорижий инвестициялар учун реал инвестицион муҳитни яратиш, давлат ҳокимият органларида бюрократия ва сансоларликка чек қўйиш, ҳорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ишларини барча чоралар билан кучайтириш лозим.

Ҳорижий инвесторлар Ўзбекистон минтақаларига сармоя киритиш учун мавжуд бўлган имкониятлар, шунингдек, инвесторлар учун яратилган ҳар

**ФАНГА ДОИР ВИДЕО МАЪРУЗАЛАР,
ВИДЕО РОЛИКЛАР**

Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар

1. <https://www.youtube.com/watch?v=Wpzvaqypav8> America's crumbling infrastructure: It's not a sexy problem, but it is a scary one. Connect with Last Week
2. <https://www.youtube.com/.../UCHqv0on7XVZl>. Welcome to Infrastructure Ontario YouTube channel! Infrastructure Ontario (IO) is a Crown corporation owned by the Province of Ontario that provides a wide
3. <https://www.youtube.com/watch?v=CikxgZCGgnI> Once the world leader in infrastructure, the United States has fallen far behind ... Why We Still Can't Afford to
4. <https://www.youtube.com/watch?v=UFQXNiHSXjg> Watch our video and get a summarized overview of what we do and what we are specialized in: IT Infrastructure.
5. <https://www.youtube.com/watch?v=CikxgZCGgnI> Infrastructure - John Oliver - Last Week Tonight. ... This video is unavailable. Infrastructure - John Oliver ...
6. <https://www.youtube.com/watch?v=XTopVi1hVVM> Last Week Tonight with John Oliver. great comedy guy lol and this is the best engineer trailer movie ever. DpB.
7. <https://www.youtube.com/watch?v=UFQXNiHSXjg> Watch our video and get a summarized overview of what we do and what we are specialized in: IT Infrastructure.
8. <https://www.youtube.com/user/FacilitiesMSU> Infrastructure Planning and Facilities builds and maintains the physical environment for Michigan State University's education, research and outreach mission...
9. <https://www.youtube.com/watch?v=STBpCH5WV3k> This video shows how to solo a group quest called "InfrastructureImprovements" in Tanaan Jungle. This ...
10. <https://www.youtube.com/watch?v=T0xCISv29aM> Learn how Windows Azure Infrastructure Services, Virtual Machines and Virtual Network - can help your
11. https://www.youtube.com/watch?v=9_XWp5fnXKc What is infrastructure & Brand Strategy?
12. <https://www.youtube.com/watch?v=CjieRgtjvlc> Eno Mobile Infrastructure Case Study: 70% Increase in Product Sales
13. <https://www.youtube.com/watch?v=No67z1C4HPw> Heineken India - Viral Campaign 2013
14. <https://www.youtube.com/watch?v=-cvv1oC-ZaM> Guerrilla Infrastructure - Coca-Cola Dancing Vending Machine

**ДАВРИЙ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМГА
ОИД ТОПШИРИҚЛАР**

ДАВРИЙ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМГА ОИД ТОПШИРИҚЛАР

1. Каримов И.А. «Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир». // Халқ сўзи газетаси. 2016 йил 16 январь, №11 (6164).

2. И.А. Каримовнинг “2015 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш ўзини оқлаган ислохот стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” мавзусидаги маърузасида белгиланган устувор вазифалар бўйича қиёсий таҳлилни амалга ошириш.

3. 2015-2019 йиллар учун ишлаб чиқаришни структуравий ислохотлар билан таъминлаш, модернизация ва диверсификациялаш бўйича чора-тадбирлар дастури асосида реал сектор корхоналарида маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг таҳлили.

4. Замонавий бозор иқтисодиёти муаммоларини ечишда инфратузилма иқтисодиёти фанининг аҳамияти.

5. Республика иқтисодиётида инфратузилманинг ўрни, мақсади ва вазифалари.

6. Республика инфратузилмасининг таркибий элементлари.

7. Республика инфратузилмасининг иқтисодий негизи (мулкый муносабатлари).

8. Инфратузилма хизматлари ва уларнинг ривожланиши.

9. Минтақаларнинг ижтимоий ва иқтисодий инфратузилмалари ва улар орасидаги боғлиқликлар.

10. Инфратузилма иқтисодиётини самарадорлигини ошириш масалалари.

11. Бозор инфратузилмаси моҳияти, таркиби ва туркумлаштирилиши.

12. Ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар орасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлари.

13. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида бозор инфратузилмасини ривожлантириш.

14. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда аутсорсинг хизматларини такомиллаштириш йўллари.

15. Халқаро интеграцион ташкилотлар ва уларнинг фаолияти.

16. Кичик бизнесда аутсорсинг хизматлари.

17. Ахборот коммуникация инфратузилмасининг ривожланиш тенденциялари.

18. “2015-2019 йилларда йўл транспорт, муҳандислик коммуникацияларни ривожлантириш тўғрисида”ги ПҚ-2313 қарорининг моҳияти.

19. Консалтинг хизматларининг ривожланиши ҳолати.

20. Ёқилғи-энергетика мажмуасининг ривожланиши.

21. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг таркибий қисмлари.

22. Ижтимоий инфратузилманинг ривожланиш тенденциялари.

ГЛОССАРИЙЛАР

ГЛОССАРИЙЛАР

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Агент	Agent	Агент	Маълум даражада доимий асосда иш кўрувчи улгуржи савдо ходими бўлиб, кўп бўлмаган функцияларни бажаради ва товарга нисбатан мулк ҳуқуқни олмайди.
Ажотаж талаб	rush demand	Ажиотажный спрос	Бозордаги шов-шув ва ваҳима таъсири остида суъний пайдо бўладиган ва шиддат билан ортиб борадиган талаб.
Алянслар	Alliances	Альянсы	Рақобат курашида ғолиб чиқиш ғоясидан воз кечиш ва ҳамкорлик фирмалари тармоғини шакллантиришга ўтиш.
Ассортимент ишлаб чиқариш ва режалаштириш.	Planning and production of a range	Планирование и производство ассортимента	Бозор талабларига мувофиқ ишлаб чиқаришнинг ассортимент тузилмасини ишлаб чиқиш. Маҳсулот рақобатдошлигини баҳолаш. Техник ва истеъмол параметрлари ўзаро алоқасини ўрганиш.
Ахборот инфратузилмаси -	Infrastracutrutur information	информационная инфраструктура	бу мамлакат ахборот фазосининг ривожланиши ва ўзаро фаолиятини таъминловчи тизимчалар, ташкилий таркиблар тизимидир.
Ахборот коммуникация технологиялари -	Infrastracutrutur information and communication	Информационный и коммуникация инфра структура	хусусий, умумий ва ишлаб чиқариш коммуникациясида ахборотлар тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш билан боғлиқ бўлган объектлар, ҳаракатлар ва қоидалар, шунингдек барча технологиялар ҳамда санаб ўтилган жараёнларни бирлашган равишда таъминловчи соҳалар мажмуаси. АКТ тушунчасига микроэлектроника, компьютер ва дастурий таъминот, телекоммуникациялар ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш, Интернетдан эркин фойдаланишни таъминлаш, Интернетнинг ахборот ресурсларини таъминлаш, шунингдек санаб ўтилган соҳалар билан боғлиқ бўлган турли хил ходисалар ва бу фаолият соҳаларини тартибга солувчи расмий ва норасмий қоидалар киреди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш –	Social Protection of Population	Социальная защита	давлат томонидан аҳолига барча ҳаёт кечириш шарт-шароитларини яратиш учун мақсадли йуналтирилган кафолатлар тизими.
Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш –	Social Protection of Population	Социальная защита	аҳолини бозор иқтисодиётининг салбий ижтимоий ва иқтисодий оқибатларидан асраш, шу оқибатларнинг аҳоли ижтимоий-иқтисодий аҳволига таъсирини юмшатиш.
Аҳолининг реал даромадлари –	The real incomes of the population	Реальные доходы населения	нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.
Активлар	assets	актив	<p>иқтисодий фаолият субъектларининг пул ва молиявий маблағлари, асосий ва айланма фондлари қиймати.</p> <p>Амортизация (depreciation) – фойдаланиш жараёнида асбоб-ускунлар қийматининг эскиргани сайин маҳсулот ҳисобига ўтказиш жараёни. Асосий жамғармалар истеъмол нархини тўла ёки қисман тиклаш учун амортизация орқали амалга ошириладиган нархини тўлатиши зарур. Асосий жамғармалар сарфини қоплаш учун уларга кетган сарфларни тайёрланаётган маҳсулотга сингдириб бориш асосий жамғармаларнинг амортизациясини ташкил этади. Асосий жамғармаларнинг амортизацияси маҳсулот таннархини ўз ичига олади.</p>
Аукцион	Аукцион	Аукцион	товарни олди-сотдисини ташкил қилиш усулларида бири бўлиб унда трансакция харажатлари реал вақт режимида ўтади.
Бозор мувозанати	market equilibrium	равновесие рынка	бозорда таклиф миқдорини талаб миқдорига тенг бўлган ҳол; таклиф чизиғи билан талаб чизиғи кесилган нуқтага мувозанат нуқта дейилади.
Ишлаб чиқариш	production	производство	ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланган ҳолда маҳсулот яратиш жараёнини ёки ишлаб чиқариш омилларини тайёр маҳсулотга айлантириш жараёни.

Диверсификация	The diversification	Диверсификация	(лотинчадан diversus- ҳар хил ва facere-қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.
Диверсификация стратегияси –	diversification strategy	стратегия диверсификации	корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир. Диверсификация стратегияси корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришнинг энг етакчи замонавий тенденциялардан бири ҳисобланиб, у орқали корхоналарни бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга бўлган рақобатбардошлигини оширади. Диверсификация стратегияси – корхоналарда янги маҳсулотлар линияларини ишга тушириш, қўшма корхоналар тузиш, бошқа корхоналарни сотиб олиш ва бошқа турли услубларда амалга ошириши мумкин
Дивиденд	dividend	Дивиденд	ҳиссадорлик жамиятлари фойдасининг бир қисми бўлиб, акциянинг сони ва турига қараб ҳар йили ҳиссадорлар орасида тақсимланади
Дисконт	dicount)	Дисконт	марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган қарзларга қўйиладиган фоиз.
Даромад	income	Доход	ишлаб чиқариш натижасида тушган пул (фойда).
Давлат истеъмоли	Public consumption	Государственное потребление	давлат истеъмоли учун маҳсулот ва хизматларга, шунингдек, хусусий секторда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларга кетган харажатлар.
Ишсизлик	unemployment	безработица	аҳолининг иқтисодий фаол қисми иш топа олмаслиги, меҳнат резервига айланиши.
Ишсизликнинг даражаси	unemployment rate	Уровень безработицы	ишсизлар умумий сонининг ишчи кучига бўлган нисбати.

Иш ҳақи	wage , nominal	зарплата	пул, қиймат шаклидаги иш ҳақи.
Импорт	import	Импорт	мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини ва технологиясини олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсимоти натижасидир. У вақтни тежашга, халқ хўжалиги, аҳоли эҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффақият билан ҳал қилишга кўмаклашади.
Инвестиция	investment	Инвестиция	ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодийнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш. Инвестицияларнинг молиявий ва реал турлари мавжуд.
Истеъмол нархлари индекси	consumer price index	Индекс потребительских цен	одатда, оила томонидан истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар нархи базис даврга нисбатан ўзгаришининг ўртача даражасини акс эттирадиган кўрсаткич, инфляция кўрсаткичи сифатида ишлатилади.
Инфляция	inflation	Инфляция	пулнинг қадрсизланиши, муомаладаги пулнинг қадрсизланиши, пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши. Инфляция товар баҳосининг очикчасига ва яширин равишда ошиб кетишига олиб келади.
Инфляция даражаси	rate of inflation	Уровень инфляции	маълум вақт ичида (ой, йил) нарх даражасининг фоизда ўзгариши.
Иқтисодий ўсиш	economic growth	экономического роста	реал миллий даромад ёки маҳсулотнинг аҳоли жон бошига ўсиши.
Ликвидлик	liquidity	ликвидность	турли корхоналар, бирлашмалар, фирмалар ва банкларнинг ўз қарзини тўлай олиш ёки бошқа мажбуриятларини бажара олиш имконияти.
Миллий даромад	national income	национальный доход	миллий ишлаб чиқаришда олинадиган даромад ёки иқтисодийнинг барча турдаги даромади баҳоси.

Меҳнат умумдорлиги (labour productivity	Трудо способность	меҳнат маҳсулдорлигини, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи умумлашма кўрсаткичлардан бири.
Номинал ЯММ	nominal GNP	Номинал ВВП	жорий нархларда акс эттирилган ялпи миллий маҳсулот.
Номинал алмашув курси	nominal exchange rate	Номинал обменный курс	миллий валюта ва чет эл валюталари бирликларининг одатда мавжуд бўлган нисбати. Ушбу нисбат ҳам қатъий белгиланган, ҳам чайқалиб турувчи асосда амалга оширилиши мумкин.
Паритет	parity	Паритет	тенглик, тенг ҳуқуқли, тенг вакиллик асосларида бирон бир иқтисодий (сиёсий) ҳаракатда иштирок этиш.
Субсидия	subsidy	Субсидия	давлат бюджети ҳисобидан корхоналар, ташкилотлар ва хорижий давлатларга бериладиган маблағ. Субсидия бозор иқтисодиётини тартибга солиш воситаси ҳисобланади.
Савдо баланси	merchandise trade balance	Торговли баланс	экспорт ва импорт тушумлари ва тўловларини акс эттирувчи баланс. Унда савдо битимида кўзда тутилган, аммо жорий даврда амалга оширилмайдиган тўловлар ва тушумлар ўз аксини топмайди.
Ишлаб чиқариш имкониятлари чизиғи	Production line	Производственная линия	мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш орқали ишлаб чиқариладиган товарлар комбинациясини ифодаловчи чизиқ.
Ишлаб чиқариш омиллари	Factors of production	Факторы производства	чекланган бўлиб, уларга меҳнат (labour), капитал (capital), материаллар (хом ашё, бутловчи қисмлар, электр энергияси, газ, сув ва ҳоказо), ер (land).
Ишлаб чиқариш функцияси	Production Function	Производственная функция	– ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан шу маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги сарфланган ишлаб чиқариш омиллари миқдори ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи функция.
Капитал	capital	Капитал	– узоқ муддатли ораликда маҳсулот ишлаб чиқариш учун

			фойдаланиладиган ресурс.
Капитални меҳнат билан чекли технологик алмаштириш нормаси	Limited working capital and technological exchange rate	Ограниченное оборотного капитала и технологический курс	- иккала ишлаб чиқариладиган А ва В товарлар учун бир хил бўлиб, улар меҳнат нархини капитал нархи нисбатига тенг.
Касаба уюшмаси -	Trade union	Профсоюз	бу ишчилар уюшмаси бўлиб, у ўзининг аъзолари номидан ва кўрсатмасига кўра тадбиркорлар билан музокара олиб бориш ҳуқуқига эга ташкилот.
Меҳнат бозорида монополия –	Monopsony in the labor market	Монополия на рынке труда	бу мукаммаллашган рақобатдаги меҳнат бозорининг алоҳида бир четки кўриниши бўлиб, бунда бирор кичик шаҳардаги ягона фирма маҳаллий аҳолининг кўп қисмини иш билан таъминлайди.
Монополия	monopoly	Монополия	бу шундай бозорки, унда фақат битта маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирма фаолият олиб боради ва маҳсулот ишлаб чиқаришни, сотишни тўлиқ назорат қилади.
Нарх дискреминацияси	Price diskreminatsi yasi	Цена дискреминация	бунда фирма бир хил товарни ҳар хил нархда сотиб олиш имконияти ҳар хил бўлган харидорларга сотади.
Рента	Renta	Рента	таклифи қатъий чекланган ресурс эгаси томонидан олинadиган даромад
Талаб функцияси	demand function	Требования функция	талабга таъсир қилувчи омиллар миқдори билан талаб миқдори ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди
Талаб қонуни –	the law of demand	закон спроса	нархдан бошқа омиллар ўзгармаганда талаб миқдори билан нарх ўртасидаги боғлиқлик.
Фоиз	interest	Процент	даромад, ўз мулкани бошқа жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга фойдаланишга бериш ва ундан фойда олиш.
Фоиз ставкаси	interest rate	Процентное ставка	кредит ёки қарз ставкаси капитали эвазига тўловнинг фоиз кўрсаткичи. Одатда, қарзга олинган пул белгисининг бир бирлигига тўғри келадиган йиллик тўловни акс эттиради.

Хусусийлаштириш	privatization	Привитизация	давлат мулкени, иқтисодиётдаги давлат секторини хусусийлаштириш. Хусусийлаштириш давлат мулки монополиясини тугатиш, эркин соҳиблик ташаббусига йўл очиш, бозор иқтисодиётини рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади.
Эҳтимол	probability	вероятно	маълум натижага эришиш имконияти.
Экспорт	export	Экспорт	товарлар, хизматлар ва капиталларни ташқи бозорда реализация қилиш мақсадида четга чиқариш.
Ялпи инвестиция	gross investment	валовые капиталовложения	бу амортизация қиймати билан соф инвестиция (капиталнинг ўсган қисми) нинг йиғиндиси.

**ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН
ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР**

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР

Электрон журналлар

1. Lawrence Finle, Entrepreneurial Strategies: PWS-KENT Publishing, 2010
2. Ansoff matrix. www.free-management-ebooks.com
3. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар.
4. Илмий-электрон журнал. www.iqtisodiyot.uz
5. Экономическое обозрение. www.cer.uz
6. Signature books international. www.ama.org
7. Journal of Economics Research. www.ama.org
8. Journal Economic Development, Innovation, and Entrepreneurial. www.ama.org
9. Infrastructure journal development".
10. The wall street Journal.

Интернет сайтлар

1. www.digitalmetricsplaybook.com
2. www.economic.com
3. www.bizneslab.uz
4. www.study.com
5. www.inderscience.com
6. www.free-management-ebooks.com
7. www.gkki.uz
8. www.ziyonet.uz

А.Исмаилов

Инфратузилма иқтисодиёти

Фани бўйича ўқув-услубий мажмуа

Ишчи дафтар

Тошкент: Иқтисодиёт, 2016 йил, 208 бет.